

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида
УҚД _____

Ходжиев Т. И.

**Корхоналарни молиявий ҳолатини
барқарорлаштиришда лизинг операциялари ва
маркетинг хизматларидан самарали фойдаланишни
ташкил этиш йўллари**

5А340311 «Лизинг ва баҳолаш хизматлари маркетинги»
мутахассислиги бўйича

**МАГИСТР
АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН
ЁЗИЛАДИГАН ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:
и.ф.н.проф. Зайналов Ж.Р.**

САМАРҚАНД – 2008

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш - - - - -
I – Боб.	Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда лизинг бозори хизматларининг тутган ўрни
1.1	Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ҳақида тушунча - - - -
1.2.	Корхонанинг молиявий барқарорлигини яхшилашда лизинг бозорларининг тутган ўрни - - - - -
1.3.	Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини моделлаштиришда маркетинг хизматларининг тутган ўрни - - - - -
II – Боб.	Лизинг турлари, уларнинг туркумланиши ва таҳлили
2.1.	Лизингнинг иқтисодий мазмуни - - - - -
2.2.	Лизинг муносабатларини тартибга солиш хусусиятлари ва таҳлили - - - - -
2.3.	Лизинг турлари ва уларнинг тавсифи - - - - -
III– Боб.	Лизинг операцияларини самарали ташкил этишда маркетинг хизматларининг таъсири
3.1.	Лизинг хизматларининг афзалликлари ва камчиликлари - - - - -
3.2.	Лизингга бериладиган мол-мулкка маркетинг хизматини кўрсатиш - - - - -
3.3.	Лизинг битимларини тузиш хизматлари ва самарадорлигини таъминлаш омиллари - - - - -
IV– Боб.	Лизинг тўловларини маркетинг хизмати орқали мукамаллаштириш йўллари
4.1.	Лизинг операцияларини ташкил этиш ва амалга оширишда маркетинг хизматидан самарали фойдаланиш йўллари - - - - -
4.2.	Лизинг тўловларини амалга ошириш хизматларини мукамаллаштириш йўллари - - - - -
4.3.	Лизинг тўловлари турларини таъминлашни маркетинг хизматлари орқали мукамаллаштириш йўллари - - - - -
	Хулоса ва таклифлар - - - - -
	Фойдаланилган адабиётлар руйхати - - - - -

Кириш

Мавзунинг долзардлиги. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга лизинг бозори хизматларининг роли янада ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, давлатнинг молиявий салоҳияти ва имкониятларидан оқилона фойдаланишнинг асосий омилларидан бири – бу лизинг хизматлари ва улардан самарали фойдаланишни тўғри ташкил этиш зарурлигини 2008 йил 8 февралдаги 2007 йил якунлари доирасида қилган чиқишларида алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ҳар қайси корхона, соҳа ёки тармоқ ҳаётида ўзининг таъсирини шундай кучли намоён қиладики, агарда у лизинг хизматидан тўла фаол фойдаланишни билса.

Лизинг муносабатларини ислоҳ қилиш юзасидан олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида давлат харажати ва ундан янада самарали фойдаланиш, бюджет тақчиллиги ўсишига таъсир этувчи омилларнинг олдини олиш, иш ҳақини ўз вақтида тўлашни таъминлаш, шу билан бирга солиқ имтиёзларидан фойдаланиш жараёнида лизинг хизматлардан фойдаланишни юқори босқичга нисбатан муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичидаги вазифа пул маблағлари самарадорлиги ва мақсадли фойдаланилишини кучайтиришга қаратилган бюджетлаштиришни ташкил этиш ва унда лизинг хизматларини лизинг олувчиларга кўрсатиш бу борада маркетинг тадқиқотларини олиб бориш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги амалиётимизда лизинг хизмат самарали фойдаланиш, у билан боғлиқ харажатларнинг реал ҳажмини аниқлаш ва уларни режалаштириш, лизинг билан боғлиқ ҳаракатларни қонуний равишда сарфланишини таъминлаш борасида қатор муаммолар мавжуд. Айрим ҳолларда лизингга олинган жихозларнинг талон-тарож қилинишига, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолда сарфланишига, ноқонуний равишда ўзлаштирилишига, хўжасизларча фойдаланишга йўл қўйилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатдаги лизинг

маркетингини ва интизомининг талаб даражасида эмаслигидан далолат беради. Юқоридаги сабабларга кўра, Давлат лизинг операцияларининг самарали йўлга қўйишни унинг самарали тадбирлари тизимини янада фаоллаштиришнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида алоҳида аҳамиятга эга долзарб муаммолардан бўлиб қолаётир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лизинг операцияларини самарали ташкил этишда маркетинг хизматларини роли асослаш бўйича мавжуд муаммоларга доир мисолларни ечишда ўзининг муҳим ҳиссаларини қўшган хорижлик ғарб олимлари каторига Ф.Дефлиз, Э.Лоренс, Дж. Лоббек., Дж. Робертсонни киритиш ва яқин хориж давлатлари иқтисодчи-олимларидан О. Лаврушин, С.О.Шохин, А.Д.Шеремет ва бошқаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикаси лизинг амалиётининг таҳлили асосида илмий тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимлар сифатида Р.Г. Ибрагимов, Ж.Р. Зайналов, Х. Тухсонов, Газибаев С., С. Гулямов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Умуман, иқтисодий адабиётларда лизинг операцияларини мустаҳкамлаш масалалари алоҳида, махсус тадқиқот объекти сифатида қаралмаган ва чуқур комплекс тадқиқ этилмаган. Юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг аксарияти режали иқтисодиёт шароитида ижара доирасида амалга оширилган бўлиб, уларда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар даври ўз аксини топмаган.

Юқорида таъкидланганлар танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди ва Ушбу мавзу тадқиқот объекти сифатида танланишига сабаб бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лизинг операцияларини ташкил этишда маркетинг хизматларини янада кучайтириш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари магистрни. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, тадқиқотнинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- корхонанинг молиявий барқарорлиги ва уни яхшилашда лизинг бозорининг аҳамиятини ёритиш;
- лизинг шартнома интизомини акс эттирувчи кўрсаткичларни тизимли тадқиқ этиш асосида унга қўйилган талаблар стандартини ишлаб чиқиш;
- корхона ва банк маблағларидан фойдаланиш, орқали лизинг муносабатларни устидан назорат ҳолатини тадқиқ қилиш;
- лизингга олишган жихозларни маблағ билан таъминлаш хусусиятлари ваташкилий-иқтисодий асосларини ёритиш;
- лизинг тўловларини маркетинг хизмати орқали мукамаллаш йўллари ишлаб чиқиш;
- лизинг интизомини мустаҳкамлаш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, лизинг ва лизинг тўловларини амалга ошириш жараёни ҳисоблайди.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистон Республикаси молия, солиқ идоралари, лизинг корхоналари ҳамда бошқа молиялаштирилаётган муассасалар ўртасида молия назорати соҳасида вужудга келувчи лизинг операциялари ва маркетинг хизматлари бўлиб ҳисобланди.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш ва бошқа иқтисодий-статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқот ишида олинган ва ҳимояга олиб чиқиляётган муҳим натижалар қуйидагилардан иборат:

- корхоналарни молиявий барқарорлигини яхшилашда лизинг бозорида маркетинг хизматларини оқилона ташкил этиш йўллари кўрсатилди;

- лизинг тўловлари ва унинг назоратини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар тайёрланди;

- маркетингнинг хизмат масъулиятини ошириш ва жойларда хужжатларнинг бутлигини таъминлаш мақсадида замонавий маркетинг хизматини жорий этиш ва лизинг битимларини амалга ошириш;

- лизингга олинган маблағлардан фойдаланиш устидан тезкор мониторинг ўтказиш учун махсус компьютер дастури жорий этилиш йўли кўрсатилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида лизинг операциялари ва маркетинг хизматларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидаги натижалар орқали намоён бўлади:

- корхоналарнинг молиявий барқарорлигини яхшилашда лизинг бозорини кенгайтиришнинг аҳамияти ёритилди;

- лизинг шартнома интизомига риоя қилишни таъминлашга қаратилган лизинг назорати турлари янги мезонлар асосида тавсифланди ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида таклиф ишлаб чиқилди;

- лизинг учун берилган маблағлардан фойдаланиш, лизинг интизомига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишга бағишланган чоратadbирлар таклиф этилди;

- лизингга олувчиларни маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш ва иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналарнинг тадбиркорлик руҳида янгича ва молиявий таъминотнинг шарт-шароитлари ва йўллари асослаб берилди;

- лизингга олинган жихозлардан фойдаланиш йўналишларига бағишланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- лизинг операциялари лизинг битимларига риоя этиш интизомини молиявий назоратни кучайтириш орқали мустаҳкамлаш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда олинган хулосалар ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан лизинг операциялари ва маркетинг хизматларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларини янада чуқурлаштиришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса, ишда лизинг операцияларини амалга оширишда маркетинг хизматларини ва битимлар тузиш орқали молиявий интизомига қатъий амал қилиш, унинг мустаҳкамлигини ошириш учун назоратни кучайтириш бўйича янги йўналишлар очиб берилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида «Молия», «лизинг операциялари», «маркетинг» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган ва амалий аҳамиятга эга бўлган (олий ўқув юртларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан лизинг орқали жихозлар олиб келиш. Бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотларда бюджет маблағларининг лизинг операциялари доирасида сарфланишининг назоратини такомиллаштириш. Лизинг операцияларини тижорат банкларида лизинг операцияларини ривожлантиришда мониторинг назоратини такомиллаштиришга қаратилган) тавсиялар Тайлоқ маиший хизмат касб хунари коллежи ўқув жараёнига фойдаланиш учун қабул қилинган (2008 йил 30 май ДМ- 14.10.248/270-сонли маълумотномаси ва шу банкнинг 2008 йил 7 июнидаги далолатномаси).

Ишнинг синовдан ўтиши. магистрлик диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги ТАСИС томонидан (Самарқанд, март 2008), «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорнинг бошқариш йўллари» мавзуси бўйича умумий халқаро илмий конференциясида баён этилган ва маъқулланган. магистрлик диссертация иши СамИСИ «Молия ва суғурта хизматлари» кафедраси қошидаги Илмий назарий йиғилишида (2008 йил 17 май, баён 6 сон

мажлисида) шу кафедранинг (2008 йил 27 май 17 сонли баён) кенгаш мажлисида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Магистрлик диссертациянинг асосий мазмуни 3 та илмий мақолаларда эълон қилинган (ҳажми 0,7 бет)

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибида кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I – Боб. Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда лизинг бозори хизматларининг тутган ўрни.

1.1. Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ҳақида тушунча.

Корхонанинг яшаш фаолияти бир қанча цикллардан иборат бўлиб, у қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: корхонани ташкил қилиш; реорганизация; реструктуризация; санация, банкротлик ва тугатиш. Бу босқичлар ҳамма корхоналарга тегишли деган хулоса чиқариш керак эмас. Чунки булар корхонанинг фаолияти натижасига қараб амалга оширилади. Бу жараёнларни вужудга келиши аксарият ҳолда корхонанинг молиявий барқарорлигига боғлиқ. Шу сабабли корхонани молиявий барқарорлигини таъминлаш аҳамиятини ёритиш учун юқорида келтирилган корхонанинг яшаш циклларини мазмунига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Биринчи босқич – корхонани ташкил қилиш ва фаолиятини тиклаш. Корхонани ташкил этиш қоидалари ушбу бобнинг биринчи параграфида келтирилган. Ушбу қоидада корхонани ташкил этилишининг асоси бўлиб, уни таъсис этувчиларнинг мол-мулки ётади. Мулксиз корхона ташкил этилмайди. Мулкдан фойдаланиш, уни ошириб бориш, сақлаш корхонани молиявий барқарорлигини таъминлаш аслсида амалга оширилади.

Иккинчи босқич – реорганизация. Корхона фаолиятини такомиллаштириш, молиявий барқарорлигини ошириш, бозорда тутган ўрнини («Ниша»сини) сақлаш ёки кенгайтириш мақсадида ўз таркибида янги ишлаб чиқариш ёки функционал бўлимлар очиш, айримларини қўшиш, бирлаштириш, самарасизларини тугатиш каби қайта ташкил қилиш ишларини амалга ошириб боради. Бу масала аксарият ҳолда корхонанинг молиявий аҳволидан келиб чиқади.

Учинчи босқич – реструктуризация. Реструктуризацияга реорганизациянинг бир шакли сифатида қараш мумкин. Реструктуризация деганда корхонанинг таркибий бўлимларини (цехлари) ҳуқуқий шахс мақомисиз, мустақил баланс ва ҳисоб рақами билан алоҳида ажратилишига

тушунилади. Бундан асосий мақсад ишлаб чиқариш самарасини ошириш бўлиб, корхона бўлими (цехи) тижорат ҳисоб-китобига ўтказилади. Уларга мулк ажратилади, фойда ва харажатлари алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

Санация – иқтисодий ночор корхоналарни банкротлигининг олдини олиш мақсадида қарздор корхона – ҳуқуқий шахснинг муассислари (қатнашчилар), қарздорнинг кредиторлари ва бошқа шахслар, шу жумладан, давлат томонидан қарздор корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш бўйича ўтказиладиган чора – тадбирларни ташкил қиладиган фаолият.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлидаги 362 – сонли қарори билан «Иқтисодий ночор корхоналарни санациялаш тўғрисида» Низом қабул қилинган. Ушбу Низомга биноан қарздор корхона – ҳуқуқий шахснинг муассислари (қатнашчилари), корхона мулкисининг эгаси, давлат органлари ва бошқа шахслар санациялаш субъектлари бўлиши мумкин.

Қарздор корхона санациялаш объекти ҳисобланади. Фаолиятни давом эттириш учун қарздор корхонанинг тўлов қобилиятини тикланишининг аниқ имкониятлари асосланса, бундай иқтисодий ночор корхоналар санация қилинадиган объектлар қаторига киритилади.

Ўзбекистон Республикасида корхоналарни санациялаш жамғармаси тузилган.¹ Корхоналарни санациялаш учун маблағлар қаторига келтирилган жамғармалардан ташқари, корхоналар эгалари, кредиторлар, бирлашмалар (хўжалик уюшмалари), бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг молиявий ажратмалари ҳам киради.

Санациялаш корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ўтказиладиган чора – тадбирлардан бири ҳисобланади.

Кейинги босқич бу корхонани банкротлиги.

Корхона банкротлиги унинг иқтисодий ночорлигини оқибати. Банкротлик деганда суд томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий

¹ Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳузуридаги «Корхоналарни санациялаш жамғармаси тўғрисида Низом». ЎзРВМ 1999 йил, 362 – сонли қарори.

равишда ўзини банкрот деб эълон қилган қарздорнинг молиявий мажбуриятларини бажара олмаслиги, қисқа қилиб айтганда молиявий қобилятсизликка тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида «Банкротлик тўғрисида» Қонун (28 август 1998 йил, янги таҳририда) қабул қилинган. Ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг банкрот бўлиши жараёнида юзага келадиган муносабатлар ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Корхона яшашининг охириг босқичи уни тугатилиши. Иқтисодий ночорлик ёки банкротлик асосида суд қарори билан ёки мулкдорнинг ўз ихтиёри билан корхона фаолияти тўхтатилиши мумкин.

Корхона тугатилиши унинг фаолиятини тўхталиши ва давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган пайтдан бошланади, корхона эса тугатилган деб ҳисобланади.

Иқтисодий ночор корхоналар бошқа субъектлар билан келишув битими қилиши мумкин. Келишув битими (муросали келишув) – бу қарздор билан кредитор ўртасида қарзларни тўлаш муддатини узайтириш ёки қарзлардан чегирма қилиш тўғрисидаги битимди. Келишув битими ёзма равишда тузилади ва у хўжалик суди томонидан имзоланади.

Корхонанинг яшаш циклларида келиб чиқсак, у ўз фаолиятини олиб бориш даврида молиявий барқарорлигига қандай эътибор билан қараши лозимлиги иборасиз кўзга ташланади, чунки иқтисодий ночорлик банкротликка, банкротлик корхонани тугатилишига олиб келиши муқаррар.

Ўзбекистон иқтисодиётидан айрим маълумотларни қуйида келтирамиз.

Самарқанд вилоятида 1995 йилдан 2007 йилгача бўлган давр мобайнида вилоят хўжалик суди 500 яқин корхонани банкрот деб эълон қилган, уларнинг 350 яқин тугатилиб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўчирилган.

Сўнгги уч йилда 2004 йилда 35 та, 2005 йилда 41 та, 2006 йилда 51 та корхоналар банкротликка учраган.

2007 йилда вилоятда 16 мингдан ортиқ корхона фаолият юритган, улардан 0,27 фоизи банкротликка учраган. Бундан хулоса шуки, йилдан-йилга хўжалик юритувчи субъектлар сони кўпаймоқда, шу тариқа банкрот корхоналар сони ҳам ошиб бормоқда.

Ўзбекистон республикасида бозор иқтисоди шароитида банкротликни табиий ҳол деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг сабаблари эса турлича. Объектив сабаблардан бири:²

- ўтиш даврида кузатилаётган нарх – навонинг ошиб бориши ҳамда инфляция ҳолатларидир. «Наманганконсерва», «Намангантекстел» акциядорлик жамиятлари, «Янис ЖВ», «Косонсой Текмен» қўшма корхоналари бир неча йил бурун ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хорижий валютада кредит олган. Вақт ўтиши билан АҚШ доллари қиймати анча ўсиб, бу ҳол корхоналарни доимий равишда танглик чегарасига олиб келган. Улар иқтисодий ночорликдан банкротлик ва санация бўйича ҳукумат комиссиясининг қўллаб-қувватлаши туфайлигини чиқиб олиши мумкин бўлган вазият вужудга келган.

Хўжаликлар баъзан корхоналар раҳбариятида бошқарув ва ташкилотчилик қобилияти етишмаслиги сабабли шундай ҳолатга тушиб қолмоқда. Раҳбарларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимлари саёзлиги, бозор талабини билмаслик, омборда ётаверса ҳам маҳсулот ишлаб чиқаравериш қабилида иш туташ, айланма маблағларнинг етишмаслиги, эскирган жиҳозларни янгилашга қобилиятсизлиги туфайли «Тошбулоқ пойафзал», «Косонсой» акциядорлик жамиятлари, Наманган туманидаги «Турк атлас» қўшма корхонаси, Наманган шаҳридаги «Инъом ЛТД», «АКС», «Мақсад», Учкўрғон туманидаги «Муҳаммад-Иброҳим», «Садоқат - 5» хусусий фирмалари, Чортоқ хўжалик ҳисобидаги кўчма механизациялашган колонна ҳамда бошқа кўпгина корхоналар банкротлик ҳолатига тушиб қолган.

Банкрот деб эълон қилинган корхоналарнинг қарийб 70 фоизини хусусий фирма ва кичик корхоналар ташкил этади.

² Конкрет мисоллар Ўзбекистон Республикаси миқёсида келтирилишини мақсадга мувофиқ деб топдим.

Давлат ночор корхоналарга ўз аҳволини яхшилаб олиши учун имконият бермоқда. Бутун мамлакатда амалга оширилаётган санация ва ташка бошқарув ўзининг самарадорлигини исботлади.

Вилоятда 2007 йилга 30га яқин корхона санация ёки ташқи бошқарув шароитида ишлаган эди. Улардан 21 таси аҳволини ўнглаб олиб, иқтисодий мустақилликка эришди. Республика миқёсида эса «Наманганмаш», «Электротерм» акциядорлик жамиятлари сингари йирик корхоналар санация туфайли тангликдан чиқиб олди.³

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш кўп қиррали муаммо бўлиб, кўп омиллар унга таъсир қилади. Шу сабабли унинг йўналишлари ҳам ҳар хил. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:


- давлат ва ҳокимиятлар томонидан берилган имкониятлардан қонунлар ва қонун ҳужжатлари талаблари доирасида самарали фойдаланиш;
- истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжларини маркетинг тадқиқотлари орқали чуқур ўрганиш;
- конкурентларнинг кўрсаткичлари ва имкониятларини мунтазам таҳлил қилиб бориш;
- корхона ички муҳитини, фаолият шарт-шароитларини бозор эҳтиёжларига мослаштириб бориш;
- ўз маҳсулотларини, хизматларини рақобатбардошлигини таъминлаш, сифатини яхшилаш;
- корхонанинг иқтисодий параметрларини, шу жумладан молиявий параметрларини доимий таҳлил қилиш, шу асосида уларни яхшилаш бўйича конкрет чора – тадбирларни амалга ошириб бориш;
- хатарларни олдини олиш, корхонани иқтисодий, молиявий хавфсизлигини таъминлаш кабилар.

³ «Халқ сўзи» газетаси 6 феврал 2003 йил. Илҳом Раззоқов мақоласи.

**Корхонани молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда
ишлатиладиган кўрсаткичлар тизими**

т/р	Кўрсаткичлар номи	Аниқлаш усуллари	Модул шакли
1	Жорий ликвидлик коэффициенти ($K_{жл}$) (тўлов қобилияти)	Айланма маблағлар (Ай.М) ----- Қисқа муддатли (жорий) мажбуриятлар ($K_{ММ}$)	$\hat{E}_{\alpha . \dot{e}} = \frac{\Sigma \dot{A} \dot{e} . \dot{I}}{\Sigma \hat{E} \dot{I}}$
2	Молиявий қарамлик коэффициенти ёки қарздорлик, маблағ билан таъминланиш коэффициенти ($K_{М.К.}$)	Қарзга олинган капитал ($K_{К}$) ----- Хусусий капитал ($X_{К}$)	$\hat{E}_{i . \dot{e}} = \frac{\Sigma \hat{E} \hat{E}}{\Sigma \tilde{O} \hat{E}}$
3	Молиявий барқарорлик коэффициенти ($K_{М. бар.}$)	Хусусий капитал ($X_{К}$) + узоқ Муддатли қарзлар ($Y_{МҚ}$) ----- Активларнинг ўртача йиллик қиймати ($A_{Қ}$)	$\hat{E}_{i . \dot{a} \dot{a} \dot{a}} = \frac{\Sigma \tilde{O} \hat{E} + \Sigma \acute{O} \dot{I} \hat{E}}{\Sigma \dot{A} \hat{E}}$
4	Мулк мустақиллиги коэффициенти ($K_{М.М.}$)	Хусусий капитал ($X_{К}$) ----- Активларнинг ўртача йиллик қиймати ($A_{Қ}$)	$\hat{E}_{i . i} = \frac{\Sigma \tilde{O} \hat{E}}{\Sigma \dot{A} \hat{E}}$
5	Капитални маневр (ҳаракатчанлик) коэффициенти ($K_{К.М.}$)	Ҳаракатдаги (ишчи) капитал ($I_{К}$) ----- Хусусий капитал ($X_{К}$)	$\hat{E}_{\dot{e} . i} = \frac{\Sigma \hat{E} \hat{E}}{\Sigma \tilde{O} \hat{E}}$
6	Тўлов қобилияти коэффициенти ($K_{тк}$)	Ўз маблағи ($\dot{Y}_{М}$) ----- Умумий мажбуриятлар ($Y_{М}$)	$\hat{E}_{\dot{o} . \dot{e}} = \frac{\Sigma \acute{O} \dot{I}}{\Sigma \acute{O} \dot{I}}$

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун корхонанинг
иқтисодий, шу жумладан молиявий параметрларини



Режаларнинг бир қатор аломатларига қараб турланиши уни бозор иқтисоди шароитида кенг ишлатилиши тўғрисида муҳолағасиз далолат бериб турибди.

Корхона фаолиятига таъсир қилувчи омиллар

Вазиятни олидиндан кўра билиш, тасодифий ўрганишлар, корхоналарнинг ташқи алоқалари, ички фаолият юргизиш бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқдир. Ҳар қандай бизнес бундай омилларнинг таъсиридан ҳоли эмас. Шу сабабли фаолиятни режалаштириш жараёнининг энг зарур томони бизнесга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсир қилиш даражаларини белгилашдан иборатдир. Бизнинг фикримизча, объектив омиллар даражасини иқтисодий жиҳатдан ҳисоб – китоб қилиб аниқлаш мумкин ва улар реал шароитдан, ресурслардан келиб чиқади. Субъектив омиллар эса фаолиятга кишиларнинг профессионал билими, маҳорати, дунёқараши, психологияси қабила билан боғлиқ бўлиб, режалаштириш, фаолиятни таҳлил қилишда уларнинг таъсир қилиш даражаларини, миқдорини белгилаш иқтисодий-математик нуқтаи назардан


имконияти йўқ. Лекин, бундай омилларни ҳам мушоҳада орқали корхона раҳбарияти, мутахассислари режалаштириш жараёнида эътиборга олиш, шу омилларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш шарт.

Объектив ва субъектив омиллар корхонанинг ташқи ва ички муҳитидан келиб чиқади. Шу сабабли барча омилларни корхонанинг ташқи ва ички муҳитидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш ва тавсифлаш назарий ва Амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Режалаштириш жараёнида бундай омилларни бизнесга таъсир қилиш даражасини аниқлаш билан бир қаторда уларни бошқариш бизнеснинг самарасини ошириш учун барча чора – тадбирларни кўриш зарур.

Корхона фаолиятига таъсир қилувчи ташқи ва ички муҳитни кўриб чиқамиз.

Корхона фаолиятининг умумий кўриниши



Корхона фаолиятини, умуман тасаввур қилса бир томондан моддий, меҳнат, молиявий ресурслар турса, марказда ишлаб чиқариш жараёни турида ва иккинчи томонда тайёр маҳсулот ва уларни айрбошлаш жараёни туради. Бу жараён 2 – чизмада тасвирланган.

2 – чизмадан кўриниб турибдики, корхонанинг ички муҳити, яъни ресурсларни топиш билан уларни бирлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш, тайёр маҳсулотни (хизматни) айирбошлаш, истеъмолчиларни аниқлаш, уларнинг талабини ўрганиш каби омиллар билан боғлиқдир. Бу омиллар ўз ўрнида бошқа бир қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, ҳар бири бутун корхона фаолиятига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

1.2. Корхонанинг молиявий барқарорлигини яхшилашда лизинг бозорларининг тутган ўрни.

Молиявий менежментда асосий эътибор корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолияти таҳлилига қаратилади. Таҳлил учун зарур ахборот эса бухгалтерия балансидан, молиявий натижалар, пул оқимлари ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботлардан, шунингдек, солиқ ва статистик ҳисоботлардан олинади.

Тан олиш керакки, бухгалтерия баланси асосий аналитик ҳужжат сифатида олиниб, шу мақсадда, бухгалтерия баланси моддаларининг нафақат тўла – вертикал ва горизонтал таҳлили (чунки ҳамма ўзгаришлар абсолют ва нисбий кўрсаткичларда акс эттирилади) амалга оширилади, балки баланснинг у ёки бу моддалари муносабатларини акс эттирувчи ҳар хил коэффициентлар ҳам ҳисоб – китоб қилинади. Шунинг учун бу коэффициентларга қатъий чеклашлар ўрнатилган бўлиб, улар ўз навбатида, ликвидлик, молиявий барқарорлик, ишчанлик коэффициентлари каби уч гуруҳга ажратилади.

Бухгалтерия баланси назарияси ва амалиёти таҳлилидан маълумки, айтайлик, жорий ликвидлик коэффициенти 2 дан кам бўлмаслиги ёки молиявий қарамлик коэффициенти 1 дан ошмаслиги лозим.

Бироқ, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки:

- 1) қўлланиладиган коэффициентларни ҳисоблаш формулалари ва ушбу кўрсаткичларнинг тавсия қилинадиган чегаралари борасида баҳслашиш ноўрин;
- 2) ҳисоб сиёсати, яъни ҳисоблаш ёки касса усулининг ишлатилиши ушбу коэффициентларга аҳамиятли таъсир кўрсатади;
- 3) ушбу кўрсаткичлар корхона учун энг асосий кўрсаткич бўлган қўшилган қиймат билан боғланмайди;
- 4) ҳисобот даври боши ва охирига коэффициентларни ҳисоблаш ва уларнинг меъёрий кўрсаткичлардан фарқини аниқлашнинг ўзи, меъёрий кўрсаткичлар муваффақиятини ифодалай олмайди;
- 5) корхона молиявий хўжалик ҳолатини фақат ҳисобот даври бошига ва фақат ҳисобот даври охирига баҳолаш корхонанинг бутун ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида хулоса чиқаришга имкон бермайди.

Ўз – ўзидан маълумки, ҳар бир корхонага мос қабул қилинган кўрсаткичларга эришиш зарурий қадам ҳисобланади, лекин бу етарли эмас, чунки ҳисоб коэффициентлари фақат баланс таркибини ифодалаб беради. Аммо баланснинг ижобий таркиби, улар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилган ва шакллантирилган бўлса ҳам, корхонанинг пул ифодасидаги тўловга лаёқатлилигини ва иқтисодий ўсишини таъминлаб Бера олмайди.

Корхонанинг молиявий – иқтисодий ҳолати тўловга лаёқатлилиқ, ликвидлилиқ ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлигида аниқланади. Шунини айтиш керакки, бу учта омил корхонанинг молиявий – иқтисодий ҳолатига ҳар хил йўналишда таъсир кўрсатса-да, аммо молиявий лаёқатлилиққа ҳал қилувчи таъсир ўтказади.

Ҳозирги пайтда ихтиёрий корхона банка кредит ресурсларини жалб қилиш мақсадида мурожаат қилганда, анъанавий тарзда ўзининг маълум ҳужжатлар комплектини тақдим қилади ва қарздорнинг ишончилиги нуқтаи назаридан банк таҳлили жараёнидан ўтади.

Ушбу таҳлил жараёнида нафақат қатор йиллар давомидаги бухгалтерия, молиявий ва солиқ ҳисоботлари, балки пул оқимлари ва хусусий капитал

тўғрисидаги ҳисоботлар, балансга илова ва бизнес – режа ҳам талаб қилинади. Бундан ташқари, ушбу корхонанинг кредит тарихи ва бошқа махфий маълумотлар ҳам изчил таҳлил қилинади. Ўз навбатида қарздор ишончилигининг сифатли таҳлили банк томонидан ўзининг услублари асосида, шунингдек, ликвидлилик кўрсаткичлари, молиявий лаёқатлилик, ишчанлик, айланувчанлик, фойдалилик каби кўрсаткичларни ифодаловчи коэффицентларни ҳисоблаш асосида амалга оширилади.

Банк томонидан коэффицентларнинг тенг шароитларда ҳисоблаб кўрилиши кредит маблағларининг берилишига, унинг суммасига, муддатига, фоиз ставкасига ва аров мажбуриятига таъсир қилиши ва айнан манна шу таҳлил корхона томонидан банка кредит сўраб мурожаат қилгунга қадар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бошқа томондан, банк талаблари асосида жорий даврдаги, шунингдек, ҳисобот, режа ёки истиқболдаги ҳолатнинг баланс сезувчанлиги таҳлилининг амалга оширилиши, олдин ҳақиқий кўрсаткичларни аниқлаб уларнинг меъёрий кўрсаткичлардан фарқининг аниқланиши корхонанинг ҳозирги вақтдаги ва келгусидаги молиявий – иқтисодий ҳолатини мустақамлашга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам қарздор (қарз олувчи)нинг ишончилиги таҳлилини тайёрлаш учун:

- 1) баланснинг йириклашган таркибини шакллантирамыз;
- 2) қарздорнинг ишончилигини фақат баланс маълумотлари асосида аниқланадиган ҳисоб – китоб кўрсаткичларини кўриб чиқамиз;
- 3) ҳақиқий ва меъёрий кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ бўйича чеклашлаш тизимини ишлаб чиқамиз.

Қарздор ишончилиги таҳлилини тайёрлаш, баланс тузилмасини моддалар бўйича таҳлил қилиш учун зарур ахборотдан иборат умумлашган балансни шакллантиришдан бошланади (2- жадвалларга қаралсин).

$$ЖА - ҚМ = ХК + УМ - ОТА = 6813,0 \text{ минг сўм}$$

Активлар		Капитал	
Айланмадан ташқари активлар (ОТА)	7243,4	Хусусий капитал (ХК)	6974,3
Жорий актив (ЖА)	9201,6	Мажбуриятлар (М)	9470,7
- Захира ва дебитор қарзлар (ЗДҚ)	7198,5	- Узоқ муддатли мажбуриятлар (УМ)	7082,1
- Пул маблағлари ва эквивалентлари (ПЭМ)	2003,1	- Қисқа муддатли мажбуриятлар (ҚМ)	2388,6
Жами баланс валютаси (Ж) 16445			

Балансинг ҳамма бўлинмаларини йирик гуруҳларга ажратамиз:

- активлар ўз ичига узоқ муддатли (УМА = ОТА) ва жорий активларни (ЖА) олади;
- капитал хусусий капитал (ХК) ва қарз капитали (ҚК - М)дан иборат;
- жорий активлар ликвидлиги бўйича бир томондан захира ва дебитор қарзларга (ЗДҚ), иккинчи томондан эса пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар ва уларнинг эквивалентларига (ПМЭ) бўлинади;
- қарз маблағлари давомийлиги бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар (УМ) ва қисқа муддатли мажбуриятларга (ҚМ) ажратилади;
- маълумотлар ҳисобот даври боши ва охирига нисбатан ҳисобланадиган мутлақ, нисбий кўрсаткичларда олинади (чизма).

Ҳисобот даврининг охирига хусусий капиталнинг ўсиш ($\dot{y}^{xk}$) суръати ва жорий ликвидлик коэффициенти K_1 , хусусий капитал, қарз ва пул капитали кесимида юқоридаги тўққизта нукта аниқ қийматни қабул қилади, бунда жамғарилган қарз (ЖҚ) ва тўлов қобилияти коэффициенти шу давр учун фақат маълумот сифатида фойдаланилади (3- жадвалга қаралсин).

3- жадвал

Жамғарилган қарз ва тўлов қобилиятини аниқловчи коэффициент

Нукта	Нукта номи	ХК минг сўм	ҚК минг сўм	ПК минг сўм	ЖҚ минг сўм	$\dot{y}^{xk}$ бирлик	K_1 бирлик
1	2	3	4	5	6	7	8
A	Ўта барқарор	16445,0	0	2003,1	23697,7	10,554	+8
B	Барқарорлик камайтиши	14441,9	2003,1	0	25700,8	92,699	6,979
E	Ўсишнинг камайтиши	1558,1	14886,9	-12883,8	38584,6	1,0	1,585
F	Банкротлик	0	16445,0	-14441,9	40142,7	0	0,932
K	Икки қара ликвидлилик	2549,9	13895,1	-11892,0	37592,8	1,636	2
L	Бир қара ликвидлилик	161,3	16283,7	-14280,6	39981,4	0,103	1
M	Нол қара ликвидлилик	- 2227,3	18672,3	-16669,2	43370,0	- 1,429	0
Z	Банк шартлари ҳисоби	9793,3	9470,7	-4648,6	30349,4	6,285	5,032
G	Ҳақиқатда	6974,3	9470,7	-7467,6	33168,4	4,476	3,852

Молиявий барқарорлик чизмасини тузиш тамойилини қатор босқичларга ажратиш мумкин:

- 1) жорий баланс асосида ўрнатилган формулалар ёрдамида чизма тузиш вақтига пул капитали қиймати ҳисобланади;
- 2) пул капиталини чиқиб кетиш тартиби бўйича бу нукталарда ранжирлантириш ўтказилади;

- 3) қўшимча равишда зоналарни тўлов қобиляти (мутлақ ва нисбий), ликвидлик (икки кара, бир кара ва нол) ва иқтисодий ўсиш (хусусий капиталнинг ўсиши ва камайиши) бўйича тузиш;
- 4) ҳақиқий пул капитали ($ПК + X$) ва ҳисобланган катталиқдан фарқи асосида Z нукта координаталари ҳисобланади;
- 5) пул капитали ($ПК$) катталигига мос равишда G нукта координаталари аниқланади.

Шуни таъкидлаш керакки, молиявий барқарорлик чизмасини тузишда таянч нуқталари ва зоналар чегарасининг кетма – кетликда жойланиши мўллажалланади, ҳолбуки, тезкор таҳлилда аниқ масштаб шарт эмас. Бу ерда G нуқтанинг бошқа нуқталардан фақат пул капитали бўйича фарқини аниқлаш муҳимдир, чунки бу фарқ G нуқтадаги жамғарилган қарзнинг меъёридан фарқи билан мос келади.

Корхона молиявий ҳолатини чизмадаги G нуқтанинг меъёрий миқдордан четга чиқиш сабабларини – тўлов қобиляти, иқтисодий ўсиш ва кредит ресурслари қарздорларига бўлган талабларга нисбатан таҳлил қилиш кейинги босқич бўлиб ҳисобланади:

1. Корхона ҳисобот даврида ўз маблаҳлари етишмаган ҳолатда қарз маблаҳларини фаол жалб қилган (банк кредити ва олинган бўнақлар), шунинг учун G нуқта крафикда B нуқтадан ўнроқда жойлашган. $\hat{IE}_1^A > \hat{IE}_1^G$, бу ерда ҳақиқатдаги пул жамғарилган қарз тўлов ресурсларидан катта. ($\hat{IE}_1^G - \hat{IE}_1^A = 7467,6$ минг сўм). Ўз пул маблағлари етишмаслиги корхона молиявий иқтисодий ҳолатини ёмонлаштиради.
2. хусусий капиталнинг ўсиши G нуқтанинг E нуқтадан чапда жойлашганлиги билан характерланади, ($\hat{IE}_1^G > \hat{IE}_1^A = \Delta \hat{OE} = 5416,2$ минг сўм). Демак, корхонада иқтисодий ўсиш учун аҳамиятли захира мавжуд бўлиб, бу корхона молиявий иқтисодий ҳолатини яхшилайдди.
3. Икки карра ликвидлик шартининг бажарилиши, G нуқтанинг K нуқтадан чапда жойлашгани билан боғлиқ. Яъни, $ПК^G$ кўрсаткич $ПК^K$

кўрсаткичдан, r_1 , миқдорга катта эканлиги ($ПК^G > ПК^K$, $ПК^G - ПК^K = 4424,2$ минг сўм) жорий ликвидлик коэффициенти бўйича аниқ мустаҳкам захирадан далолат беради. Агар r_1 кўрсаткичи кам бўлса, жорий ликвидлик коэффициенти камайган бўлар, бироқ 2 коэффициентдан кўп бўлган бўлар эди. Аммо бунда пул капитали ҳам ҳисобот даври охирига камайган ва бу корхона молиявий иқтисодий ҳолатини ёмонлаштирган бўлар эди.

4. Банк ресурслари қарздорларнинг банк талабларини бажармаслигининг сабаби, G нукта Z нуктадан ўнроқда жойлашганлигидир $\hat{IE}_1^Z$ нинг $\hat{IE}_1^G$ ω ($\hat{IE}_1^Z > \hat{IE}_1^G$) катталигида ($\hat{IE}_1^Z - \hat{IE}_1^G = \omega = 2819$ минг сўм) Бу шартларни бажариш учун жамғарилган қарзларни камайтириш чораларини кўриш ёки ўз пул маблағларини кўпайтиришнинг қўшимча маблағларини излаб топиш керак (фарқ суммасига).
5. Корхона умумий молиявий иқтисодий ҳолати ҳисобот даврида қуйидагича, яъни таянч туқталарининг қуйидагича жойлашганлиги билан характерланади: $(A - B - Z - G - K - E)$, (қачонки ўз пул маблағларини кирим ва чиқимини назорат қилиш зарур бўлса).

Молиявий барқарорликка асосланишини эътиборга олиган ҳолда таянч нуқталарни чизма тузилмаси ва чегаралар тизими асосида корхона иқтисодий ривожлантириш имкониятларини келтирамиз:

1. Иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, хўжалик операциялари китобини (ХОК) шакллантириш, молиявий таҳлилий жадвалларни тўлғизиш.
2. Дастурнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш.
3. Жамғарилган қарзнинг ва кейинги ўзгаришларнинг катталигини асослаб бериш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, корхона молиявий барқарорликка эришган сайин молиявий аҳволи яхшилана боради ва қарз капиталига муҳтожлик камаяди.

1.3. Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини моделлаштиришда маркетинг хизматларининг тутган ўрни.

Маълумки, 1999 йил 14 апрелда амалга кiritилган Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисидаги» қонунида «Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчининг ўз маблағи ва (ёки) қарз маблағларини инвестициялашга қаратилган тадбиркорлик фаолияти тури – лизинг фаолиятидир» деб белгилаб қўйилгандир. Қонун лизинг фаолиятининг ташкилий – иқтисодий ва фуқаролик – ҳуқуқий аспектларини бошқарувчи ҳукумат қарорлари ва Президент фармонларидаги меъёрий актларни бирлаштирди ва ривожлантирди.

Жаҳон амалиётида лизинг турли белгилари бўйича таснифланса –да, қонунга биноан у молиявий ва оператив лизингларга бўлинади².

Лизинг молиявий кўринишда бўлиши учун лизинг шартномаси қуйидаги шартларнинг бирига жавоб бериши талаб этилади:

- лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчи мулкига ўтиши;

- лизинг шартномаси муддати лизинг объектининг хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлиши ёки лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан камини ташкил этиши;

- лизинг олувчи объектини қатъий белгиланган нархда ёки лизинг шартномаси муддати тугаганда аниқланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши;

- лизинг шартномаси давридаги тўловларнинг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиши шулар жумласидан.

Агар лизинг шартномасида юқоридаги талабларнинг бирортаси ҳам кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда лизинг тезкор лизинг ҳисобланади.

Лизинг ихтиёрий ишлаб чиқариш моддий – техника базасини ривожлантиришга кенг кўламда капитал маблағ жалб қилишнинг асосий молиявий воситаси сифатида юқорида таъкидланганидек, банк кредити,

ссуда, кечиктирилган тўловни сотиб олиш ва шунга ўхшаш молиявий рицагларга қараганда бирмунча устунликларга эга бўлиб, уларнинг айримларини қуйидагиларда қўриш мумкин:

- лизинг 100 фоиз қарз олишни кўзда тутди ва қарзнинг ҳаммасини тезда қайтаришни талаб этмайди;

- лизинг бўйича шартнома тузиш ссудага қараганда осондир; чунки битимни таъминлашни ускунанинг ўзи амалга оширади. Бу айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга қулай;

- лизинг актив сотиб олиш «молиялаштиришнинг олтин қондаси»га биноан амалга оширилиб, унга асосан молиялаштириш активдан фойдаланиш даврида амалга оширилиб борилади. Маълумки, агар активни сотиб олишда қарз капитали ишлатилса, одатда ссудани активдан фойдаланиш муддатига қараганда тезроқ узиш талаб этилади;

- лизинг қарор қабул қилишда лизинг олувчининг уддабуронлигини оширади. Актив сотиб олишда биргина муқобил вариант «сотиб олмаслик» бўлади. Лизингдан фойдаланилаётганда ижарачи мавжуд лизинг шартларининг ўз талабига ва имкониятига мосларини танлаш мумкин;

- лизинг тўловлари белгиланган график асосида амалга оширилгани боис, ижарачига маҳсулотларни сотишдан келган тушумларни ва капитал маблағларни молиялаштириш харажатларини мувофиқлаштириш имконини беради. Натижада, ускунани бирданига сотиб олгандан кўра, молиявий режалаштиришнинг бир маромлигига эришилади;

- лизинг молиявий ресурси унча катта бўлмаган ижарачига катта лойиҳаларга қўл уриш имкониятини яратади;

- лизинг ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиш воситаси бўлиб, узоқ вақт хизмат қилгани учун одатда давлат сиёсати лизингни ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган бўлади;

- ускуна шаклида инвестиция қилиш пулли кредитдан фарқли равишда маблағнинг қайтарилиш таваккалчилигини пасайтиради. Сабабли, лизинг берувчида мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади;

- лизинг молиявий ресурсларни бевосита моддий активлар сотиб олишга йўналтиради ва бу билан кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланишнинг олдини олади;

- ишлаб чиқариш воситаларига лизинг орқали инвестиция қилиш лизинг бўйича мажбуриятни қопловчи даромаднинг юзага келишини кафолатлайди;

- лизинг предмети сотивчисига эса ўз маҳсулотларини сотиш учун кўшимча имкониятлар яратилади.

Булардан ташқари, лизингга ускуна олиш туфайли рентабелли корхоналар ўзларининг солиққа солинадиган базасини солиқ чегирмаларини мақбуллаштириш йўллари орқали жиддий равишда камайтиришлари мумкин. Шу ўринда лизингни иқтисодий афзаллигининг сифат жиҳатлари билан унинг миқдорий томонларини ҳам таҳлил қилиш лозимдир.

Маълумки, иқтисодий самарадорлик тушунчаси қуйидаги мантикий боғлиқлик орқали аниқланади⁴:

Самарадорлик = натижалар (фойда, даромад) харажатлар.

Лизингнинг иқтисодий самарадорлиги деганда, лизинг битими субъектларининг ускунани бошқа усуллар (банк кредитлари) орқали олиш билан таққосланган, лизинг ёрдамида қўлга киритишида келадиган нафи (тежамлар, фойдалар) тушунилади.

Лизинг баҳоси маълум бир солиқ имтиёзлари мавжуд бўлган ссуда баҳосига тенг ёки паст бўлади. Бунда биз ҳар бир кредитлаш усули бўйича харажатларни таққослашимиз зарур бўлади. Бу таққослашдан келиб чиқадиган тамойил дискотлаш йўли билан бир хил вақтга келтирилган тўловларнинг молиявий эквивалентлигидир.

Жаҳон амалиётида тўловларнинг соф жорий баҳосини топишди дисконтлаш усулидан фойдаланилади.

⁴ Фальцман В.К. Оценка инвестиционных проектов и предприятий. – М.: ТЕИС, 1999 г. С. 56.

Дискотлаш – турли вақтдаги харажат ва натижаларни жорий вақтга келтиришдир. Шундай қилиб, дискотлашда келгусида олинадиган ҳар бир пул маблағининг бугунги баҳоси ҳисобланади.


Ишлаб чиқариш воситасига инвестиция қилишнинг самарадорлигини топиш учун узоқ муддатдаги харажатларни натижалар билан таққослашни тақозо этади.

Аммо бу суммалар турли вақтдаги суммалар бўлганлиги учун таққослаб бўлмайди. Чунки, бугунги кунда бизда мавжуд бўлган бир сўм кутилаётган фойдадаги бир сўмга тенг эмас.

Фараз қилайлик, ҳозир инвестиция қилинаётган 1 сўм r тийн фойда келтирсин. У ҳолда бир йилдан сўнг у $1+r$ гача ўсади. Натижада, агар 1 сўм бир йилга инвестиция қилинган бўлса $(1+r)$ сўм бугунги кундаги 1 сўмнинг баҳоси ҳисобланади. Икки йилдан сўнг $(1+r)$ гача ўсган бугунги инвестиция қилинган бир сўм яна фоиз ставкагача ўсади ва $(1+r)(1+r) \geq (1+r)^2$ ни ташкил этади, t йилдан сўнг эса $(1+r)^t$ гача ўсади, яъни инвестиция қилинган пул баҳоси банк омонатидек мураккаб фоиз формуласи бўйича ўсиб боради.

Агар C суммада лизинг хизмати кўрсатилса, бир йилдан кейин у $C(1+r)$ га, t йилдан сўнг эса $(1+r)^t$ гача ўсади. Худи шу мураккаб фоиз модели билан банка қўйилган омонат суммасининг ўсишини топиш мумкин.

Дискотлаш эса тескари масалани: келгусидаги пул маблағларини бугунги (жорий) вақтга келтиришни ҳал этади. Қуйидаги лизинг хизматлари пул оқими диаграммаси берилган бўлсин (1- диаграмма).



Келажакда турли вақтда тўланадиган лизинг тўловларини жорий вақт моментига келтириш учун уларнинг ҳар бирини мос равишда $(1+r)$, $(1+r)^2$, $(1+r)^3$ ва ҳоказо $(1+r)^t$ Ларга бўлиш лозим. Натижада, тўловларнинг соф жорий баҳолари


$$C_1/(1+r) \ C_2/(1+r)^2 \ C_3/(1+r)^3 \dots \ C_t/(1+r)^t$$

ҳосил бўлади, t – йилдаги ихтиёрий суммадаги лизинг тўловини жорий вақтга келтириш дискотлаш коэффиценти k орқали амалга оширилади.

$$k = \frac{1}{(1+r)^t}$$

Бу ерда r – дисконт меъёри ($r > 0$). 2 – диаграммада дискотлаш коэффицентининг вақт бўйича ўзгариш графиги берилган бўлиб, ундан кўриниб турибдики, вақт узоклашган сайин коэффицент нолга яқинлашмоқда. Дисконт меъёри r жуда катта бўлган мамлакатларда 4-5 йил учун $k = 0$ деб олса ҳам бўлади. Бу дегани тадбиркорлар учун инвестицион лойиҳалардан кутилаётган самара 4-5 йилдан кейин Амалий жиҳатдан қимматга эга бўлмай қолади (2- диаграмма).


Ўз – ўзидан дисконт меъёри нима? Деган савол туғилади. Бунга икки нуқтаи назардан қараш лозим.



Дисконт меъёри – капиталнинг индивидуал баҳоси бўлиб, қарз берувчи, инвестор ва қарз олувчилар ўз ички имкониятлари ва капитални жойлаштириш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда бозор фоиз ставкасидан келиб чиқиб ўрнатади. Бошқача ифодаладиган бўлсак, дисконт меъёри капиталнинг индивидуал баҳоси бўлиб, фоиз ставкаси атрофида унинг

берилган бозордаги ўртача баҳоси сифатида ўзгариб туради. Демак, капитал баҳоси фоиз ставкаси билан аниқланади. Умуман олганда, фоиз ставкаси эса учта омил: фойда меъёри, инфляция фоизи ва таваккалчилик учун суғурта мукофоти фоизидан ташкил топади, яъни

диаграмма



Фоиз ставкаси = таваккалчилик ва инфляциядан холи бўлган муқобил лойиҳалардаги капиталнинг фойда меъёри + инфляция фоизи + таваккалчиликни қоплаш учун захираланаётган фойда фоизи.

Одатда, фоиз ставкаси миллий валюта сўм инфляциясини ҳисобга олганда қуйидаги формула билан аниқланади:

$$r = \frac{1+r_m}{1+i_g} - 1$$

Бу ерда r_m – банк фоиз ставкаси ёки миллий валюта инфляциясини ҳисобга олмаганда қарз маблағларининг фоиз ставкаси; i_g – миллий валюта сўмнинг инфляция даражаси, фоиз. Миллий валюта сўмнинг инфляция даражаси эса қуйидаги формула билан аниқланади:

$$i_g = \frac{(\dot{E}\ddot{O})_t}{(\dot{E}\ddot{O})_{t-1}}$$

бу ерда $(ИПЦ)_t - t$ – истеъмол баҳо индекси; $(ИПЦ)_{t-1}-(t-1)$ - йилдаги истеъмол баҳоси индекси.

II – Боб. Лизинг турлари, уларнинг туркумланиши ва таҳлили

2.1. Лизингнинг иқтисодий мазмуни.

Лизинг муносабатлари мулкый ёллаш муносабатларидан бошқа бир қатор фарқланишларга ҳам эга. Ушбу фарқланишлар ускуна лизингининг узокроқ муддати ва айниқса тўловлар шартларининг хусусиятларидан иборат. Одатда, лизинг операцияларида ускунани фойдаланишга бериш муддати ундан самарали фойдаланиш, яъни тўлиқ амортизацияланиш муддатига яқин бўлади. Тўловлар миқдори ўз ҳажмига асосан мол-мулк амортизацияси ва қарздан фойдаланилганлиги учун фоизларни киритади. Лизинг бўйича тўловларнинг умумий суммаси мол-мулк қийматидан, унинг сотиб олиш баҳосидан юқори бўлади. Ушбу ортиқча фарқ лизингга берувчининг фойдасини ташкил этади.

Бундан ташқари, ижара муносабатларига нисбатан лизинг тарафлар ўртасидаги ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ўзгача тақсимланиши билан тавсифланади. Бу ерда лизингга берувчининг керакли ускунани сотиб олиш ва уни лизингга олувчига етказиб бериш бўйича мажбуриятларини қайд этиш лозим. Лизингга олувчи ускунани кўриб чиқиш, сифати ва бутлигини аниқлаш ҳуқуқига эга. Ижарадан фарқли ҳолда, лизингда бир тарафнинг ускунага техник хизмат кўрсатиш, уни тубдан таъминлаш билан бир қаторда, иккинчи тарафнинг ҳам мажбурияти бўлиши мумкин. Шунингдек, ускунада носозликларни аниқлаш ва уни ўз вақтида лизингга олувчига тақдим этиш учун масъулият бўйича низом мавжудлиги лизинг хусусиятларидан биридир. Қайд этилган ҳолларда ижарада масъулият ижарага берувчининг, лизингда эса – бевосита ишлаб чиқарувчининг зиммасида бўлади. Лизингда, одатда, ускуна тасодифан ҳалокатга учраши ёки бузилишининг таваккалчилиги ускуна эгасининг зиммасига эмас, балки лизингга олувчининг зиммасига юклатилган. Агар лизингга берувчи ускунанинг эгаси бўла туриб, уни кўрмаслиги ҳам мумкинлиги ҳисобга олинса, ушбу таъкидлаш бўйича савол туғилмайди. Шундай қилиб, юқорида қайд этилганидек, лизингга

берувчининг ўрни келишувни молиялаштиришдан иборат деб таъкидлаш мумкин.

Чунончи, инглиз лизинг уюшмаси (English Leasing Association - ELA) молиявий лизинга берувчи мажбурий бекор қилинмайдиган давр мобайнида капитални амортизация қилган ва фойда олган ҳолда тўловлар олиш бўйича шартнома деб белгилайди.⁵

«Тўловлар», «капитал», «фойда» каби иқтисодий тушунчалардан фойдаланиб, лизингни унинг иккиёқлама бир-бирига зид табиатига эга бўлган иқтисодий мазмунига асосланиб кўриб чиқиш мумкин.

Бир томондан, лизинг қайтариш шарти билан лизинга берувчи тмонидан асосий капиталга қўйилмаларни, яъни лизинга берувчи, мулкдор бўлган ҳолда, асосий воситаларнинг элементларини муайян даврга тақдим этади ва лизинг шартномаси билан белгиланган муддатда уларни (ёки амортизация тўловлари кўринишида уларнинг пул эквивалентини) қайтариб олади. Ўз хизмати эвазига у ҳақ, яъни лизинг объектларидан фойдаланганлик учун тўлов олади. Шундай қилиб, лизингда муддатлилик, қайтаришлилик ва тўловлилик тамойиллари амалга оширилиши таъминланади. Бу ташқи кўринишда қарз муносабатларига мос ва ўз моҳияти бўйича қарз келишувининг моҳиятини сақлаб қолади.


Бошқа томондан, лизинга берувчи кредитор ва лизинга олувчи-қарз олувчи капитал билан пул шаклида эмас, балки ишлаб чиқариш шаклида муомалада бўлиши муносабати билан лизинг ташқаридан қараганда шакли бўйича кўчмас мол-мулкка инвестицияларга ўхшаб кетади. Бунда лизинг бўйича капиталнинг ишлаб чиқариш шаклида ифодаланиши ҳозирги кунда тушинилиши ва амалга қўлланилиши туб маънода эски моҳиятини ўзгартиради ва унга кўп жиҳатдан янги мазмун касб этади. Ушбу маънода лизинг инновация ҳисобланади, шунинг учун ўзининг иқтисодий мазмунида капиталнинг ҳаракат шакли бўйича инвестиция механизмининг бўғини сифатида намоён бўлади.

⁵ www.eej-net.org.uk/reg_ADR/Fin_Lease/fin_lease.Html.

Шундай қилиб, агар лизингга мол – мулкни муддатлилик, кайтаришлилик ва тўловлилик шарти билан вақтинчалик фойдаланишга бериш сифатида қаралган тақдирда, уни асосий фондларга мақсадли кредит каби туркумлаш мумкин. Бундан ташқари, муносабатларнинг молиявий томонидан келиб чиқиб, биз томондан лизинг анъанавий банк кредитига муқобил, машиналар ва ускуналар сотиб олишни молиялаштирувчи янги (инновация) шаклларида бири каби қаралади, чунки мулкдор мол-мулкни тўлиқ қиймати бўйича сотиб олар экан, уни ушбу мол-мулкдан фойдаланувчиларнинг даврий бадаллари ҳисобига қоплайди. Шунинг учун лизинг иқтисодий маънода лизинга берувчи томонидан лизинга олувчи фойдаланиш учун мол-мулк шаклида тақдим этиладиган инновация кредити ёки, кенг маънода, инновация инвестицияларининг тури ҳисобланади.

Лизинг муносабатларида инновация қарзлари намоён бўлиши чизмасини 1 – чизмада кўринг.

Шунинг билан бир қаторда, лизинга қиймати бўйича кредитлашни ташкил этиш нуқтаи назаридан қаралса, уни тижорат кредити билан таққослаш мумкин. Бироқ



Бунда:

- 1 – лизинг контрактини таклиф этиш;
- 2 – лизинг контрактини имзолаш;
- 3 – товарни олиш;

- 4 - товарни этказиб бериш;
- 5 – товарни қабул қилиш;
- 6 – мол етказиб берилганлиги учун тўловни амалга ошириш;
- 7 – қайта молиялаштириш;
- 8 – ижара тўловларини тўлаш;
- 9 – кредитни қайтариш.

2 - чизма. Инновацион кредити шаклидаги лизинг.

Бундай ҳолда ва авваланбор, юқорида қайд этилганидек, у ёки бу ҳолда битим объекти ҳисобланган мол – мулк эгалик қилиш ҳуқуқига нисбатан улар ўртасида мавжуд бўлган эътиборга молик фарқларни қайд этиш лозим. Тижорат кредитлашида мулкчиликка ҳозирги пайтда тўлов муддати кечиктирилган объектнинг истеъмол қиймати ўтказилади. Лизингда эса мол – мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи унга эгалик қилишдан ажратилади. Лизинга олувчи лизинг объектдан фойдаланиш ҳуқуқини олган бир пайтда, ушбу объектни лизинга берувчи унга эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Бундан ташқари, тижорат кредити, одатда, қисқа муддатли тавсифга эга, лизинг эса уни анъанавий тушунишда, ўрта муддатли ва қисқа муддатли келишувларни инкор қилмаган ҳолда ҳам – узоқ муддатли ҳисобланади. Қисқа даврларга, айрим ҳолларда бир неча ой муддатга тузиладиган лизинг келишувларининг холис ва сўзсиз устуворлиги бизнинг мамлакатимизда лизинг ривожланиши ҳозирги босқичининг хусусиятлари ҳисобланади.

Бу ерда, шунингдек, ҳар қайси оператив мол – мулк эгаси томонидан амалга оширилиши муҳимлигини қайд этиш мумкин. Тижорат кредитида кредитор корхонанинг асосий мақсади – кредит оладиган корхонанинг вақтинчалик молиявий қийинчиликларини бартараф этиш йўли билан маҳсулот сотилишини тезлаштиришдан иборат. Лизинга берувчи эса, лизинга олувчи объектнинг таркиби ва молиявий ҳолатидан қатъи назар, фақатгина

лизинг бўйича тадбиркорлик даромадини олиш усулини мақсад сифатида кўзлашидан иборат.

Шундай қилиб, тижорат келишувида ҳам, шунингдек лизингда ҳам олди-сотди келишуви мавжудлигини ишонч билан таъкидлаш мумкин, шу боис бу ерда ушбу икки операциялар ўртасида аниқ белгиланган фарқлар мавжуд эмас.

Лизингнинг кредит муносабатлари каби моҳияти кўп жиҳатдан, авваланбор, бозор иқтисодиёти мамлакатларида товар – пул муносабатлари ривожланиши оқибатида унинг керакли бўлганлиги билан изоҳланади. Бироқ, лизинг иқтисодий туркум каби назарий тушунчага эга бўлиш поғонасида кредитлаш шаклларида бири каби тавсифланишига бошқа бир аниқ белгиланган сабаблар мавжуд.

Биринчидан, лизинг кўпчилик ҳолатларда корхонанинг пул маблағлари ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган объектлар, яъни асосий воситаларга нисбатан сотиб олиш эҳтиёжларига тўлов қобилияти мос келмаганда пул даромадалари унинг тўлов қобилиятини шакллантирадиган вазиятда кераклидир. Корхона томонидан ушбу объектларни сотиб олиш эҳтиёжи уларни пул билан қоплаш имкониятларидан юқори. Бошқача қилиб айтганда, корхона томонидан ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун керакли бўлган жорий пул даромадалари ва ушбу ускуналарга мавжуд бўлган нисбатан юқори нархлар ўртасида узилиш мавжуд. Бир вақтнинг ҳзида иқтисодий муносабатларда бўлган субъектларнинг айримларида эркин пул маблағларининг вақтинчалик ҳаракатланмаслиги кузатилади (молиявий – кредит институтлари, бизнесни ривожлантириш ва қўллаб – қувватлаш жамғармалари, йирик корпорациялар ва бошқалар). Ушбу вазиятда, якуний истеъмолчининг нуқтаи назаридан мавжуд бўлган зиддиятларнинг икки гуруҳини, яъни: корхонанинг жорий даромадалрига нисбатан меҳнат қуролларига юқори баҳо мавжудлиги билан бир қаторда, иқтисодиёт субъектларининг бир гуруҳида пул маблағлари жамланганлиги ва улардан

бошқа гуруҳда фойдаланиш мумкинлигини бир вақтнинг ўзида ҳал этувчи лизинг кредитининг пайдо бўлиши табиий ҳисобланади.


Лизинг кредити пайдо бўлиши учун ушбу асосланиш балки аниқ белгиланган объектга – яъни корхонанинг асосий воситаларига мақсадли тавсифга эга бўлган ва йўналтирилгандан истисно тариқасида, умуман банк кредити учун ҳам ўринли эканлигини тақозо этиш жоиз. Бироқ, лизинг кредити моҳиятига тушунча берувчи қуйидаги сабаб кредит назариясида фақат лизинг учун ҳосдир.

Лизинг кредити, шунингдек, асосий воситаларни ишлаб чиқарувчи нуқтаи назаридан ўз маҳсулотларини тўсқинликсиз сотилишини таъминлаш учун кераклидир. Бунда лизинг кредити ишлаб чиқариш ва асосий воситаларни сотиш ўртасидаги боғлиқлик ўзаро эканлигини қайд этиш лозим: ишлаб чиқариш фондлари товар айланишининг ошиши билан лизинг кредитининг ҳажми ошиб боради, чунки лизинг объектлари – асосий воситаларга бўлган эҳтиёжи лизингнинг ўзига нисбатан эҳтиёжни ҳам вужудга келтиради. Қайд этилган тобелик аёниқса ривожланган мамлакатларда янада ҳам чопсроқ бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда бозор товарлар билан жуда ҳам тўлган шароитларда ушбу мамлакатларда корхонага алоҳида қимматбаҳо ускуналарни фақат лизинг кредити бериш объекти, лизинг муддати, кредит фоизи, лизинг келишувини расмийлаштириш тартиби, лизинг кредитини бериш шартлари, уни қоплаш тартибидан иборат бўлган лизинг механизмидан фойдаланилган ҳолда сотиши мумкин.

Чунончи, саноати ривожланган мамлактларда кенг кўламли ажратилган узоқ муддатли лизинг операциялари кенг ривожланган (3 - чизма).

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, бир тараф – лизинга берувчи томонидан иккинчи тараф – лизинга олувчига иккинчи тарафнинг топшириғига биноан муайян шартлар бўйича, фаолиятнинг Ушбу туридан лизинга берувчининг тижорат даромадини ташкил этувчи тегишли ҳақ учун мол – мулк кўринишида мақсадли кредит бериш бу лизингнинг ишлаб

чиқаришга қаратилган инвестиция - инновация муносабатлари каби таъриф берилган иқтисодий моҳиятини ифодалайди.



Бу ерда:

- 1 – битим иштирокчиларини танлаш бўйича брокер фирмаси хизматлари учун воситачилик тўловлари;
- 2 – кредитлашни ташкил этганлиги ва молиявий операциялар бўйича бошқа хизматлар учун кредитловчи брокер ташкилотига тўлов;
- 3 – техник хизматлар истеъмолчисининг ижара тўловлари;
- 4 – лизинга берувчига тегишли бўлган лизинг тўловлари;
- 5 – ишлаб чиқарувчи (мол етказиб берувчи)дан олинган техник воситаларнинг бир қисми ижарага берувчи томонидан молиялаштирилиши⁴
- 6 - фирма – продуциентга ундан олинган техник воситалар қийматининг тўлови;

- 7 – ижарага олувчи учун керакли бўлган ускуна ва машиналар тўпламини сотиб олиш учун тақдим этиладиган молиявий муассасаларнинг қарзлари;
- 8 – олдин олинган кредитлар бўйича тўловлар ва улар тақдим этилиши бўйича фоизлар.

3 - чизма. Кенг кўламли ажратилган узок муддатли лизинг операцияларини амалга оширишни ташкил этиш бўйича намунавий таркибий чизма.

2.2. Лизинг муносабатларини тартибга солиш хусусиятлари ва таҳлили.

Лизинг операциялари кўпчилик мамлакатларда иқтисодиёт барқарорлиги ва ривожланишининг ажралмас қисми бўлиб қолганлигини кўрсатмоқда. Уларда лизинг ҳажми ўсишининг суръати машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш учун хусусий капитал кўйилмаларнинг ўсиш суръатидан аҳамиятли даражада ошиб бормоқда. Маҳсулотларни ички бозор билан бир қаторда ташқи бозорларда сотишда ҳам лизингдан кенг фойдаланилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг лизингга оид қонунчилиги аҳамиятли даражада фарқланади. Чунончи, лизинг контракт охирида ускуналарни опцион билан сотиб олиш француз модели Англияда лизинг битими эмас, балки сотиш сифатидаги ижара ҳисобланади. АҚШда ҳам, шунингдек опцион лизингнинг мажбурий шарти ҳисобланмайди. Лизингда сотиб олиш учун опционнинг ўрни бутунлай қарама – қарши баҳога эга, яъни: уни лизингнинг керакли ва узлуксиз қисми каби тан олишдан бошлаб то лизинг операцияларида ижобий ўрин эгаллашини рад этгунга қадар.

Масалан, Бельгия, Франция ва Италия қонун ҳужжатларида сотиб олиш учун опционга лизинг шартномасининг мажбурий элементларидан бири каби қаралади.

Лизинг олинадиган мол – мулкнинг бухгалтерия ҳисоби қоидаларида ҳам бир хил ёндашиш кузатилмайди. Бухгалтерия ҳисобининг инглизсаксон

тизими лизинг объекти ижарага олувчининг балансида акс эттирилишини назарда тутди, Франция ва бошқа айрим мамлакатларнинг амалдаги меъёрлари бўйича эса – у лизинга берувчи компаниянинг балансида ҳисобга олинади.

Шу пайтда қадар дунё амалиётида ҳатто лизинг тушунчасининг ягона талқини ҳам берилмаган. Бу нафақат лизинг операцияларини ёритиш учун қўлланиладиган турли атамалардан фойдаланиш (Францияда – қарз – ижара, Бельгияда – молиявий ижара ва ҳ.), балки ҳуқуқий ва иқтисодий хусусиятлар билан боғлиқдир. Бундан ташқари, кўпчилик мамлакатлар (жумладан, АҚШ) да лизинг битимларини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари мавжуд эмас, лизинг шартномаларидан келиб чиқадиган муносабатлар эса фуқаролик ҳуқуқи ва мол – мулкни вақтинчалик фойдаланишга беришда тарафларнинг муносабатларини белгиловчи савдо ҳуқуқининг умумий қоидалари, амортизация ва солиққа тортиш имтиёзлари ва бухгалтерия ҳисобига оид солиқ қонунчилиги билан тартибга солинади. Ушбу мамлакатларда лизинг ва суд амалиёти етакчи ўрин эгаллайди.

Айрим мамлакатларда, хусусан, Францияда, Бельгияда, Испанияда махсус лизинг қонунчилиги мавжуд. Ушбу мамлакатларнинг меъёрий ҳужжатларида лизинг тушунчасига таъриф берилган, молиявий лизинг (молиявий ижара) шартномаси тузилганлиги тўғрисида даҳлат берувчи белгилар қайд этилган, лизинга берувчи жавоб берадиган талаблар, шунингдек лизинг муддати ва мол – мулкнинг меъёрий хизмат қилиш муддати ўртасидаги муносабатлик шакллантирилган, лизинга берувчи, лизинга олувчи ва мол – мулкни сотувчи ўртасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Махсус ҳуқуқий таъминот мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар, молиявий ва тезкор лизинг моҳиятининг иқтисодий ва ҳуқуқий таърифи устувор ўрин эгаллайди.

Чет эл мамлакатларида лизинг муносабатларини тартибга солиш амалиётини умумлаштириш ҳуқуқий таъминот бўйича мамлакатларни уч гуруҳга ажратиш имкониятини беради:

- лизинг битимларини тартибга солувчи махсус қоидаларга эга (Франция, Белгия, Италия ва бошқалар);
- махсус қонун ҳужжатларига эга (Англия, Австралия);
- махсус қонунлар ва қонуности ҳужжатларга эга бўлмаган (АҚШ, Германия).

Биринчи гуруҳ мамлакатларининг махсус қонунларида лизингда вужудга келадиган уч томонлама муносабатларнинг бутун мажмуини тартибга солишга интилиш кўпчилик муҳим масалаларни батафсил тартибга солиш мавжуд эмаслиги билан мужассамлашган. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ уч тарафлама асосдаги лизинг келишувида ускуна келажакда ижарага бериш мақсадида сотиб олиниши ва ундан фақат ишлаб чиқариш мақсадалрида фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек сотиб олиш ҳуқуқлари ва шартнома муддати тугагандан кейин сотиб олиш ҳуқуқлари ва у сотиб олинишининг чекланган баҳоси албатта қайд этилади. Шунинг билан бир қаторда, ушбу давлатларда таваккалчилик ва вужудга келадиган масъулият масалалари фуқаролик ва савдо ҳуқуқининг умумий меъёрлари билан ҳал этилади.

Мамлакатларнинг иккинчи гуруҳида лизингнинг ҳуқуқий тартибга солиниши икки тамойилдан – вақтинчалик фойдаланиш учун бериладиган мол – мулк қийматидан ва лизинг келишуви субъектларидан мол – мулк қийматидан ва лизинг келишуви субъектларидан келиб чиқиб тартибга солинади. Масалан, Англиянинг қонунчилик амалиётида агар лизинг қиймати 2000 фунт – стерлингдан ошмаса, фойдаланувчи эса – ҳуқуқий шахс бўлса, 1965 йилги Ижара – сотиш тўғрисидаги қонун меъёрлари қўлланилади.

Учинчи гуруҳ мамлакатлари учун махсус қонун ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги лизинг ривожланишига тўсқинлик яратмайдиган АҚШ ҳуқуқига хосдир. Бу яқин вақтларга қадар АҚШда амортизация ва солиқ имтиёзлари

лизинга мурожаат қилиш учун асосий туртки берувчи омил бўлиб ҳисобланганлиги билан изоҳланади. Улар ўз навбатида солиққа тортиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатларда лизинг битимларига нисбатан шунингдек фуқаролик ва савдо ҳуқуқ қоидалари кенг қўлланилади.

Кўпчилик давлатларга лизинг муносабатларининг субъектлари тўғрисидаги масала ҳам турлича ҳал этилади. Чунончи, Францияда лизинг битимларини банклар ва улар билан боғлиқ бўлган махсуслаштирилган молиявий ташкилотлар амалга ошириши мумкин. Бельгияда лизинг билан фақат Иқтисодиёт вазирлигининг махсус рухсатномасига эга бўлган ташкилотлар шуғулланиши мумкин. Италияда лизинга берувчи муайян миқдордаги капиталга эга бўлиши лозим. АҚШда лизинг компанияларининг тўрт тури кенг тарқалган:

- банклар ва уларнинг бўлимлари;
- техника ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг лизинг бўйича махсуслаштирилган бўлимлари;
- мустақил лизинг фирмалари;
- бошқа ташкилотлар (суғурта, брокерлик, инвестиция ва ҳ.);

Банкларнинг лизинг бизнеси доирасига фаоллик билан кириб бориши бир қатор шартлар билан белгиланади:

- деярли барча мамлакатларда банклар томонидан мол –мулкни лизинга бериш, яъни бевосита ижарага берувчилар вазифасини бажаришга рухсат берилганлиги натижада ўтган асрнинг 60 -70 йилларида компанияларда ликвид маблағларга кескин етишмовчилик вужудга келганда банклар зудлик билан ушбу ҳуқуқдан фойдаланиб, ускуналарни лизинга тақдим эта бошладилар;
- бир қатор мамлактларнинг қонун ҳужжатлари банклар томонидан бир шахсга ўз устав капиталидан 10% ортиқ бўлган миқдорда кредит беришни тақиқлайди, лизинга эса ушбу чекловлар тааллуқли эмас;

- лизинг операциялари шакли бўйича кредитлашнинг вариантлари бўлганлиги ва бир қатор ҳолларда уларнинг асосий моҳияти молиялаштириш (биринчи навбатда молиявий лизинг) ҳисобланганлиги сабабли банклар лизинг лойиҳаларини ташкил этиш ва бажаришда керакли иштирокчилар бўлиб қоладилар. Ҳозирги кунда етарли даражада йирик ҳисобланган оператив банкнинг бевосита иштирокисиз амалга оширилмайди.

АҚШда лизинг ривожланишининг сабабларидан бири солиқ имтиёзлари, яъни тезлаштирилган амортизация ва инвестиция солиқ имтиёзи (янги инвестицияларнинг 10% гача қиймати солиқ суммасидан чегирилган) ҳисобланади. Масалан, ускунани сотиб олиш бўйича харажатлар – 100 000 доллар, инвестиция бўйича имтиёз – 10% бўлган тақдирда, 10 000 долларга тенг бўлган сумма солиқ суммасидан чегирилади. Бироқ, шартнома АҚШ Молия вазирлигининг Ички даромадалр бошқармаси томонидан ижара учун белгилаган қоидаларга мувофиқ бўлган ҳолдагина солиқ имтиёзлари бўйича ҳуқуқ пайдо бўлади. АҚШ Молия вазирлигининг Ички даромадлар бошқармаси томонидан:

- лизинг 30 йилдан кам бўлган муддатда амал қилиши;
- лизинг Билан мол – мулк оқилона бозор баҳосидан кам бўлган баҳода сотиб олиш имконияти назарда тутилмаслиги, масалан 1 долларга;
- лизинг тўлов жадвалида даставвал юқори миқдордаги тўловларни, кейинчалик эса – кам миқдордаги тўловларни назарда тутмаслиги белгиланган. Бу лизингдан солиқдан бош тортиш воситаси каби фойдаланилаётганлиги тўғрисида далолат берар эди;
- лизинг ижарага берувчини фойданинг меъёрий бозор даражаси билан таъминлаши;
- лизинг муддатини узайтириш ускунанинг меъёрий бозор қийматини ҳисобга олиш билан белгиланади.

Лизинг тарафларга аҳамиятли даражада солиқ имтиёзларини тақдим этиши муносабати билан солиқ идоралари авваламбор у ушбу имтиёзлардан

фойдаланиш мақсадида тарафлар томонидан лизинг шартномаси шаклидаги ниқобланган олди – сотди эмаслигини аниқлайдилар. Бунда амалиёт бир катор меъёрий хужжатларга таянади. АҚШнинг Ички даромадлар бошқармаси лизингнинг мунтазам равишда Чоп этади, уларда лизинг шартномаси ва шартли олди – сотди шартномаси ўртасидаги фарқларни белгилаш учун асосий мезонлар баён этилади.

Агар ижарага берувчи мол – мулкни амалда унинг бутун фойдаланиш муддатида ишлатмаса, шартнома имтиёзли солиққа тортиш мақсадида тузилган ҳисобланади (лизинг компаниясига мол – мулк эгаси сифатида қаралади). Амалиёт шартнома лизинг шартномаси сифатида тан олинмаган суд ишларининг асосий қисми мол – мулкдан аксарият бутун иқтисодий фойдаланиш муддатида ишлатилган шартномаларга таалуқлилигини кўрсатади.

Агар мол – мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ижарага берувчига ўтказилса, шартнома олди – сотди шартномаси каби ҳисобланади. Агар Ушбу мол – мулкдан вақтинчалик фойдаланиш учун тўловлар амалдаги ҳаққоний ставкалардан аҳамиятли даражада юқори бўлган тақдирда Ушбу шартнома лизинг шартномаси каби ҳисобланмайди. Ушбу ҳолатда шубҳасиз лизинг шартномаси ҳисобланган шартнома бўйича тўловлар ҳисоблаш нуқтаси каби олинади. Шартли равишда сотишда сотувчи, одатда лизинг компанияларидан фарқли мол – мулк қийматини ўзига тезкор қайтариш ҳолати бундай омил қабул қилиниши учун насос бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун оширилган даврий тўловлар тузилган шартнома лизинг шартномаси эмас, балки шартли равишда олди – сотди шартномаси эканлигидан далолат бериши мумкин. Агар сотиб олиш бўйича опцион баҳоси бошқа тўловларга нисбатан пастроқ бўлган тақдирда ҳам шартнома, шунингдек, олди – сотди шартномаси каби тавсифланади.

АҚШда тузилган лизинг шартномаларининг асосий қисмида ижарага олувчи у томонидан фойдаланилган мол – мулкни шартнома муддати тугагандан кейин сотиб олиш ҳуқуқи тўғрисида изоҳ мавжуд. Бироқ лизинг

амалда кучга эга эканлигини тасдиқлаш учун ижарага олувчи томонидан мол – мулк учун тўлаши лозим бўлган баҳо ижарага берувчи мол – мулкни бошқа хар қандай шахсга сотиши мумкин бўлган баҳога тенг бўлиши (яъни «ҳаққоний бозор баҳоси» бўлиши) лозим.

1997 йилга қадар фирмалар ускуналар қийматини ўзларининг балансларида акс эттирмасдан уларни ижарага олишлари мумкин эди, яъни балансдан ташқари счёт мавжуд эди. Шу боис, йирик миқдорда қарздор бўлган фирмалар, қарзнинг ошган суммасини кўрсатмаган ҳолда қўшимча равишда ускуналарни олишлари мумкин эди. Шундай қилиб, ҳақиқий қарз инвесторлар ва экспортёрларга маълум бўлмасдан яшириниб қолар эди. 1976 йилда Молиявий ҳисобнинг стандартлаштириш бошқармаси томонидан айрим молиявий битимларни мол – мулкни сотиб олиш каби ҳисобга оладиган ва ўз зиммасига молиявий мажбуриятларни қабул қилишга мажбур этадиган 13 – сонли қарор қабул қилинган. Ушбу қарорнинг мақсади «ҳақиқий лизинг»ни лизинг ёрдамида сотиб олишдан фарқлашдан иборат эди.

Меъёрий ҳужжатларда битимларни лизинг операцияларига мансуб деб тан олиш қоидалари ҳам аҳамиятли равишда фарқланади. Бундан ташқари, лизингнинг алоҳида хусусиятлари бўйича қонун ҳужжатларининг ўзи бир мамлакатнинг ўзида вақти – вақти билан ўзгариб туради.

Бельгияда:

- мол – мулк ижарага олуви томонидан фақат касбий мақсадларга ишлатилиши лозим;
- мол – мулк ижарага берувчи томонидан келгуси лизинга бериш мақсадида сотиб олиниши ва келгусидаги ижарага олувчининг талабларига жавоб бериши лозим;
- лизинг муддати мол – мулкдан фойдаланиш муддатидан ошиши мумкин эмас;

- ижара тўлови шундай белгиланиши керакки, у контракт амал қилиши муддати давомида ижарага берувчи ижарага олинган мол – мулк қийматини қоплаш имкониятини яратиши лозим;
- контрактда ижарага олувчи лизинг муддати тугагандан кейин шартномада келишилган мол – мулкнинг қолдиқ қийматига мос бўлган нархда ижарага олинган мол – мулкка эга бўлиши ҳуқуқи назарда тутилиши лозим.

Англияда агар контракт:

- мол – мулк ишлатиладиган муддатдан 75% кам бўлмаган муддатга тузилганда;
- унинг амал қилиш муддати даврида мол – мулк қиймати тўлиқ (ёки аҳамиятли) тўланиши назарда тутилганда;
- унда лизингни имтиёзли шартлар (банкдан қарз олишга қараганда) асосида қайтадан тиклаш имконияти назарда тутилганда у лизинг контрактни ҳисобланади.

Австрияда:

- лизинг контрактининг асосий муддати мол – мулкни иқтисодий ишлатиш муддатининг 40 – 80%ини ташкил этиши керак;
- сотиб олиш опционининг қиймати опцион сотиладиган пайтдаги мол – мулкнинг қиймати билан мос бўлиши лозим;
- лизинг шартномаси узайтирилган муддатда (агар бундай ҳолат кузатилганда) даврий тўловлар номинал бўлиши керак;
- агар фақат фойдаланувчи учун керакли бўлган махсус мол – мулк лизинг контрактининг ашёси ҳисобланган тақдирда, фойдаланувчи бундай мол – мулкнинг иқтисодий мулкдори ҳисобланади.

Буюк Британияда лизинг фақат 1979 йилдан, яъни солиқ имтиёзлари жорий этилгандан кейин кенг ривожланди. Компания инвестиция қилинган йилда солиққа тортиладиган фойдадан 100% инвестицияларни чегириши мумкин эди. Ушбу имтиёзлар ката даромадга эга бўлган компанияларга

аҳамиятли, лекин улардан билвосита ижарага олувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин эди.

Компания солиқ имтиёзларидан фақат ҳисобот йилининг охирида фойдаланиш мумкин эди. Шунинг учу нагар у инвестицияларни йилнинг бошида амалга оширган бўлса, у ушбу имтиёзлардан олинadиган нафни бир канча вақт кутишига тўғри келар эди. Бироқ агар компания ускунани лизинг компаниясига сотиб ва ундан кейин ижарага олган тақдирда (лизинг компаниясида молиявий йил охири олдинроқ якунланиши шарти билан) билвосита нафлар тезроқ олинади. Шунинг учун лизинг компаниялари молиявий йиллари турли муддатларда якунланадиган филиаллар очишга уринадилар. Солиқ инвечтиция имтиёзи текин бўлмасдан ижара тўловлари бўйича солиқ орқали қайтарилар, лекин шунга қарамасдан у мол – мулк қийматининг 52% ига тенг бўлган фоизсиз қарз ҳисобланар ва ижарага олувчи учун лизинг қийматига таъсир кўрсатар эди.

Германияда лизинг мол – мулкни солиққатортишда иқтисодий ёндашиш белгиловчи омил ҳисобланади:

- агар мол – мулкдан меъёрий фойдаланиш муддати ижаранинг асосий муддатидан аҳамиятли даражада юқори бўлса ва ижарага олувчи уни узайтириш ҳуқуқига ва сотиш пайтида ижара тўловидан ёки сотиб олиш баҳосидан аҳамиятли даражада кам миқдорда фақат йиғим тўлаши керак бўлган опцион ҳуқуқига эга бўлган тақдирда, молиявий лизинг ҳолатида мол – мулк бўйича солиқларни одатда ижарага олувчи тўлайди;
- ижарадан фойдаланиш муддати ва ижара вақти тахминан бир – бирига мос бўлган тақдирда ҳам ушбу қоида қўлланилади;
- ижарага олувчи томонидан солиқ тўлаш мажбурияти фақат ижарага олувчи, хўжалик мулкдори сифатида солиқ имтиёзларига эга бўлган инвестициялар бўйича ҳуқуқдан фойдаланиши мумкинлигини ифодалайди;

- мол – мулк бўйича солиқларни тўлаш ҳар бир ҳолатнинг вазиятларини ҳисобга олган ҳолда лизингга берувчи ёки ижарага олувчи томонидан амалга оширилади.

Лизинг ҳақиқатда ҳам Ғарб мамлакатларининг миллий иқтисодиётларини ривожлантириш, халқаро бозорда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун самарали омил бўлиб қолди. Шунинг билан бир қаторда, Ғарб тадбиркорлик амалиётида мустаҳкам ўрин эгаллаган ҳар қандай иқтисодий ҳодиса, хўжалик тизимини қайта қуриш муносабати билан Ўзбекистонда ҳам ўз ўрнини топомқда. Бироқ Ғарб мамлакатлари учун хос бўлган, мамлакатимизникидан аҳамиятли даражада ва тарихий фарқланадиган, ўзбек заминидида қўлланиш учун келтирилган иқтисодий ҳодисалар ўзига хос бўлган шаклларга эга бўлиб қолиши табиийдир. 30 – 40 йиллар муқаддам Ғарб иқтисодиётчиларининг моҳияти бўйича лизингга жонли қизиқиши бизнинг замондошларимизнинг қизиқишидан аҳамиятли фарқланади.

Илмий – техникавий инқилоб, иқтисодий фаолликнинг кескин ривожланиши, иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган эҳтиёжлари кенг кўламда ўсиши, иқтисодиётни фақат анъанавий йўллар билан молиялаштириш ва ишлаб чиқаришни қайта техникавий қуроллаш ҳисобига қондириб бўлмайдиган ҳолисона вужудга келган иқтисодий ўсишнинг аҳамиятли суръатлари ҳақиқатдан ҳам ўз вақтида Ғарб давлатларида лизинг ривожланишида навбатдаги, алоҳида турткини олган. Ўша вақтдаги янада ҳам кескинлашаётган рақобатда лизинг битимлари ишлаб чиқарувчилар учун истеъмолчилар доирасини кенгайтириш ва янги мол етказиб бериш бозорларини ўзлаштиришда қўшимча энг долзард манбалардан бири бўлиб қолди.

Ҳозирги пайтда биз Ўзбекистонда тамойили бўйича ўзга иқтисодий вазиятни ва лизинг соҳасида ўсиб бораётган фаолликни кузатмоқдамиз, бу асосан иқтисодий вазият ҳолатидан келиб чиқмоқда. Лизингни ривожлантириш учун қуйидаги асосий шарт – шароитларни келтириш мумкин:

- манавий эскирган ва жисмоний ишлаб бўлган ускуналарнинг етарли даражада кўп миқдорда мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш воситалари билан савдо – сотиқ заиф ташкил этилган шароитларда сотилмаётган товар – моддий бойликлар захираларининг мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш ва рентабеллик ускуналарнинг қимматлиги оқибатида оддий банк кредитидан фойдаланилган ҳолда кичик ва ўрта фирмалар ўзларининг ишлаб чиқаришини ташкил эта олмаслиги;
- кўп йиллардан бери иш кучи ва хом ашёнинг нисбатан кам баҳоланиши, шунингдек турли товарлар экспорт қилиниши.

Лизинг компаниялари томонидан ушбу вазиятларни ҳисобга олиш ва амалга ошириш борасида иш олиб бориши бизнинг лизинг компанияларимиз ўзларининг ривожланишида янги босқичларга кўтарилишига имкон беради деб ҳисоблаймиз. Бозорда янги ўринларини топиб ва уларни тўлдириб, лизинг фирмалари бўлғуси ва амалдаги товар ишлаб чиқарувчиларга республиканинг умумий ички ялпи маҳсулотининг ҳажмига ўз ҳиссасини қўшишда ёрдам беради.

2.3. Лизинг турлари ва уларнинг тавсифи.


Ушбу инвестиция – инновация қуролининг барча шакллари қамраб олишга имкон берувчи лизинг турларини туркумлаш лизингнинг энг кенг ёритилган таърифини беради. Айнан шунинг учун лизинг моҳияти тўғрисида инвестиция тури каби гапирилганда, қуйидаги белгилар билан тавсифланган, иқтисодий ва молиявий адабиётда келтирилган лизинг турлари тўлиқ туркумланишини келтириш жуда ҳам муҳим ҳисобланади:

- лизинг муносабатлари иштирокчиларининг таркиби;
- лизингга бериладиган мол – мулкнинг тури;
- унинг ўзини – ўзи оқлаш даражаси;
- амортизация шартлари;
- хизмат кўрсатиш ҳажми;

- лизинг муносабатлари бозорининг сектори;
- солиқ ва амортизация имтиёзларига нисбатан муносабати.

Лизинг муносабатлари иштирокчиларининг таркибидан (субъектлардан) келиб чиқиб қуйидагиларни фарқлайдилар:

- бевосита лизинг, бунда мол – мулкни тақдим этиш бевосита лизингга берувчи орқали амалга оширилади (4 - чизма);




Бу ерда:

- 1- лизинг контракти тузилиши;
- 2- мунтазам лизинг тўловлари;
- 3- олди – сотди контракти;
- 4- ускуна тўлиқ қийматининг тўлови;
- 5- ускунани етказиб бериш.

4 - жизма. Бевосита лизинг чизмаси.

- Қайтариладиган лизинг, бунда мол – мулк эгаси уни бўлғуси лизингга берувчига сотади, кўпчилик ҳолатларда унинг ўрнида тижорат банки чиқади ва бир вақтнинг ўзида, ушбу мулкдан фойдаланувчи сифатида у билан муносабатларга киради (5 – чизма);




Бу ерда:

- 1 – ускуна қиймати;
- 2 – ижара тўловлари.

5 - чизма. Қайтариладиган (тескари) лизинг чизмаси

- Воситачи иштирокидаги лизинг (иккиламчи лизинг)

(6 - чизма)



Бу ерда:

1 – ускуна;

2 – ижара тўловлари.

6 - чизма. Воситачи иштироки Билан амалга ошириладиган лизинг чизмаси (иккиламчи лизинг).

Бевосита лизинг – анъанавий уч тарафлама битим (мол етказиб берувчи – лизинга берувчи – лизинга олувчи) ёки йирик мураккаб битимларда иштирокчилар сони учтадан кўп бўлган кўп тарафлама битим, бунда лизинг компанияси лизинг бўйича тижорат банки ёхуд бошқа молиявий – кредит институтлари ёхуд йирик лизинг битимларини молиялаштириш учун ўз капиталини бирлаштирган шунга ўхшаш лизинг компаниялари билан биргаликда чиқади.

«Қайтариладиган лизинг» лизинг битимларининг бир тури ҳисобланади. Моҳияти бўйича у икки тарафлама лизинг битимидир. Лизинг шартномаларининг бундай лизинга олувчи бир вақтнинг ўзида лизинга олинадиган мол – мулкнинг «етказиб берувчиси» бўлиб ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, ускунанинг эгаси уни лизинг компаниясига сотади ва бир вақтнинг ўзида лизинга олувчи сифатида у билан Ушбу ускуна бўйича лизинг шартномасини тузади. Битим қуйидаги кетма – кетликда амалга оширилади:

1 – ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида лизинг келишуви тузилади;

2 – лизинг фирмаси ижарага олувчи – ускуна эгасидан ускунани сотиб олади;

3 – ижарага олуви лизинг контрактининг шартларига мувофиқ мунтазам равишда ижара тўловларини амалга оширади.

Бундай битимнинг дастлабки мулкдор, кейинчалик эса ускунани лизингга олувчи афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ускуна сотиб олиниб, ушбу ускунани сотиб олиш учун аҳамиятли маблағлар жалб қилиниши унинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келганлиги ёки олиб келиши мумкинлиги аён бўлгандан кейинги ҳолатларда у лизинг компаниясининг хизматларидан фойдаланиши мумкин;
- у лизинг компаниясидан ускунанинг тўлиқ қийматини олади, Ушбу ускунага эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда уни сотиб олиш учун сарфланган маблағларни қайтаради;
- у ўзига керакли бўлган ускунага эга бўлган ва ундан фойдаланган ҳолда лизинг компанияси билан музокараларни олиб бориши мумкин (ушбу музокаралар айрим ҳолларда узоқ муддатли чўзилиши мумкин).

Ундан ташқари:

- ижара тўловлари корхонанинг солиққа тортиладиган фойдасидан чегирилади ва жорий тезкор харажатлар каби ҳисобга олинади;
- ижарага олувчидан банк кредитини олишдан камроқ қўшимча кафолатли таъминот тақдим этилиши талаб қилинади (акциялар, облигациялар, банк кафолати ёки кафолатларнинг қандайдир бошқа шакллари).

Шундай қилиб, ускуна сотиб олиш пайтида қандайдир асбобларга кўра лизинг имкониятлари тўғрисида билишни хоҳламаган, билишга имконияти бўлмаган ёки умуман билмаган компаниялар ускуна сотиб олингандан кейин унинг барча афзалликларидан (жумладан жадаллаштирилган амортизация,

лизинг тўловларини таннархга ўтказиш ва бошқалардан) тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Лизингнинг ушбу чизмаси кўпчилик ҳолатларда айнан молиявий ижара шартномаси учун назарда тутилган солиқ имтиёзларини олиш учун фойдаланилади.

Нихоят, қайтариладиган лизинг кўпчилик ҳолатларда корхона молиявий ҳолатини яхшилаш учун самарали ва нисбатан арзон усул бўлиб ҳисобланади. Лизингнинг ушбу турида ижара тўловларининг миқдори асосан кредитнинг жорий қийматига ва амортизация чегирилган ижарага олинган ускунанинг қийматига боғлиқ бўлади.

Ускунани сотиб олиш ва уни лизинга олувчига сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ одатда ижарага олувчига тўланмасдан, амортизация ҳисобга олинади ёхуд ижара тўловлари орқали мутаносиб равишда тақсимланади. Агар битим тузиш пайтида ускунанинг бозор қиймати унинг амортизацияланмаган қолдақ қийматидан кам бўлган тақдирда, фарқ ижарага олувчининг балансида зарар каби акс эттирилади. Ишлатишда бўлган ускунадан янги қурилаётган объектларни молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш қайтариладиган лизингнинг муҳим афзаллиги ҳисобланади.

Қайтариладиган лизинг банк кредитларини жалб қилишга қараганда, айниқса корхонанинг тўлов қобилияти унинг устав ва қарзга олинган жамғармалари ва фақат таваккалчилик (юқорироқ) қарз манбалари ҳисобига кўшимчи равишда қарз маблағларини олиш ўртасида номақбул мутаносиблик мавжудлиги натижасида кредитловчи ташкилотлар томонидан шубҳа туғридан ғолда, капитал қўйилмаларни камроқ харажатлар билан қайтадан молиялаштириш имкониятини яратади. Тижорат банк кредитлари, одатда, уларни кетма – кетлик билан тиклаш лозимлиги билан 1,5 йилга берилган бир пайтда, ушбу лизинг ўрта ва узоқ муддатли қайтадан морлиялаштиришнинг манбаи ҳисобланиши қайд этиш лозим.

Кўпчилик ҳолатларда лизинг бевосита эмас, балки воситачи орқали амалга оширилади. Унинг чизмаси қуйидаги тартибда амалга оширилади. Асосий лизинга берувчи мавжуд, у воситачи одатда лизинг компанияси орқали

ускунани лизингга олувчига ижарага топширади. Бунда воситачининг вақтинчалик тўлов қобилияти бўлмаган ёки у инқирозга учраган тақдирда, лизинг тўловлари асосий лизингга берувчига келиб тушиши лозимлиги шартномада назарда тутилади. Бунга ўхшаш битимлар «иккиламчи лизинг» деб номланади.

Халқаро доирада «дабл диппинг» (double dipping) деб номладиган иккиламчи лизинг битимлар икки ва ундан кўп мамлакатларда солиқ имтиёзларининг комбинациясидан фойдаланиладилар. Ушбу битимларнинг самаралилиги шунинг билан боғлиқки, масалан, Буюк Британияда агар лизингга берувчи мулкчилик ҳуқуқига, АҚШда эса – лизингга берувчи эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда, солиқ имтиёзларидан олинadиган наф кўпроқ бўлади. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда лизинг битими қуйидаги чизмага асосан тузилиши мумкин.

Буюк Британиядаги лизинг компанияси ускуна (мулкчилик ҳуқуқи)ни сотиб олади ва уни америкалик лизинг компаниясига беради (эгалик қилиш ҳуқуқи), у эса, ўз навбатида, уларни маҳаллий лизингга олувчиларга ўтказди.

Лизингга бериладиган мол – мулкнинг турига қараб қуйидагиларни фарқлайдилар:

- фаол бўлмаган (кўчмас) мол – мулк лизинги;
- фаол (кўчар) мол – мулк лизинги ёки машина – техникавий лизинг.

Мол – мулк ўзини ўзи қоплаш даражаси бўйича қуйидагилар ажратилади:

- тўлиқ ўзини ўзи қоплайдиган лизинг, бунда бир шартнома амал қилиш муддатида ижарага берилган мол – мулкнинг қиймати лизингга берувчига тўлиқ тўланади. Лизинг шартномаси тугагандан кейин лизингга олувчи ускунани қолдиқ ёки бошқа келишилган нархда сотиб олиш имконияти берилади;
- тўлиқ ўзини ўзи қоплайдиган лизинг, бунда бир шартнома амал қилиш муддатида ижарага берилган мол – мулкнинг фақат бир қисми

копланади, бундан кейин эса мол – мулк лизингга берувчига қайтарилади ёхуд лизинг шартномасининг муддати узайтирилади.

Амортизация шартларига қараб қуйидагиларни фарқлайди:

- тўлиқ амортизацияланадиган лизинг ва тегишли равишда, лизинг объектининг қиймати тўлиқ тўланадиган лизинг;
- тўлиқ амортизацияланмайдиган лизинг, бу – қиймати қисман тўланадиган лизинг.

Юқорида қайд этилган бир-бири билан узлуксиз боғлиқ бўлган икки туркумланиш белгилари асосида молиявий ва тезкор деб аталадиган лизингга ажратадилар. Амалиётда, айниқса молиявий-кредит институтлари томонидан кўпроқ молиявий лизинг қўлланилади. Бу унинг ўзига хос бўлган белгилари билан изоҳланади.

Молиявий лизинг (finance leasing) ўзини ўзи тўлиқ қоплайдиган мол – мулк лизинги ёки унинг қиймати тўлиқ тўланадиган лизинг ҳисобланади (full – payout lease). Шартнома амал қилиш муддатида лизингга берувчи мол – мулкнинг бутун қийматини ўзига қайтарганда ва лизинг операциясидан фойда олганда лизингнинг бундай тури кузатилади. Молиявий лизингга устуна вақтинчалик фойдаланишга берилган муддат вақти бўйича унинг тўлиқ амортизацияланадиган муддати билан мос келади.

Бундай турдаги лизинг битимлари мол – мулкни атайлаб мулк сифатида сотиб олиш ва кейинчалик уни вақти бўйича ишлатиш ва мол – мулк қийматининг бутун ёки кўп қисми амортизацияланиши яқинлашадиган муддатга вақтинчалик эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш операцияси ҳисобланади. Шартнома амал қилиш муддатида лизингга берувчи лизинг тўловлари ҳисобига мол – мулкнинг бутун қийматини ўзига қайтариб олади ва молиявий битимдан фойда олади.

Молиявий лизингга тавсифловчи асосий белгилар қуйидагилардан иборат:

- лизингга берувчи мол – мулкни ўзи фойдаланиши учун эмас, балки уни лизингга бериш учун атайлаб сотиб олади;

- мол – мулкни ва унинг сотувчисини танлаб олиш ҳукуқи фойдаланувчида қолади;
- мол – мулк эгаси у лизинга бериш учун атайлаб сотиб олинаётганлигини билади; мол – мулк бевосита фойдаланувчига етказиб берилади ва у томонидан ишлатиш учун қабул қилинади;
- мол – мулкни сифати, унинг бутлиги, кафолатмуддати бузиқликларини тузатиш бўйича даъволар лизингга олувчи томонидан бевосита мол – мулк сотувчисига йўлланилади;
- мол – мулк тасодифан нобуд бўлиши ва бузилиши таваккалчилиги мол – мулк ишлатилишга қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейин лизингга олувчига ўтади.

Молиявий лизинг мустақил номланадиган бир неча турларга эга. Анъанавий молиявий лизинг ўзаро муносабатларнинг уч тарафлама тавсифга эгалик ва мол – мулк қиймати тўлиқ қопланиши билан таснифланади. Лизингга олувчининг талабномаси бўйича лизинга берувчи мол етказиб берувчидан керакли бўлган ускунани сотиб олади ва уни лизингга олувчига беради ҳамда лизинг тўловлари ҳисобига ўзининг молиявий харажатларини қоплайди ва фойда олади.

Тезкор лизинг (operative leasing) – бунда шартнома муддати мол – мулкнинг иқтисодий ишлатиш муддатидан камроқ. Тезкор лизингда ижарага мол – мулкнинг қиймати қисман тўланиши кузатилади (non – fullpazout lease) ва шунинг учун лизингга берувчи уни, одатда, турли фойдаланувчиларга бир неча бор вақтинчалик фойдаланишга беришга мажбур.

Лизингнинг ушбу тури буюм ҳаёт циклининг муддати ижаранинг контракт муддатидан аҳамиятли даражада юқори бўлиб, ускуна ижарага қисқа муддатларга берилганда қўлланилади. Тезкор лизингда ижара вақти давомида ускуна тўлиқ амотизацияланмайди ва қайтадан ижарага берилиши ёки ижарага берувчига қайтарилиши мумкин. Амалиётда тезкор лизинг операциялари уч йиллик даврдан ошмайди. Бундай битимларда ижарага берувчи ижарага олувчини олдиндан огоҳлантириш шарти билан контрактни

бекор қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Лизингнинг ушбу тури ижара объекти сақланиши учун ижарага берувчи кўпроқ масъулиятга эгаллигини назарда тутлади. Ижарага берувчи ускунани таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун мол етказиб берувчи фирма билан мустақил шартнома тузиш бўйича ўзига мажбурият олади.

Тезкор лизинг қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- лизинг шартномасининг муддати мол – мулкнинг меъёрий хизмат муддатидан аҳамиятли кам, шу сабабли лизингга берувчи мол – мулк қийматини бир шартномадан келадиган тушумлар ҳисобига қоплашни назарда тутмайди; мол – мулк лизингга кўп маротаба берилади; лизингга олувчи талабномаси бўйича олинган мол – мулк эмас, балки лизинг компаниясида мавжуд бўлган мол – мулк берилади. Бошқача қилиб айтганда, лизинг компанияси мол – мулкни сотиб олар экан, унинг аниқ белгиланган фойдаланувчисини билмайди. Шу боис, тезкор лизингда ихтисослаштирилган лизинг компаниялари янги Билан бир қаторда фойдаланишда бўлган лизинг мол – мулк бозори конъюктурасини яхши билиш лозим;
- техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, суғурталаш бўйича мажбуриятлар лизинг компаниясининг зиммасига юклатилади;
- агар кўзда тутилмаган вазиятларга кўра мол – мулк фойдаланиш учун яроқсиз ҳолда келса, лизингга олувчи шартномани бекор қилиши мумкин;
- лизинг мол – мулкнинг тасодифан nobud бўлиш, йўқотилиш, бузилиш таваккалчилиги лизинг берувчининг зиммасида бўлади;
- тезкор лизингда лизинг тўловларининг миқдори молиявий лизингга қараганда юқорироқ бўлади, чунки лизингга берувчи, масалан, мол – мулкни қайтадан топшириш учун мижозлар бўлмаслиги, мол – мулк бузилиши ёки nobud бўлиши билан боғлиқ қўшимча таваккалчиликларни ҳисобга олиш лозим;

- шартнома муддати тугагандан кейин, одатда, мол – мулк лизинга берувчига қайтарилади.

Хоҳиши бўйича лизинга олувчи шартномани янги шартлар бўйича узайтириши ва ҳаттоки уни мулк сифатида сотиб олиши мумкин. Агар молиявий лизингни ўзининг иқтисодий моҳияти бўйича капитал қўйилмаларнинг узоқ муддатли молиялаштириши билан таққослаш мумкин бўлса, тезкор лизингда ижара тўловларини жорий тезкор харажатлар билан таққослаш мумкин.

Лизинг ушбу турининг шаклланиши ва ривожланиши лизинг ускуналарининг иккиламчи бозори пайдо бўлиши билан вужудга келади, зеро ижарага берувчида лизинг муддати тугагандан кейин мол – мулкни бошқариш ва лизингга қайтарилган мол – мулкни қайта сотиш соҳасида иш олиб боришни тақозо этади.

Лизингга берувчи лизингдаги ускунани бир неча бор вақтинчалик фойдаланишга беришга мажбур ва унинг учун лизинг объектининг қолдиқ қийматини қоплаш бўйича таваккалчилик ошиб боради. Мол – мулк бошқариш билан боғлиқ таваккалчилик лизинг муддати тугагандан кейин мол – мулк билан нима қилиш билан чегараланмайди – тезкор ижарада шартнома муддати кам ҳолатларда мол – мулкнинг «ҳаёти» билан мутаносиб бўлади. Тезкор ижара бозорининг ўсиши ижарага берувчилар балансдан ташқари молиялаштириш соҳасида янги имкониятларни излаши, қолдиқ қиймати ва даврий тўловлар камайиши билан боғлиқ таваккалчиликка қарши ҳимоя излашидан келиб чиқади. Ижарага берувчилар рақобат кучининг таъсирида солиққа тортилгандан кейинги фойда асосида тўловлар ҳажмини ҳисоблашга ва лизинг тўловларини камайтириш шаклида мол – мулкка эгалик қилиш бўйича солиқ имтиёзларини ижарага олувчига ўтказишга мажбур. Тезкор ижарага бериладиган мол – мулк турлича: автомобиллардан (айнан мол – мулкнинг ушбу тури авваланбор иккиламчи бозор барпо этилишини тақозо этади) тортиб то компьютерларгача. Технологик эскириш таваккалчилиги айнан ушбу мол – мулк билан боғлиқ.

Тезкор лизинг амалиёти пайдо бўлганлигига қарамасдан, ушбу тушунча Россиянинг меъёрий – ҳуқуқий асосига мослиги юзасидан шубҳалар қолмоқда. Кўпчилик экспертларнинг фикри бўйича, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 587-599 – моддаларига мувофиқ у ёки бу увкуна юзасидан лизинг битими фақат бир маротаба, яъни у лизингга берувчи томонидан лизингга олувчи учун сотиб олинган пайтда тузилиши мумкин. Тезкор лизинг ашёси ижарага олувчи томонидан қайтарилган ҳолатда (ёхуд у томонидан молиявий лизинг муддати тугагунга қадар талаб қилиниб олса), қайтадан ижарага берилган ушбу ашё жорий ижара ашёси бўлиб ҳисобланади. Бунда лизинг муносабатлари жорий ижара билан боғлиқ муносабатларга айланиши содир этилади. Шундай қилиб, тезкор лизинг барчага маълум бўлган ижарадир.

III – Боб. Лизинг операцияларини самарали ташкил этишда маркетинг хизматларининг таъсири

3.1. Лизинг хизматларининг афзалликлари ва камчиликлари.

Фаолиятнинг ҳуқуқий соҳасига таалуқли активга эгалик қилиш ҳуқуқи ва ушба активдан фойдаланиш ҳуқуқини ажратиш асосида тузилган лизинг операцияси фаолиятнинг иқтисодий шакли каби ўзида кредит, ижара ва инвестиция элементларини мужассам қилади. Лизинг молиялаштиришнинг бошқа шаклларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга деб ҳисобланади. Қуйида лизинг муносабатлари иштирокчиларининг субъектлари олиши мумкин бўлган ва адабиётда келтирилган кўзга ташланадиган афзалликларни келтирамиз.

Лизингнинг лизингга берувчилар учун афзалликлари:

- лизинг 100 – фоизли молиялаштиришни назарда тутди ва барча сумма тез қайтарилишини талаб қилмайди;
- лизинг лизингга берувчининг молиялаштириладиган активларга бўлган эҳтиёжига аниқ мувофиқ бўлган ҳолда молиялаштиришни таъминлайди. Бу нуфузли компаниялар оладиган қарз ёки қайтадан кредитланиш йўли билан қулай ва эгилувчан молиялаштиришни умуман қўллай олмайдиган майда кредит оловчилар учун айниқса қулай ҳисобланади. Лизинг келишуви ижарага оловчиларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши мумкин;
- кўпчилик лизингга оловчилар амалга ошириш мобайнида молиявий имкониятлари аҳамиятли даражада чекланган узок муддатли молиявий режаларга эга. Лизинг бундай чекловларни босиб ўтишга имконият яратади ва натижада инвестиция ва молиявий режалаштиришда кўпроқ тезкорлик билан иш юритишга ёрдам беради;
- лизингда активларни сотиб олиш ва молиялаштириш масалалари бир вақтнинг ўзида ҳал этилади;

- лизинг ёрдамида активларни сотиб олиш «молиялаштиришнинг олтин қоидаси»ни бажаради, унга мувофиқ молиялаштириш активдан бутун фойдаланиш муддати давомида амалга оширилиши лозим. Агар активни сотиб олишда кредит капиталидан фойдаланилса, одатда, активни ишлатиш муддатига қараганда қарзни тезроқ қоплаш талаб қилинади;
- лизинг тўловлари аниқ белгиланган жадвал бўйича амалга оширилиши муносаби билан лизингга олувчи капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича харажатларни ва маҳсулот сотилишидан ва кўрсатилган хизматлардан тушумларни мувофиқлаштиришга кўпроқ имкониятга эга бўлади ва шу йўл билан ускуна сотиб олишга қараганда молиявий режалар кўпроқ барқарорлигини таъминлайди;
- лизингга берувчининг мулки ҳисобланган лизинг ашёси инвестицияланган маблағлар қайтарилишининг бир қисми ҳисобланганлигини инобатга олган ҳолда ушбу активларни сотиб олиш учун муқобил ссуда олишга қараганда лизинг бўйича контракт тузиш анча осонроқ;
- лизингга олувчи лизингдан фойдаланилганида ҳуди ушбу активни сотиб олганига қараганда кўпроқ ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши мумкин. Лизингга олувчи вақтинчалик бўшаган молиявий захираларни бошқа мақсадлар учун ишлатиши мумкин;
- лизинг узоқ муддатда ишлаб чиқариш маҳсулотини сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш воситаси бўлиб хизмат қилиши муносабати билан, одатда давлат сиёсати лизинг операцияларини рағбатлантириш ва кенгайтиришга қаратилган;
- лизингга олувчининг даромадлилиги кам бўлган ҳолатда у фойдани имтиёзли солиққа тортилишини олиш имкониятини яратувчи қайтариладиган лизингдан фойдаланиши мумкин;

- контракт охирида лизинг ашёсининг юқори тугатилиш қийматини олиш имконияти кўпчилик ҳолатларда лизингга олувчилар томонидан лизингни қабул қилиш учун ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, лизингга олувчи лизинг объектини ҳисобга олишда бир қатор афзалликларга эга. Улар:

- лизингга олувчи томонидан тўланадиган лизинг тўловлари унда харажатлар таркибида ҳисобга линади, яъни уларни тўлаш учун маблағлар солиққа тортиладиган фойда вужудга келгунга қадар шаклланади;
- лизинг хусусий ва қарзга олинадиган маблағлар нисбатига таъсир этмайди, яъни лизингга олувчининг қўшимча қарзлар олиш имкониятлари камаймайди;
- лизинг мол – мулкнинг ҳисоби ва амортизацияси лизингга олувчининг балансида амалга оширилади. Лизинг муддати, одатда, лизинг ашёси амортизация даврига мувофиқ бўлади, бироқ лизинг контрактининг муддати одатда камроқ бўлади. Лизинг муддати қанчалик кўпроқ бўлса ва тегишли равишда, мол – мулкнинг қолдиқ қиймати камроқ бўлса, шунчалик мол – мулкни ишлатиш шартлари ва ундан келгусида фойдаланиш эркинроқ бўлади.

Лизинг компаниялари учун лизингнинг афзалликлари:

- лизингга бериладиган мол – мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи аҳамиятли солиқ имтиёзларини тақдим этади. Юқори солиққа тортиладиган фойдага эга компаниялар мол – мулкни сотиб олиш учун кредит бўйича фоизга қараганда лизинг тўловларининг пастроқ ставкалари орқали имтиёзли солиққа тортиш тартибига эга лизингга олувчилардан солиқ имтиёзларининг бир қисмини олиб қўймайди;
- лизингга бериладиган мол – мулк лизингга берувчининг мулки бўлиб қолиши муносабати билан, у ушбу мол – мулкдан ноишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиши мумкин (масалан, кредит маблағлари қайтарилишининг қўшимча таъминоти сифатида);

- лизингга берувчи томонидан сотувчига лизинг ашёсини сотишда ёрдам бериш. Ушбу келишувларга мувофиқ сотувчи лизингга берувчи номидан лизинг ёрдамида ўз маҳсулоти етказиб берилишини молиялаштиришни мижозларга таклиф этади;
- мол – мулк шаклидаги инвестициялар, пул кредитдан фарқли равишда, маблағлар қайтарилмаслик таваккалчилигини пасайтиради, чунки лизингга берувчи лизингга берилган мол – мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади;
- лизинг операциясини тайёрлашда ва ўтказишда лизингга берувчи асосий ўрин тутди. Ушбу хизматларнинг қиймати лизингга берувчининг воситачилик қақининг кам бўлмаган улушини ташкил этади;
- лизингга берувчи лизингга берилган мол – мулкни гаровга қўйиб ёки лизинг тўловлари талаб қилинишини бошқага ўтказиб ўз фаолиятини давом эттириш ва кенгайтириш учун қўшимча молиявий захиралар излаб топиш имкониятига эга бўлади;
- лизинг молиявий захираларни бевосита моддий активларни сотиб олиш учун йўналтиради ва шу йўсинда қарз маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш муаммосини ҳал этади.
- Ишлаб чиқариш ускуналарига лизинг орқали инвестициялар лизинг бўйича мажбуриятларни қоплайдиган даромад вужудга келишини кафолатлайди.

Лизинг мол – мулки сотувчиси учун лизингнинг афзалликлари:

- лизинг объектининг сотувчиси ўз маҳсулотини сотиш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади;
- сотувчи учун битим камроқ таваккалчиликка эга бўлади, чунки лизингга берувчи мол – мулк қийматини қайтариш таваккалчилигини лизинг тўловлари орқали ўз зиммасига олади.

Давлат учун асосий афзалликлар:

Ҳозирги пайтда вужудга келган иқтисодий шароитда ва инвестиция фаоллигини жонлаштиришга кескин эҳтиёж пайдо бўлганлигида лизингни ривожлантириш давлат учун алоҳида долзарб масала бўлиб қолди;

- ушбу молиявий курол инвестиция фаоляти учун молиявий маблағларни жалб этиш учун кўмаклашади;
- ўзининг механизми орқали ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш мақсадида инвестиция ресурсларидан кафолатли фойдаланишни таъминлайди;
- давлат, лизинг фаолятини рағбатлантириб ва бунинг учун, масалан, солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, инвестицияларни молиялаштиришга бюджет ажратмаларини аҳамиятли камайтириши, уларнинг тармоқ тизимини такомиллаштириш жараёнини самарали бошқариш, товар ишлаб чиқарилиши ва хизмат соҳаси ривожланишига, экспорт имкониятлари ошишига, хусусий капитал чет элга чиқарилишини камайтиришга, қўшимча иш жойлари, айниқса кичик тадбиркорлик соҳасида, барпо этилишига, бошқа долзарб ижтимоий – иқтисодий масалалар ҳал этилишига кўмаклашиши мумкин.

Юқорида қайд этилган афзалликлар билан бир қаторда, лизинг молиявий – кредит соҳасида ва ҳал этилмаган бухгалтерия муаммоларида намоён бўладиган муҳим камчиликларга эга:

- узоқ муддатли кредитдан лизинг иштирокчилари кўп сонлилиги билан ифодаланадиган ташкил этилишнинг юқорироқ мураккаблиги билан фарқланади.

Лизинг лизингга олувчига бир қатор камчиликларни келтириши мумкин:

- агар илмий – техникавий тараққиёт лизинг мол – мулкани эскиришга олиб келган тақдирда ҳам лизинг тўловлари контракт тугагунга қадар тўхтатилмайди;

- лизингга олувчи лизинг объектининг қолдиқ қиймати оширилишидан наф кўрмайди.

Бизнинг фикримизча, лизингнинг турган афзалликлари ва камчиликларини оддий қилиб санаб ўтиш у (лизинг) инвестицияларнинг самарали шакли бўлиши мумкин деб фараз қилиш учун етарлидир.


Чуқурлаштирилган иқтисодий ислохотлар ва иқтисодий эркинлаштириш шароитлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан лизинг бизнесини ривожлантириш учун барча қулай шарт – шаритлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 январдаги 6 – сонли қарори билан мамлакатимизда лизинг фаолияти ривожлана бошлаганлигини қайд этиш лозим. Ушбу қарорга асосан Ўзбекистонда «Ўзбек Лизинг Интернешнл АЖ» номли биринчи лизинг компанияси ташкил этилди, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- харидларни узоқ муддатли молиялаштириш ва республиканинг барча мулкчилик шаклидаги субъектларига лизингга бериш учун технологик ускуналардан фойдаланиш;
- экспорт имкониятларини ошириш ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор соҳаларига лизинг доирасида илғор технологияларни жалб қилиш;
- ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ва хизматлар ишлаб чиқарилишини ошириш учун лизинг хизматларининг кенг спектрини тақдим этиш;
- республикада лизинг хизматларини ривожлантириш бўйича лизинг операцияларини ўтказиб услубияти ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

3.2. Лизинга бериладиган мол-мулкка маркетинг хизматини кўрсатиш.

Лизингга бериладиган мол – мулкка хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича қуйидагиларни ажратадилар:

- соф лизинг, берилаётган мол – мулкка барча хизмат кўрсатишни лизингга берувчи ўз зиммасига олса;
- тўлиқ хизмат тўплами билан лизинг («ҳўл лизинг»), агар мол – мулкка тўлиқ хизмат кўрсатиш лизингга берувчи зиммасига юклатилса (банкнинг ихтисослаштирилган шуъба лизинг компанияси) (8 - чизма);
- қисман хизматлар тўплами билан лизинг, бунда мол – мулкка хизмат кўрсатиш бўйича алоҳида вазифалар лизингга берувчи зиммасига юклатилади.



8 - чизма. Тўлиқ хизматлар тўплами билан лизинг чизмаси.

Хўл лизинг (wet leasing) масъулият лизингга берувчи зиммасида бўлган ускунага мажбурий техник хизмат кўрсатиш, уни таъмирлаш, суғурталаш ва бошқа операцияларни назарда тутди. Бундай хизматлардан ташқари, лизингга олувчининг ихтиёрига кўра, лизингга берувчи юқори малакали ходимларни тайёрлаш, маркетинг, хом ашё етказиб бериш ва бошқа мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак. Агар ускунага техник хизмат кўрсатиш, уни таъмирлаш, суғурталаш ва бошқалар лизингга берувчининг

зиммасига юклатилган тақдирда, «қўшимча мажбуриятларга эга лизинг» тўғрисида гап юритилади. Бундай лизинг турининг ашёси бўлиб, одатда, мураккаб ихтисослаштирилган ускуна бўлади. Wet leasingдан, одатда ёхуд ушбу ускунани ишлаб чиқарувчилар ёхуд улгуржи ташкилотлар фойдаланадилар, молиявий муассасалар ва банклар лизингнинг ушбу турига камроқ мурожаат қиладилар, чунки уларнинг тасарруфида керакли бўлган техникавий асос мавжуд эмас.

Россияда ҳозирги пайтгача лизинг хизматлари шаклланмаганлиги ва амалиётда лизинг объектларига сифатли техник хизматни таъминловчи лизинг компаниялари мавжуд эмаслиги муносабати билан, соф лизинг лизингнинг энг тарқалган тури ҳисобланади. Соф лизинг (net leasing) – лизингга оловчи мол – мулкнинг барча хизматларини ўз зиммасига оладиган лизингдир. Шунинг учун бу ҳолатда ускунага хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар лизинг тўловларига киритилмайди. Соф лизинг юзасидан лизинг бизнеси билан шуғулланадиган банклар, суғурта компаниялари ва бошқа молиявий компаниялар иштирок этади.

Лизинг муносабатлари бозорининг секторига қараб қуйидагиларни ажратадилар:

- ички лизинг, бунда битимнинг барча иштирокчилари бир мамлакатни тақдим этади;
- ташқи (ҳалқаро) лизинг (9 -10 чизмаларга қаралсин).

Ҳеч бўлмаганда бир тараф ёки барча тарафлар турли малакатларга мансуб бўлган тақдирда лизинг бўйича муносабатлар ташқи лизингга мансуб деб ҳисобланади. Ташқи лизинг, ўз навбатида, экспорт ва импорт лизингга ажратилади. Экспорт лизингда лизингга оловчи, импорт лизингда эса – лизингга берувчи чет эл мамлакати ҳисобланади.



9 - чизма. Халқаро лизингда ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасидаги ҳисоб – китобларнинг намунавий чизмаси, бунда ускуна сотилган кундаги бозор қиймати (I) бўйича ёки тижорат қарзи бўйича (II) ўтказилади.

Ижара ҳақининг тўлови «лизинг» даврида амалга оширилади.




Бу ерда:

- 1- ускуна;
- 2- лизинг келишуви;
- 3- зудлик тўловлар;
- 4- тўловлар ва фоизлар;
- 5- ускунага техник хизмат кўрсатиш.

10 - чизма. Ижарага олувчи қарз бериб лизингга берувчи компания билан ҳисоб – китоб қиладиган молиявий компания томонидан халқаро лизинг бевосита ифодаланишнинг чизмаси.

Лизинг объектининг сотиб олишнинг молиялаштириш манбаига қараб у қуйидагиларга ажратилади:

- хусусий маблағлар ҳисобига лизинг (11 – чизмага қаралсин);
- қўшимча маблағлар жалб қилинган лизинг (12 чизмага қаралсин).



Бу ерда:

1 – ускунага талабнома;


2 – ускуна учун тўлов;

3 - ускуна;

4 – ижара тўловлари.

11 - чизма. Хусусий маблағлар ҳисобига лизинг.

Қўшимча маблағлар жалб қилинган лизинг ёки бошқача қилиб уни левередж (қарз, пай, ажратилган) лизинг деб атайдилар, энг мураккаб лизинг ҳисобланади, чунки



Бу ерда:

- 1 – ускунага талабнома;
- 2 – ижарага олувчига нисбатан регресс ҳуқуқисиз қарз;
- 3 – ускуна учун тўлов;
- 4 – қарз бўйича тўловлар;
- 5 – ускуна;
- 6 – ижара тўловлари.

12 чизма. Қўшимча маблағлар жалб қилинган лизинг чизмаси.

кўп тармоқли молиялаштириш ва одатда, қимматли лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлланилади.

Ушбу лизингнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бунда лизингга берувчи ускунани сотиб олар экан, ўз маблағларидан барча суммани эмас, балки унинг бир қисмини тўлайди. Қолган суммани эса у бир ёки неча кредиторлардан қарз олади. Бунда лизинг компанияси мол – мулкнинг тўлиқ қийматидан ҳисобланган солиқ имтиёзларидан фойдаланишни давом этади.

Лизингга берувчи мамлакатимизнинг молиявий – кредит муносабатларига унчалик хос бўлмаган муайян шартлар билан қарз олиши ушбу лизингнинг иккинчи ўзига хос тавсифга эгаллигини билдиради. Кредит лизингга берувчининг активларига нисбатан даъво билдирмаслик шarti билан олинади. Шунинг учун, одатда лизингга берувчи кредит қопланмагунга қадар кредиторлар фойдасига мол – мулкка гаров расмийлаштиради ва қарзни қоплаш ҳисобидан лизинг тўловларининг бир қисмини олиш ҳуқуқини унга беради.


Шундай қилиб, битим бўйича асосий таваккалчилик кредиторлар, яъни банклар, суғурта компаниялари, инвестиция жамғармалари ёки бошқа молиявий муассасаларнинг зиммасига юклатилади, лизинг тўловлари ва лизингга топшириладиган мол – мулк эса қарз қайтарилишини таъминлашга хизмат қилади. Ғарбда йирик лизинг битимларининг 85% дан кўпроғи левередж лизинг асосида тузилган.

Солиқ ва амортизация имтиёзларига нисбатан қуйидагиларни фарқлайдилар:

- сохта лизинг, агар лизинг муносабатлари чайқов тавсифга эга бўлса ва асосланмаган солиқ ва амортизация имтиёзларини олиш ҳисобига фақатгина унча кўп бўлмаган фойда олиш мақсадида тузилган тақдирда;
- амалдаги лизинг, агар лизинг муносабатларида юқорида қайд этилган мақсад асосий ва белгиловчи ҳисобланмаган тақдирда.

Лизинг операцияси иштирокчиларининг сонига қараб у қуйидагиларга ажратилади:


- уч тарафлама (анъанавий) (5 – чизмага қаралсин);
- кўп тарафлама (мураккаб) (13-14 чизмага қаралсин).



Бу ерда:

- 1 – кредит;
- 2 – ускунанинг тўлови;
- 3 – ускунанинг сотилиши;
- 4 – лизинг шартномаси;
- 5 – лизинг тўловлари;
- 6 – ускунани етказиб бериш;
- 7 – ускунани суғурталаш.

13 - чизма. Кўп тарафлама лизинг битими механизмининг чизмаси.



Бу ерда:

- 1 – лизинг олувчидан талабнома;
- 2 – лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг лойиҳаси самарали эканлиги тўғрисида хулоса;
- 3 – буюртма – топшириқ;
- 4 – банк қарзи;
- 5 – лизинг ашёсининг олди – сотди шартномаси;
- 6 – ускуна ишлатишга қабул қилинганлигининг далолатномаси;
- 7 – мол етказиб берилганлигининг тўлови;
- 8 – лизинг келишуви;
- 9 – лизинг ашёси суғурталанганлиги тўғрисида шартнома;
- 10 – лизинг тўловлари;
- 11 – лизинг ашёсининг қайтарилиши;
- 12 – қарзнинг қайтарилиши ва фоизлар тўлови.

14 - чизма. Кўп тарафлама лизинг келишуви ташкил этилишининг чизмаси (банк воситачиларнинг бири сифатида иштирок этганда).

3.3. Лизинг битимларини тузиш хизматлари ва самарадорлигини таъминлаш омиллари.

Ҳар қандай лизинг битими лизинг берувчи томонидан бўлажак лизинг олувчидан мулкни сотиб олиш ва уни вақтинчалик фойдаланишга олиш учун талабномани олишдан бошланади.

Талабнома ихтиёрий шаклда тузилган бўлиб, бироқ унда, албатта, мулкнинг номи, унинг кўрсаткичлари, техника ва иқтисодий тавсифлари,

шунингдек имконият даражасидаги етказиб берувчи ва унинг реквизитлари бўлиши шарт. Лизинг битимларини тузиш ҳақидаги ташаббус, одатда, лизинг олувчидан чиқади, ҳамда қандай мулк кераклиги ва уни ким ишлаб чиқаришини яхши билади.

Шу билан биргаликда, лизинг олувчи лизинг берувчига талаб қилинадиган мулкни етказиб берувчини танлаш ҳақидаги илтимоснома билан муурожаат қилиши мумкин.

Бироқ охирги сўз мулкни ва уни етказиб берувчини танлашда лизинг олувчининг зиммасида бўлади. Лизинг компанияси битимни тузиш жараёнида ташқаридан кузатувчи сифатида қараб туролмайди.

Бўлажак фойдаланувчи улар ҳақида билишлари учун ўзининг фаолияти ҳақида реклама компаниясини олиб боради ва лизингнинг лизинг олувчилар учун афзалликлари ҳақида эълон қилади, ускуналарнинг истиқболли турлари ҳақидаги ахборотларни, нархлар, етказиб берувчилар ҳақидаги маълумотларни, талабларни таҳлил қилади ва кўпгина бошқа омилларни тўплайди.

Талабномалар билан биргаликда ёки уни қабул қилиш ҳақидаги хулосадан сўнг уни лизинг берувчи тмонидан кўриб чиқилгандан кейин имконият даражасидаги лизинг олувчи лизинг берувчи талаб қилган барча ҳужжатларни тақдим этади. Ҳужжатларнинг стандарт шаклига қуйидагилар киради:

- таъсис ҳужжатларининг нотариал тарзда тасдиқланган нусхалари, охирги йил ёки чорак учун бухгалтерия баланси;
- иқтисодий асослаш ва битимнинг самарадорлигининг таҳлили (бизнес-режа);
- битимнинг кафолатли равишда таъминланиши;

Зарурат бўлганда лизинг берувчи қўшимча маълумотларни талаб қилиши мумкин.

Масалан, Интеррослинг лизинг компанияси имконият даражасидаги лойиҳани кўриб чиқиш учун бизнес-режани тақдим қилиши лозим, ҳамда у қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади.

1. Лойиҳани таърифлаш ва хулосалар (бунда жалб қилинадиган ресурсларнинг ҳажми ва кредит воситаларини камайтиришнинг мўлжалланган муддати);
2. Компания ҳақидаги маълумотлар (фаолиятнинг асосий, турлари, менежментларга уларнинг ҳуқуқларига ва унинг самарадорларга бўлган муносабати, ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ва ер участкасининг хусусиятлари, транспортни ўзлаштириш);
3. Маҳсулот ва хизматлар (товар ва хизматларнинг хусусиятларини таърифлаш; ушбу бизнес томонидан тақдим этиладиган товар ва хизматларнинг жисмоний ифодаланишидан ташқари, шунингдек маҳсулотнинг тайёргарлик даражаси ёки хизматларнинг бозорга чиқиш имкониятлари акс эттирилади; агар имконият мавжуд бўлса, экспертлар ёки истеъмолчиларнинг рўйхатлари берилади, ҳамда улар товар ёки хизматлар билан таниш бўлиб, улар ҳақида ижобий хулосалар беришлар мумкин);
4. Бозорнинг умумий хусусияти;
5. Ишлаб чиқариш режаси (ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга умумий ёндашиш, хом ашё ва моддий воситаларнинг манбаълари, қўлланиладиган и технологиялар ва ускуналар);
6. Ишларнинг бажарилиши юзасидан график (асосий босқичларининг тақвим режаси, лойиҳани амалга оширишдаги молиявий ресурсларга бўлган талаб айланма маблағлар);
7. Бошқарув ва ташкиллаштириш (асосий иштирокчилар, корхонанинг ташкилий шакллари, ички алоқалар ва ташкилот доирасидаги масъулият тақсимооти, шериклар ва етказиб берувчилар);

8. Сармоя ва компаниянинг юридик шакл (мулк шакли ва корхонанинг ҳуқуқий мавқеи, ҳозирги пайтдаги маблағларнинг манбаълари ва келгусида мурожаат қилиш мумкин бўлган имкониятлари);
9. График ва жадвал усулида тақдим этилган молиявий режа (келгусида амалга ошириладиган ишлардан тушадиган маблағларнинг келиб тушиш шакли, уларни мавжуд ва мўлжалланган кўрсаткичларига боғлиқ равишда, кутилаётган молиявий натижани акс эттирувчи мавжуд бизнеснинг молиявий натижаларини ҳисобга олиш; ўтган йилларга нисбатан молиявий кўрсаткичлар; ҳисоб – Кито кўрсаткичларининг манбаълари, компанияни ривожлантиришнинг имконият даражасида тартиби; сотиладиган товар ва хизматларнинг истиқболини белгилаш, пул харажатлари ва тушумларнинг мувозанати (пул маблағларининг оқимини белгилаш), даромадлар ва харажатларнинг жадвали (тушумларнинг шаклланиши ва ўзгариши), корхонанинг истиқболга мўлжалланган активлари ва пассивларининг мувозанати (ушбу ҳужжатларнинг таркиби корхонанинг қабул қилган, ҳисобот балансига мос келади), зарар келтирмасдан ишлашнинг графига (бунда сотиш даражаси, ишлаб чиқаришнинг мазкур ишлаш ҳолатида харажатларни қоплаш зарурати); барча кўрсаткичлар ва шакллар бюджет ҳисоб – китоблари билан боғланган бўлиши, ҳамда солиққа тортиш бўйича тартибга солинган бўлиб, тақдим этиладиган кунга лизинг компаниясининг сармояланиш шароитлари билан боғланган бўлиши лозим;
10. Қўшимча айланма маблағларнинг манбаълари;
11. Хавф – хатарларни баҳолаш ва таклиф қилинадиган кафолатлар.

Бизнес - режага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- банкдан маълумотнома (ҳисоб – китоб статистикаси);
- ташкилотнинг шакл № 1 ва шакл № 2 бўйича баланс ҳисоботи (01 ҳисоб варақасини ёритиш, билан) йил бошига ва жорий йилнинг

охирги ҳисобот даврига солиқ нозирлигининг тасдиқлаган штамп – муҳри билан тақдим этилади;

- ускуналарнинг сотиб олиниши молиялаш зарур бўлган шартномалар ва контрактларнинг нусхалари, ҳамда улар нотариал ёки ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади; айрим ҳолларда шартномаларнинг асл нусхалари лизинг компаниясининг масъул ходими томонидан тасдиқланиши мумкин.
- имзоларнинг нусхалари ва ташкилот муҳри туширилган нусханинг варақаси (бир нусхаси нотариал тасдиқланади);
- ташкилотнинг устави ва таъсис шартномаси (нотариал тасдиқланган нусхалари);
- рўйхатга олинганлик ҳақидаги тегишли рўйхатга олиш палатаси ёки маҳаллий органларда (нотариал тасдиқланган нусхада) гувоҳнома, солиқ нозорлигида рўйхатдан ўтганлик ҳақида маълумотнома.

Бундан ташқари нуфузли банклар, ташкилотлар, компаниялардан тавсияномалар бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Таъминот сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

- банк кафолати (контраккафолат) ёки қабул қилинган банкларнинг векселлари;
- йирик бюджет ташкилотлари ва корхоналарнинг векселлари;
- лизинг тўловларини қоплаш учун кафолат фондлари;
- нуфузли компанияларнинг топшириқномалари;
- қимматбаҳо қоғозларнинг гарови;
- айланмадаги пулланадиган товарнинг гарови;
- кўчмас мулк гарови;
- етказиб берувчи томонидан қайтариб сотиб олиш кафолати;
- ваколатли банкларда тасдиқланган тайёр маҳсулотларни шартномада кўрсатилган ҳажмда ва нархларда етказиб бериш шартлари;

- ваколатли банклардаги экспорт қилинувчилар билан шартномалар бўйича экспортдан тушадиган маблағлар;
- бошқа мулк ва активлар бўйича гаровлар;
- ваколатли банкларда лимитлари бўлган давлат ва маҳаллий фондларнинг тасдиқланган кафолатлари.

Лизингга берилган ускуналарнинг қиймати ҳам қисман қопланиш сифатида қаралиши мумкин.

Бундай ҳолатларда ускуналар шартнома баҳосидан дисконт билан (қолдиқ қийматининг хавф – хатарлиги билан ҳисобга олингани ҳолда) баҳоланади, яъни етказиб бериш пайтида баҳо минус хавф – хатар таваккалчилиги ва ускуналарни кўчириш билан боғлиқ харажатлар, суғурта харажатлари, сотишдан олдин тайёргарлик, қўшимча харажатлар ва мулкни сотиш билан боғлиқ бошқа харажатлар киради.

Бундан ташқари пул маблағларини мақсадли ҳисоб варақаларда АКБ, ХИК ёки ОНЭКСИМ Банкларда лизинг тўловларини қоплашни кафолатлаш мақсадларида ҳам сақланади.

Бу ҳисоб варақалари лизинг шартномалари бўйича қарзларнинг тўланиши билан, ҳамда тўловларнинг қисман тўланиши билан ҳисоб –китоблар юритилиб борилади.

Лизинг берувчи томонидан барча зарур ҳужжатлар олинганидан сўнг уларнинг текширилиши бошланади (жойланиши ва ҳ.к.), ҳамда лизинг лойиҳасининг ҳар томонлама экспертизаси бошланади ва зарур бўлиб қолганида мустақил экспертларга топширилади.

Дастлабки мулкнинг бошланғич қиймати шартноманинг муддатлари, лизинг тўловларининг имконият даражасидаги шакллари уларнинг даврийлиги, бўнак миқдори, мулкнинг қолдиқ қиймати ва ҳ.к. таҳлил қилинади.

Лизинг берувчининг асосий вазифаси лизинг олувчининг лизинг тўловларининг уйдасидан чиқа олиш қобилиятини баҳолаш, шунингдек мулкка бўлган талаби баҳолаш, мулкни иккинчи марта беришнинг

имкониятларини аниқлаш ёки шартномани муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда уни сотиш имкониятларини билишдан иборатдир.

Мижозларнинг тўлаш қобилиятининг тўғри баҳолашдаги қийинчиликлари мамлакатдаги беқарор молиявий вазият билан боғлиқ бўлиб, фақатгина жорий баҳолаш билан чекланиб қолмасдан, балки лизинг олувчининг келгусидаги молиявий ҳолати билан боғлиқдир, чунки лизинг шартномаси узоқ муддатга тузилади. Маҳсулотга бўлган талабни баҳолаш лозим (яъни булар лизинг мулки ёрдамида чиқарилган товарлардир).

Халқаро лизинг бўлганида қуйидаги муаммолар вужудга келади: тўлов валютасини танлаш, валюта курсининг ўзгаришини баҳолаш, лизинг олувчининг божхона тартиби, мамлакатлар ўртасида икки томонлама солиққа тортишни қўлламаслик, хорижий сармоя эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш левередж лизингда (ажралган ҳолдаги лизингда) қўшимча масалалар вужудга келиб, улар гаров ҳуқуқлари, суғурталаш, турли хилдаги кафолатлар билан боғлиқдир.

Лизинг берувчи томонидан лизинг шартномасига қўшилиш ҳақидаги қарорга келинганида, у лизинг олувчининг арищасига биноан талабнома нарядни ускунани етказиб берувчига жўнатади.

Унда лизинг олувчининг юридик адрес ива банк лизинг олувчининг реквизитлари билан биргаликда мулкнинг тури, барча керакли кўрсаткичлар, унинг нархи ва олувчининг истиқомат жойи кўрсатилади.

Қўшимча ишларни амалга ошириш зарур бўлганда (масалан, ўрнатиш, йиғиштириш ва ҳ.к.) топшириқ – нарядга ушбу ишларни бажариш учун техник топшириқ илова қилинади ва уларнинг қиймати кўрсатилади. Ускунани етказиб берувчи томонидан талабнома наряд олинганидан сўнг у лизинг берувчини уни олингани ва бажариш учун тайёр эканлиги ҳақида хабардор қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек мумтоз лизинг битимларига камида иккита шартномани тузиш тўғри келади:

- лизинг берувчи ва товарни етказиб берувчи ўртасидаги олди – сотди шартномаси;
- лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасидаги бевосита шартнома.

Бундан ташқари агар лизинг берувчи мулкни сотиб олиш учун заём маблағларидан фойдаланса, банк билан кредит шартномаси тузилади, лизинг мулкни суғурталаш учун эса – суғурта шартномаси, техник хизмат кўрсатиш учун техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузилади.

Олди – сотди шартномасида кўп тўхтамасдан, шуни таъкидлаш керакки, унда мажбурий равишда қуйидаги қоидалар мавжуд бўлиши лозим:

- лизинг шартномаси доирасида мулк кейинчалик лизинг олувчига бериш мақсадида (унинг номи кўрсатилади) сотиб олинади;
- буюртмачи ўзининг барча мажбуриятларини, тўлов мажбуриятларидан ташқари, лизинг олувчига беради ва етказиб берувчи бу билан розилигини билдиради;
- етказиб берувчи шунга розики, буюртмачи ўзининг барча ҳуқуқларини (мулк ҳуқуқидан ташқари) лизинг олувчига беради ва унга бевосита барча эътирозларни билдириши учун ҳуқуқларини беради.

Лизинг битимларининг асосий ҳужжатларидан бўлиб, лизинг шартномаси ҳисобланади.

У мулк эгаси (лизинг берувчи ва фойдаланувчи (лизинг олувчи) ўртасида тузилган бўлиб, кейингисига вақтинчалик эгалик қилиш ҳуқуқини бериш ва лизинг объектини тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланишга тузилади.

Лизинг шартномасида қуйидаги қоидалар мавжуд бўлиши лозим:

1. Шартнома мавзуси.
2. Мулкни етказиб бериш ва қабул қилиб олиш тартиби.
3. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
4. Мулкдан фойдаланиш, уни асраш, таъмирлаш ва такомиллаштириш.
5. Суғурталаш.
6. Лизинг муддати.
7. Лизинг тўловлари ва жарима тўлаш ҳоллари.

8. Томонларнинг жавобгарлиги.
9. Низоларни ҳал этиш тартиби.
10. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.
11. Битим тузилганидан сўнг томонларнинг ҳаракати.
12. Бошқа шартлар.
13. Форс – мажор (мажорларни ҳал этиш).
14. Юридик адреслар ва банк риквизитлари.

Олди – сотди шартномасини тайёрлаш билан бир қаторда лизинг берувчи ва лизинг олувчи лизинг шартномасини тузади.

Мундарижада томонларнинг ном ива шартномага имзо чекиш учун ваколат берилган шахсларнинг исми ва фамилияси кўрсатилади.

Шартнома мавзуида вақтинчалик фойдаланилган, сотиб олиб бериладиган мулк, унинг қиймати, етказиб бериш жойи ва муддати кўрсатилади. Одатда, транспорт харажатлари мулкни етказиб бериш бўйича алоҳида сумма билан ажратилади, чунки у лизинг олувчи томонидан тўланади. Бунда, етказиб берувчини огоҳлантирилиб мулкнинг қандай мақсадларда фойдаланишлиги кўрсатилади. Шунини таъкидлаш зарурки, лизинг берувчи мулкни ва етказиб берувчини танлашда иштирок этганми йўқми аниқланади.

Лизинг шартномасининг мажбурий шартларидан бўлиб унинг таъсирчанлик муддати кўрсатилади, бунда шартнома муддатининг ҳисобланиши лизинг олувчи томонидан мулкни қабул қилиб олиш муддати ҳисобланади.

Лизинг шартномасининг алоҳида бўлими лизинг мулкни етказиб бериш қабул қилиб олиш тартибига бағишланади. Унда томонларнинг қайсилари иштирок этишлари акс эттирилади. Одатда, улар етказиб берувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчилар ҳисобланади.

Айрим ҳолларда лизинг берувчи ўзининг ҳуқуқларини ускуналарни қабул қилиб олиш бўйича лизинг олувчига бериш мумкин.

Зарур бўлиб қолганда, қабул қилиб топшириш соновлари ҳам келтирилади. Мулк қабул қилиб олинishi муддати, албатта, кўрсатилади.

Мулкни қабул қилиш қабул қилиб олиш – топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилиб, улар барча томонлар, яъни қабул қилишда иштирок этувчилар томонидан имзоланади. Далолатнома бўйича етказиб берилган буюмнинг талабнома наряди кўрсатилган талабларга тўлиқ мос келиши, тўласича бутланганлиги иш қобилятининг мавжудлиги ва фойдаланишига тайёргарлиги тасдиқланади.

Қабул қилиш далолатномасини имзолаш билан лизинг оловчи лизинг шартномаси шартларига мос келишини мулкни етарли даражада мос бўлишини тасдиқлайди.

Қабул қилиш далолатномаси имзоланганидан сўнг, лизинг шартномасининг муддатини расмий равишда ҳисобга олибгина қолмасдан балки одатдаги харидорнинг барча ҳуқуқлари (мулк ҳуқуқидан ташқари) ва барча хавф – хатар таваккалчилиги ҳам ўтади.

Қабул қилиш ва топшириш далолатномаси имзоланганидан сўнг, лизинг берувчи ўзининг асосий вазифасини бажаради, яъни олди – сотди шартномаси бўйича шарт етказиб берувчининг ҳисоби бўйича тўловларни тўлайди.

Тўлаш тартиби олди – сотди шартномасида белгиланади.

Одатда, лизинг берувчи олди – сотди шартномасини имзолаш пайтигача мулк қийматининг 20% миқдорини олдиндан пулини ўтказиб беради, қийматнинг қолган қисмини эса, қабул қилиш далолатномаси имзоланганидан тўланади. Тўлашнинг аниқ шакли олди – сотди шартномасида акс эттирилади.

Тузатиш мумкин бўлган нуқсонлар аниқланганда, агар улар ускуналарнинг одатдаги вазифаларни бажариш учун таъсир кўрсатмайдиган бўлса, лизинг оловчи уларни топшириш – қабул қилиш далолатномасида кўрсатади ва уни етказиб берувчи билан камчиликларни тузатиш муддатларини белгилайди.

Агар етказиб берувчи далолатномада кўрсатилган муддатда камчиликларни бартараф этмаса, у ҳолда лизинг берувчи ёки унинг номидан

иш юритувчи лизинг олувчи лизинг объектини алмаштиришни талаб этиши мумкин. Лизинг берувчининг талаблари етказиб берувчи томонидан кондирилмаган тақдирда олди – сотди шартномасини бекор қилиш асосини яратилади.

Лизинг олувчи томонидан мулкни нуқсонлари боис қабул қилишдан воз кечилса, ҳамда уни одатдагидек фойдаланиш имконияти бўлмаса, топшириш қабул қилиш далолатномасида тегишли равишда ёзиб қўйилади.

Бундан ташқари, лизинг олувчи ёзма равишда лизинг берувчини огоҳлантириб қўйиши ва аниқланган камчиликларни батафсил ёзиши лозим.

Кўрсатилган бундай шикоят хати лизинг берувчига олди – сотди шартномасини бекор қилиш ҳуқуқини беради ёки мулкни алмаштиришни талаб этиши мумкин. Бироқ етказиб берувчи бундай ҳуқуқсиз томон бўлаолмайди, гарчи бир қарашда шундай кўринса ҳам. Агар етказиб берувчи томонидан лизинг олувчининг тасдиқланмаган сабаблар билан олди –сотди шартномасини бекор қилишни асосласа, у ҳолда келтирилган зарарларни лизинг олувчи ҳисобига қоплаш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар лизинг олувчи мавжуд сабаблардан қатъий назар шартномада кўрсатилган муддатга мулкни қабул қилишни амалга оширмаган бўлса, ҳамда рад қилиш ҳақида тузатиб бўлмайдиган камчиликларнинг мавжудлиги туфайли бекор қилиш ҳақида ариза қилмаган бўлса мулк қабул қилинган деб ҳисобланади.

Мулкни қабул қилиш юзасидан далолатноманинг имзоланиши лизинг битимининг муҳим пайти ҳисобланади, чунки шу пайтдан бошлаб лизинг олувчига кўпгина лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва қўшимча жавобгарлиги ўтади, хусусан:

- лизинг шартномасини ҳисобга олиш муддати бошланади;
- лизинг берувчи сифат ва мулкнинг яроқлиги юзасидан лизинг олувчи олдидаги масъулиятдан холис қилинади, шунингдек етказиб берувчининг кафолатли мажбуриятлари, мулкни ишлатиш юзасидан

келиб чиқадиган зарарлар, шу жумладан учинчи шахс томонидан содир қилинадиган жавобгарликдан соқит бўлади;

- тасодифий ҳалокат, йўқотиш, бузилиш – чириш, мулкнинг ўғирланиши хавф – хатарлик таваккалчилиги лизинг олувчига ўтади;
- етказиб берувчи нисбатан барча лизинг олувчининг ҳуқуқларини қабул қилиб олади, мулк сифатида юзасидан, таъмирлаш ва техника хизмати кўрсатиш бўйича бевосита шикоятларни тақдим этиш билан боғлиқ ҳуқуқларни ўзига олади.

Лизинг шартномасида шундай қоида акс эттирилиши керакки, мулкни хусусийлаштириш ҳуқуқи унинг муддати давомида лизинг берувчига оид бўлиши лозим.

Лизинг олувчи лизинг объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш юзасидан мутлоқ ҳуқуқа эгадир.

Лизинг мулки юзасидан фойдаланувчи томонидан олинган даромадлар лизинг олувчига таалукли бўлади. Лизинг берувчининг ёзма равишдаги розилигисиз лизинг объекти учинчи шахсга берилиши мумкин эмас.

Лизинг олувчи мулкни фақат бевосита вазифаси бўйича шартномада кўрсатилишича фойдаланиш лозим, ҳамда унга ўзгартиришлар ва янгиланишни лизинг берувчининг розилигисиз киритиш мумкин эмас.

Агар олдиндан маълум бўлиб, мулк юзасидан қандай ўзгаришлар амалга оширилиши маълум бўлса, масалан, автомобилни ўғирлаб кетишга қарши ускуна ўрнатишни назарда тутилган бўлса, уларни бевосита лизинг шартномасида акс эттирилиши керак. Лизинг берувчи лизинг шартномаси бўйича ўзининг ҳуқуқларини тўласича ёки қисман учинчи шахсга лизинг олувчининг розилигисиз бериши мумкин.

Шартномада махсус бўлим бўлиши мумкин бўлиб, унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилади, ёки бу масалалар ихтисослаштирилган бўлимларда акс эттирилиши мумкин. Хусусан, томонларнинг ускуналардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари юқорида санаб ўтилди.

Лизинг олувчининг асосий мажбуриятларидан бўлиб, ўз вақтида лизинг тўловларини тўлаш ҳисобланади. Бу масалага алоҳида бўлим бағишланади.

Унда лизинг тўловларининг умумий суммаси кўрсатилиб, яъни лизинг олувчи тўлаши лозим тартиб, муддат, усул, лизинг тўловларининг даврий шакли кўрсатилади. Одатда шартномада лизинг тўловларини тўлашнинг муҳим жадвали аниқ суммалар ва тўлов муддатлари билан келтирилади.

Шартномага бўлган иловада лизинг тўловларининг ҳисоб китоби учун бошланғич маълумотлар унинг барча ташкил этувчи кўрсаткичлари билан киритилади. Бундай маълумотлар солиқ нозорлиги билан алоқада бўлинганида фойдали бўлади.

Лизинг тўловларини кечиктирилган ҳолларида шартномада жарима тўловлари назарда тутилган бўлиши, даврий лизинг тўловларининг тўлаш муддати бузилганида амалга оширилиши лозим.

Беқарор сиёсий ва иқтисодий вазият туфайли асосий воситаларнинг деярли ҳар йилги қайта кўриб чиқилишида лизинг шартномасида аниқ шароитлар мавжуд бўлиши, булар учун лизинг тўловларининг умумий суммасини қайта кўриб чиқиш мумкин бўлади, улар билан биргаликда қолган лизинг тўловларини ҳам кўриб чиқилади.

Шартноманинг алоҳида бўлимида мулкни суғурталаш тартиби аниқланади, ҳамда суғурта ҳолати юзага келганида бўладиган ҳатти ҳаракатлар ёритилади. Одатда, мулкни етказиб бериш бўйича барча хавф – хатарларни лизинг берувчининг зиммасида бўлади, барча таваккалчилик эса, топшириш қабул қилиш далолатномаси имзоланганидан сўнг лизинг олувчи ўз зиммасига олади. Бироқ шартнома суғурталашнинг бошқа тартиби назарда тутилиши мумкин.

Лизинг шартномасида албатта шартлар мавжуд бўлиб, унда битим муддатидан илгари лизинг олувчининг ҳам лизинг берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Битимни лизинг олувчи тмонидан бекор қилиш учун асосий сабаб, ускунани қабул қилиб олишдаги камчиликлар бўлади ва уни одатдагидек ишлатилишига тўсқинлик қилади.

Лизинг берувчида бундай сабаблар анча кўп. Улар асосан иккита гуруҳга бўлинади:

- лизинг шартномасида кўрсатиладиган шартлардан томонларни озод қилувчи ва ҳеч қандай моддий жавоб сезмайдиган шартлардир. Асосан бу шартлар олди – сотди шартномасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, лизинг берувчи томонидан мулкни етказиб беришга қадар бекор қилинган ёки сотувчи уни етказиб бериш ҳолатида бўлмаслиги мумкин;
- лизинг олувчи томонидан ўз мажбуриятларини етарли равишда бажармаслик билан боғланиши мумкин. Улар:

мулкни мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик, лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки тўловлар ва жарималар бўйича тўпланиб қолган қарзларни тўламаслик, лизинг олувчининг тугатилиши, олди – сотди шартномасининг бекор қилиниши, яъни лизинг олувчининг айби билан.

Бундай ҳолларда лизинг олувчи лизинг берувчига битимни беркитиш суммаси деб аталувчи маблағни тўлаши зарур: бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни критади:

- лизинг тўловларининг устамалар билан биргаликдаги тўланмаган суммаси;
- шартнома муддатининг тугалланиши пайтида мулкнинг қолдиқ суммаси, агар унда мулкни сотиб олиш назарда тутилган бўлса;
- чегирмалар;

Шартнома бўлимларининг бирида томонларнинг ҳатти ҳаракатлари баён этилган бўлиб, унда битим муддати тугаганидан кейинги ҳолат кўрсатилади. Бунда учта вариант содир бўлиши мумкин.

Лизинг олувчи:

- мулкни лизинг берувчига қайтаради;
- лизинг бўйича янги шартномани тузади.
- мулкни қолдиқ қиймати бўйича сотиб олади.

Мулк лизинг берувчига ишчи ҳолатида жисмоний эскиришини ҳисобга олингани ҳолда қайтарилади. Мулкни қайтариш ва хавф – хатарликлар билан боғлиқ харажатлар лизинг олувчининг зиммасида бўлади.

Одатда, молиявий лизингда иккинчи ва учинчи вариантлар амалга оширилади, чунки лизинг берувчи мулкни қайтаришдан мутлақо манфаатдор эмасдир.

Унинг учун лизинг олувчига қулайроқ бўлган янги шартномани тузиши ёки мулкни арзонроқ баҳода сотгани маъқулроқдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шартномада муаммолар қанчалик батафсил ёритилган бўлса, унинг бошланғич боскичида шубҳа туғдирадиган бўлса, шунчалик кам миқдорда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар бўлади.

IV – Боб. Лизинг тўловларини маркетинг хизмати орқали муномаллаштириш йўллари

4.1. Лизинг операцияларини ташкил этиш ва амалга оширишда маркетинг хизматидан самарали фойдаланиш йўллари.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида лизинг операцияларини ташкил этиш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Лизинг контрактини имзолаш.

Лизинг битимини амалга ошириш корхонадан (илмий муассасадан) қандайдир ускунага буюртма олишдан бошланади. Одатда бўлажак (келгусидаги) ижарачи ушбу буюртма билан ўзининг банкига мурожаат қилади, у эса ўз навбатида, шартномани амалга ошириш учун махсуслаштирилган компанияга таклиф қрилади; айти пайтда, албатта ижарачи бевосита лизинг компаниясига лизинг шартномасини тузиш тўғрисида мурожаат қилиши ҳам мумкин (иловага қаранг). Ижобий жавоб олинганда ушбу контракт амалда лизингга берувчи мол етказиб берувчидан товарни сотиб олишни расмийлаштирган бир пайтнинг ўзида лизингга берувчи (аниқ белгиланган вазиятга қараб – банк ёки лизинг фирмаси ўртасида) ва лизингга олувчи ўртасида тузилади (контракт мазмуни ҳақида кейинроқ сўз юритилади).

2. Лизинг объектини сотиб олиш.

Лизинг контрактининг ашёси бўлмиш машиналар, асбоблар, ускуналар ва бошқа моддий бойликларни сотиб олиш миқдорнинг топириғига мувофиқ олди – сотди контрактини тузиш йўли билан лизингга берувчи томонидан амалга оширилади. Тузилган контрактларга мувофиқ лизингга берувчи товарга нисбатан мулкчилик ҳуқуқини сақлаган ва уни ўзининг балансида ҳисобга олган ҳолда ушбу товарнинг эгаси ҳисобланади; эгаси ҳисобланмаган, амалда эса унинг аксарият мажбуриятларини ўз зиммасига олган лизингга олувчи эса битим бўйича товарни қабул қилиб олувчи бўлиб ҳисобланади.

3 . Лизинг объектини етказиб бериш.

Лизинг объектини етказиб бериш лизингга олувчини бўлғуси товар етказиб бериш тўғрисида олдиндан огоҳлантирган ҳолда шартнома шартларига мувофиқ сотувчи (мол етказиб берувчи) томонидан амалга оширилади.

4. Лизинг объектини қабул қилиб олиш.

Албатта мол етказиб берувчи ва лизингга олувчи иштирокида қабул қилиш баённомасини имзолаш йўли билан амалга оширилади.

Мол етказиб берувчи ушбу ҳажжат билан лизингга берувчи олдида ўз мажбуриятларини (олди – сотди шартномасига мувофиқ) бажарганлигини тасдиқлайди ва етказиб берилган товар бўйича тўлов амалга оширилишини талаб қилишга ҳақли. Айрим камчиликлар, бироқ улар товар (битим объекти) ўз вазифасини бажаришга тўсқинлик қилмаслиги аниқланган тақдирда, мол етказиб берувчи лизингга олувчи билан келишилган муддатда қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мажбуриятини олади. Товар тегишли равишда етказилиб берилмаган тақдирда, мол етказиб берувчи лизингга берувчини лизингга олувчининг даъволаридан озод қилган ҳолда, бевосита лизингга олувчи олдида масъулиятга эга бўлади.

Лизингга олувчи битим объекти тегишли равишда етказиб берилганлигини қабул қилиш баённомаси билан тасдиқлайди, ишлатиш пайтидаги келишиб олинган кўрсаткичларга эришилганлигини тасдиқлайди, шунингдек лизинг бўйича контрактда қайд этилган барча келишувлар амалда эканлигини тан олади ва белгиланган муддатда биринчи лизинг бадалини киритиш мажбуриятини олади.

Лизингга берувчининг вакили ҳозир бўлмаган тақдирда, лизингга олувчи қабул қилиш баённомасида мол етказиб берувчига нисбатан лизингга берувчининг мажбуриятларини, жумладан, объект ҳолатини текшириш, бевосита лизингга берувчига тақдим этишдан воз кечиб рекламация мажбуриятларини ҳам ўз зиммасига қабул қилганлиги тўғрисида баён этади.

Шунинг билан бир қаторда, товарни қабул қилиш пайтида лизингга берувчи (битим бўйича товар сотиб олувчи) ҳам ҳозир бўлиши мумкин (агар

лизинг товари янги бўлмаган тақдирда ушбу талаб мақсадга мувофиқ ҳисобланади). Ушбу ҳолатда лизингга берувчи барча ҳужжатларни имзолайди ва қабул қилиш баённомасини имзолаб, лизинг битими объектига эгалик қилиш ҳуқуқини ўзига олади.

5. Лизинг компаниясининг лизинг объектини сотиб олиш операциясини банк томонидан кредитлаш (лозим бўлган тақдирда).

Одатда лизинг компанияси ўзининг ташкил этилишида энг фаол иштирок этган ва акцияларнинг салмоқли тўпламига (назоратли тўпламигача қадар) эга бўлган банкдан кредит олади.

6. Мол етказиб берилишининг тўлови.

Лизинг объектини қабул қилиш жараёнида расмийлаштирилади ва имзоланадиган ҳужжатлар тўплами лизингга берувчи томонидан олинади, у ва мол етказиб берувчи ўртасида ҳисоб – китобларни амалга ошириш учу насос бўлиб ҳисобланади.

Тўлов қуйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

- қабул қилиш баённомаси имзолангандан кейин 100% тўлов;
- мол етказиб берувчидан битим юзасидан розилик олгандан кейин сотиб олиш баҳосидан муайян миқдорда тўланадиган дастлабки бўнак (олдиндан тўлов) ва битим ижро этилгандан кейин якуний ҳисоб – китоб. Бунда сотиб олувчи (лизингга берувчи) битим амалга оширилмаган тақдирда ўзини кафолатлаш мақсадида бўнак қайтарилиши юзасидан банк кафолатини расмийлаштириши мумкин.

7. Лизинг тўловларини тўлаш.

Лизингга берувчи фойдасига тўловлар олинган моддий кредитнинг қайтарилиши учу насос бўлиб ҳисобланади; уларда ижарага олинган ускуна қийматини қоплаш ва фоизларни тўлаш, шунингдек айрим бошқа харажатлар назарда тутилган. Бунда ижарага олинган воситалар ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотни етказиб бериш тўлов сифатида амалга ошириш варианты (қопланадиган лизинг) ҳам бўлиши мумкин.

8. Кредит бўйича фоизларни тўлаган ҳолда уни қайтариш.

Банк амалиётида лизинг фирмалари, одатда, ишончли тўловлари ҳисобланади ва кредитлашнинг имтиёзли шартларидан фойдаланилади.

Контракт муддати тугагандан кейин ижарага олинган мол – мулк лизинг компаниясига қайтарилиши ёхуд қолдиқ қиймати бўйича (эҳтимол – рамзий қиймати бўйича) сотиб олиниши ёхуд контракт янги муддатга узайтирилиши мумкин. Қайд этилганлардан лизингнинг икки юзлама табиатга эга эканлигидан келиб чиқадиган ўзига хослиги, яъни: бир томондан у кредитлаш аломатларини сақлаб қолишлиги (муддатлилиқ, қайтаришлиқ, лўловлилиқ), иккинчи томондан эса, кредит объектлари моддий мол мулк шаклида бўлганлиги сабабли у капитални ўзига хос инвестициялаш ҳисобланганлиги ўз – ўзидан намоён бўлиб қолади.

4.2. Лизинг тўловларини амалга ошириш хизматларини муноамаллаштириш йўллари.

Лизинг тўловлари миқдорини ҳисоблаш лизингнинг тури, тўлов шакли ва тўловлар усуллари, шунингдек, иқтисодиёт ўз вазифасини бажараётган шароитларга қараб турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин.

Махсус адабиётда лизинг тўловларини ҳисоблашнинг жуда кўп услубиятлари тақдим этилган. МДХ мамлакатлари молиявий доирасининг мутахассислар ўртасида маълум бўлган лизинг тўловларини ҳисоблашнинг кенг тарқалган усуллари рўйхатини кўриб чиқамиз:

1. Лизинг тўловларининг умумий суммасини ҳисоблаш услубияти ва улар тўловининг жадвалини тузиш⁶.
2. Россия Федерацияси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқайлган ва молиявий лизинг бўйича тўловларни ҳисоблаш учун мўлжалланган лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича услубий тавсиялар⁷.

⁶ Чекмарева Е.Н. Лизинговый бизнес. – М.: «Экономика», 1993.

⁷ Методические рекомендации по расчету лизинговых платежей. Утверждены Министерством экономики Российской Федерации 16 апреля 1996 г.

3. Лизинг тўловларини ҳисоблаш услубияти⁸
4. Инвестиция фаолиятида лизинг операциялари бўйича тўловлар услубиятини такомиллаштириш⁹.
5. Гиперинфляция шароитларида лизинг тўловларини белгилаш услубияти¹⁰
6. Лизингга берувчи фаолиятининг зарарсизлигини таъминловчи лизинг бўйича тўловлар ҳисобининг усули¹¹.
7. Молиявий ренталар усули¹².
8. ПМО (пул маблағлари оқими) усули¹³.
9. Лизинг тўловлари миқдорини белгилаш усуллари¹⁴

Лизинг тўловларини ҳисоблашнинг юқорида қайд этилган услубиятлари моҳиятига қисқача таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

Е. Чекмарева ўзининг «Лизинг бизнеси» китобида иттифоқдан кейин вужудга келган маконда лизинг тўловларини ҳисоблаш услубиятини биринчилардан бўлиб чоп этган (1993 йил). Услубият лизинг тўловларининг умумий суммасини ҳисоблашни амалга ошириш ва улар тўлови жадвалини тузиш учун мўлжалланган. Бу рисолади лизинг тўловлари амортизация ажратмалари, фойдаланиладиган захиралар учун тўлов, комиссия тўловлари ва лизингга берувчининг қўшимча хизматлари учун тўловлардан иборат бўлади деб таъкидланган.

Ушбу услубиятни молиявий лизинг билан бир қаторда тезкор лизинг учун ҳам қабул қилиш мумкин деб ҳисобланган. Лизинг муддати тугагандан кейин

⁸ Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации. – М.: «Ось-89», 1996.

⁹ Карп М.В. и др. Финансовый лизинг на предприятии. – М.: ЮНИТИ, 1998 г.

¹⁰ Штерн В., Гладков Ю. Лизинг для малых предприятий. – М.: Российская ассоциация развития малого предпринимательства. ЗАО «Московская лизинговая компания», 1996.

¹¹ Ольховская Р.Г. Метод расчета платежей по лизингу, обеспечивающий безубыточность деятельности лизингодателя // «Лизингreview», № 1-2, 1988.

¹² Прилуцкий Л.Н. Лизинг как одна из форм активизации инвестиционной деятельности // «Деловой партнер», № 2, 1996.

¹³ Штельмах В. Помощь в расчете лизинговых платежей // «Лизинг курьер», № 1 (7), 2000.

¹⁴ Горемыкин В.А. Основы технологии лизинговых операций. – М.: «Инфра - М», 2000.

лизинг мол – мулки қолдиқ қиймати ва молиявий лизинг битими муддатдан олдин ёпилишини ҳисоблашнинг варианти келтирилган. Молиявий лизинг битими муддатдан олдин ёпилиши суммасига учта таркибий қасм киритилади: 1) лизинг келишуви бўйича лизинг тўловларининг барча тўланмаган суммаси; 2) лизинг тугайдиган пайтдаги мол – мулкнинг қолдиқ қиймати; 3) лизинг келишувининг амал қилиши тугагандан пайтдан бошлаб то мол – мулк тўлиқ амортизациялангунга қадар давр бўйича мол – мулкнинг ўртача йиллик қиймати тарзида ҳисобланган неустойканинг фоизларда ифодаланган кредит захираларидан фойдаланганлиги учун ставка суммасига ва коммиссион ҳақи ставка суммасига кўпайтирилганлиги.

Лизинг келишуви амал қилиш муддатининг ҳар қандай пайтида лизинг қийматини ҳисоблаш имконияти мавжудлиги ушбу услубиятнинг афзаллиги деб ҳисоблаш мумкин. Гап шу ҳақидаки, кредит захиралари ва коммиссион ҳақи ставкаси учун тўловлар фоизда ҳисобланганлиги уларнинг қиймати барча лизинг тўловлари бўйича тенг – улушли тақсимланишини таъминлайди. Молиявий лизинг битими муддатдан олдин ёпилиши суммасини ҳисоблашнинг бундай усули лизинг келишуви амал қилишининг айнан шу пайтга лизинг қийматини белгилаш йўли билан берилади. Бироқ охириги йилларда Е. Чекмареванинг услубияти ўз долзарблигини бироз йўқотган, чунки ижарага олувчи ва лизинг компанияси ўртасидаги ўзаро бозор муносабатларини акс эттирмайди. Содда қилиб айтганда, Е. Чекмарева услубиятида ижарага олувчининг манфаатлари инобатга олинмайди. Услубият фақат лизингни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича лизинг компаниясининг харажатларини жамлаш ва унинг устама ҳақи (маржа)ни назарда тутди, холос. Лизинг компаниясининг маржаси қандай қилиб белгиланиши тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилмаган. Ҳозирги пайтда амалиётда кўпчилик ҳолатларда лизинг қийматини ҳисоблашнинг ва лизинг тўловлари миқдорини белгилашнинг бошқа усуллари қўлланилмоқда. Бироқ, лизинг тўловлари миқдорини белгилашда, Е. Чекмарева услубиятидагидек

каби ёндашиш, Россия Федерацияси Иқтисодиёт вазирлигининг услубий тавсиялари учун асос бўлиб қолди.

Россия Ферерацияси Иқтисодиёт вазирлиги (келгусида РФ Иқтисодиёт вазирлиги) томонидан лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича ишлаб чиқилган ва молиявий лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича мўлжалланган услубий тавсиялар Е. Чекмарева томонидан тавсия қилинган лизинг тўловларини ҳисоблаш услубиятига ўхшаш, лекин ҳисоблашнинг бошқа алгоритмини, айнан: лизинг тўловларининг умумий суммасини ҳисоблаш йиллар бўйича амалга оширилишини назарда тутади.

Ҳисоблашнинг алгоритми лизингга берувчи мол – мулкни сотиб олиш учун кредит камайиб боргани сари фойдаланилаётган кредит учун ҳақ миқдори камайиб бориши асосида тузилган. Агар лизингга берувчининг коммиссион ҳақи ставкаси мол – мулкнинг қолдиқ қийматига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган тақдирда, коммиссион ҳақининг миқдори ҳам камайиб боради. Лизинг тўловлари миқдорининг ҳисобини қуйидаги тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: 1) лизинг тўловларининг миқдори лизинг шартномаси билан қамраб олинган йиллар бўйича ҳисобланади; 2) лизинг тўловларининг умумий миқдори лизинг шартномасининг бутун амал қилиш муддати бўйича йиллар бўйича тўловлар суммаси каби ҳисобланади; 3) лизинг бадалларининг миқдори тарафлар томонидан танлаб олинган бадалларнинг даврийлигига, шунингдек улар томонидан келишилган ҳисоблаш ва тўлов усулларига мувофиқ ҳисобланади.

Лизинг тўловларининг йиллар бўйича умумий суммаси қуйидагилардан иборат: 1) жорий йилга лизингга берувчига тўланиши лозим бўлган амортизация ажратмаларининг миқдори; 2) лизингга берувчи томонидан мол – мулкни сотиб олиш учун фойдаланиладиган кредит захиралари учун ҳақ; 3) лизингга берувчининг коммиссион ҳақи; 4) лизинг шартномаси билан назарда тутилган қўшимча хизматлари учун лизингга берувчига тўланадиган ҳақ; 5) лизинг хизматлари бўйича лизингга олувчи томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи.

Услугият билан лизинг тўловларини тўлаш усулини танлаб олиш имконияти назарда тутилган: 1) тўловларнинг умумий суммасини лизингнинг бутун муддати мобайнида тенг улушлар билан ҳисобланишини назарда тутадиган «белгиланган умумий сумма» усули; 2) лизинг шартномасини тузиш пайтида лизингга берувчига бўнак тўловини тўлашни назарда тутадиган «бўнакли» усул; 3) лизинг тўловларининг умумий суммасига лизинг мол – мулки амортизация суммаси, лизингга берувчи томонидан қарз маблағларидан фойдаланганлиги учун тўлов, комисион ҳақ ва лизингга берувчининг қўшимча хизматлари учун тўлов киритиладиган «энг кам тўловлар» усули.

РФ Иқтисодиёт вазирлигининг услубий тавсиялари ҳаммага маълум. Улар лизинг тўловлари лизингга берувчи харажатларининг калькуляцияси асосида ҳисобланишини назарда тутди. Бироқ, лизинг ижарага олувчи учун мақбул эканлиги, олдингидек, инобатга олинмайди. Услугият Россия иқтисодий шароитларини ва лизинг иштирокчиларининг манфаатларини мос бўлмаган ҳолда акс эттиради. Эскирган ва тез-тез танқид қилинадиган Россия амалиёти, афсуски, ҳозирги кунга қадар янги ишланмалар учу насос бўлиб қолмоқда. Гап лизингда нарх – наво белгиланишининг бошқача усуллари ҳақида юритилиши ва бошланишида ҳам эмас. Лизинг тўловларини ҳисоблашга ёндашиш юзасидан Иқтисодиёт вазирлиги мутахассислари томонидан баён этилган «такомиллаштириш бўйича таклифлар» кўриб чиқилмоқда, холос.

Лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича Л. Прилуцкий томонидан таклиф этилган услубият. Умумий ҳолатда лизинг тўловлари суммасини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш назарда тутилади:

$$S = A + B + G + R + D,$$

Бу ерда:

S – лизингнинг бутун амал қилиш муддати пайтида лизинг тўловларининг умумий суммаси;

A – лизингнинг бутун амал қилиш муддати пайтида лизинг мол – мулки қийматини қоплайдиган сумма;

B – лизингга берувчига тўланиши лозим бўлган коммиссион ҳақ;

G – лизинг мол – мулкни сотиб олиш учун лизингга берувчи фодаланадиган кредит захиралари бўйича тўлов;

R – мол – мулкни суғурталаш учун лизингга берувчига тўланадиган сумма;

D – контракт билан назарда тутилган лизингга берувчининг бошқа харажатлари.

Ҳисоблашларни соддалаштириш учун келгусида суғурта ва бошқа харажатлар суммалари ҳисоблашларда инобатга олинмайди, лизинг тўловларининг суммаси эса қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$S = A + B + G$$

Лизинг мол – мулкнинг қопланадиган қисми лизингнинг бутун амал қилиш муддати пайтида амортизация ажратмаларининг суммасига тенг бўлади. Л. Прилуцкий келгусида, дастлабки қиймат қопланишини акс эттирувчи лизинг тўловларининг таркиби амортизация ажратмаларига тенг эмас деб ҳисоблаган ҳолда, «амортизация ажратмалари» атамасини «лизинг мол – мулкни қоплаш қиймати» атамасига атайлаб алмаштиради.

i – даврида лизингга берувчига тўланиши лозим бўлган коммиссион ҳақ қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Bi = [A - (i - 1) \times Ai] \times Pb : m, \quad i = 1, N,$$

Бу ерда:

Pb – коммиссион ҳақининг йиллик фоиз ставкаси.

I – даврда лизинг мол – мулкни сотиб олиш учун кредит захиралари бўйича лизингга берувчига тўланадиган ҳақ қуйидаги формулага асосан

ҳисобланади:

$$\hat{E}i = (K - [i - 1] \times Ai) \times Pk : m, \quad i = 1, N,$$

Бу ерда:

K – кредит захираларининг миқдори;

$K_i - i$ – даврида кредит захираларига тўланиши лозим бўлган ҳақ;

P_k – кредит бўйича йиллик фоиз ставкаси.

Квадрат қовус ичидаги кўрсаткичлар кредитининг тўланмаган қийматини ифодалайди.

i – даврида лизинг тўловининг миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_i = A_i + B_i + K_i, \quad i = 1, N;$$

ёки:

$$C_i = A_i + [A - (i - 1) \times A_i] \times P_b : m + [K - (i - 1) \times A_i] \times P_k : m, \quad i = 1, N.$$

Лизинг тўловининг умумий суммаси барча даврлар бўйича тўловлар йиғиндиси каби ҳисобланади. Лизинг мол – мулкнинг қолдиқ қиймати мол – мулкнинг баланс қиймати билан унинг тўланмаган қисми ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

Лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг лойиҳаси қанча эканлигини боҳолашга (лизингга берувчи билан бир қаторда лизингга олувчига ҳам) имконият яратади деб ҳисоблайдилар. Ўзгарувчан кўрсаткичларни турли қилиб олиб, лизинг суммасининг энг мақбул бўлган кўрсаткичи таъминланади. Л. Прилуцкийнинг услубиятида келтирилган формулалардан лизинг мол – мулкнинг, кредит миқдорининг, кредит бўйича фоизлар ва коммиссион ҳақнинг аниқ белгиланган миқдорларида фақат лизинг мол – мулки қийматини тезлаштириб қоплаган тақдирдагина лизинг тўловлари миқдорини камайтириш мумкинлиги келиб чиқади. Активнинг амортизация меъёрини ошириш инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг умумий муддатини ва бинобарин, кредит захиралари қийматининг пуллик ифодасини ва лизинг компаниясининг маржасини камайтиради. Оддий, яъни қарз олувчи (ижарачи) ўз қарзини камроқ муддатда тўлай оладими деган савол туғилади.

Агар лизинг лойиҳасининг қиймати тўғрисида гап юритилган тақдирда, иқтисодий нуқтаи назардан ушбу қиймат худди шу лойиҳани

молиялаштиришга оид муқобил вариантларнинг қиймати билан солиштирилиши лозим. Услугиятда бундай масала қўйилмаган ва кўриб чиқилмаган. Шунинг учун келтирилган услубият лизинг тўловлари миқдори лизингга берувчининг лизингни ташкил эти шва ўтказиш бўйича харажатлари орқали лизинг тўловларини аниқлаш билан чекланадиган бошқа услубиятлардаги каби камчиликларга эга. Шунинг учун уни лизинг орқали капитал қўйилмалар қийматини баҳолаш учун қабул қилиб бўлмайди.

1998 йилда «Корхонада молиявий лизинг»¹⁵ деб номланган китобнинг муаллифлари томонидан лизинг операциялари юзасидан тўловлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган. Хусусан, РФ Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган лизинг тўловлари ҳисоблаш бўйича услубий таклифларни такомиллаштириш назарда тутилган. Янгилик лизинг тўловларининг миқдорига ҳақиқатдан ҳам таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда лизинг қийматига тузатишлар киритишдан иборат.

Биринчи босқичда лизингга берилаётган ускунанинг ҳар ойлик қиймати ҳисобланади.

Иккинчи босқичда лизинг тўловининг умумий қиймати аниқланади. Ҳисоблашлар услубий тавсияларда келтирилган формулага асосан ҳар бир ой бўйича изчиллик билан амалга оширилади.

Учинчи босқичда лизинг бадаллари тўловининг жадвали тузилади.

Лизинг тўловларини жадвали тузилгандай кейин қуйидаги тузатишлар киритилади:

1. Ускуна нархлари ўзгариши бўйича индексларга асосан лизинг тўловларининг умумий суммасига тузатишлар киритилади. Лизинг тўловларининг миқдори инфляциянинг амалдаги суръатларини ҳисобга олиш лозим. Услугиятни такомиллаштирувчи муаллифлар лизингнинг асос бўлган қийматини лизингга тахмин қилаётган ускунанинг қийматини лизингга тахмин қилинаётган ускунанинг нарх – навоси кўтарилиш индексига асосан тузатиш киритишни мантиқий

¹⁵ Карп М.В. Финансовый лизинг на предприятии. – М.: ЮНИТИ, 1998.

тўғри деб ҳисоблайдилар. Лизинг тўловларини индексациялаш ҳисоб – китоб даврининг охирида, ҳар бир йил бўйича алоҳида, лизингга олинган ускунани амалда ўзгарган нарх – наволар бўйича амалга оширилади.

2. Лизингга олинган ускунадан фойдаланишнинг самарадорлигига қараб лизинг тўловлари умумий суммасига асос бўлган миқдорига тузатишлар киритилади. Лизингга олинган ускуна самарадорлик билан ишлатилиши муҳимдир. Лизинг тўловларини ҳисоблаш услубияти лизингга берувчи томонидан қўшилган қиймат солиғи тўланганлигини ҳисобга олганлиги муносабати билан лизингга берувчига тақдим этилган солиқ имтиёзи амалда ижарачига ҳам тақдим этилади. Агар лизингга олинган ускуна самарадорликсиз билан ишлатилган тақдирда, давлат томонидан ушбу имтиёзни тақдим этиш ўз маъносини йўқотади. Солиқ имтиёзи бекор бўлган тақдирда лизинг тўловларининг қиймати қанчалик ошишини аниқлаш муҳим ҳисобланади.
3. Лизинг тўловларининг умумий суммасига тезлаштирилган амортизация суммаси бўйича тузатишлар киритилади. Тезлаштирилган амортизация суммаси лизинг тўловига киритилади ва уни кўпайтирган ҳолда, ҚҚС ва лизинг тўловининг умумий суммасини қайтадан ҳисоблашга олиб келади.

Инвестиция фаолиятида лизинг операциялари бўйича тақлиф этилган тўловларни такомиллаштириш услубиятларининг келажаги бор деб қаралади. Бироқ лизинг тўловларига тезлаштирилган амортизация суммаси бўйича тузатишлар киритиш лизинг тўловларининг умумий суммаси фақат дискотлаш тамойили нуқтаи назаридан ўзгаришига олиб келади (Ушбу тезис кейинчалик ёритилади). Шу билан бир қаторда, лизинг тўловлари миқдорига баҳо беришда дискотлаш тамойилини қўллаш лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича РФ Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тавсия этилган услубий тавсияларда ҳам, такомиллаштиришнинг ўзида ҳам назарда тутилмаган.

Бундай узилиш бошқа услубиятлар билан тўлдирилган, бироқ ушбу услубиятда лизингни таҳлил қилиш учун ёндашиш ҳам тамойили бўйича ўзгача.

1996 чоп этилган гиперинфляция шароитларида лизинг тўловларини белгилаш услубияти лизинг қийматини лизингга берувчи харажатларини калькуляциялаш орқали аниқлайдиган анъанавий ёндашишга асосланган. Лизинг қиймати амортизация ажратмалари суммаси, ишлатиладиган кредит захиралари тўлови, коммиссион тўловлар, лизинг бўйича қўшимча хизматлар учун тўловлар ва ушбу суммаларга ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммасининг йиғиндисидан иборат бўлади. Лизингнинг жамланган қиймат суммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$Pl = Pa + Pk + Pi + Pu + Pn,$$

Бу ерда:

Pl – лизингнинг жамланган қиймат суммаси;

Pa – амортизация ажратмалари миқдори;

Pk – фойдаланилган кредит захиралари учун тўлов;

Pi – лизингга берувчига тўланиши лозим бўлган коммиссион тўловлар миқдори;

Pu – лизингга берувчининг қўшимча харажатлари;

Pn – қўшилган қиймат солиғи миқдори.

РФ Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланган Россияда анъанавий ёндашиш лизинг бўйича ҳақни ҳисоблаш учу насос каби қаралади, бироқ инвестиция таҳлили нуқтаи назаридан у ҳар хил пайтдаги тўловлар бир хил қийматга эга бўлганга ўхшаш муҳим камчилка эга. Шунинг учун гиперинфляция шароитларида лизинг тўловларини ҳисоблаш услубиятининг муаллифлари бир қанча фаразлар билан анъанавий ёндашишдан фойдаланган ҳолда фақатгина лизингнинг дастлабки қийматини аниқлаш мумкин деб ҳисоблайдилар. Умуман эса қуйидагиларни назарда тутмоқ лозим:

- фақатгина барқарор иқтисодиёт шароитларидагина лизингнинг дастлабки қийматини унинг умумий қийматига яқинлашган деб ҳисоблаш мумкин;
- агар кредит учун тўлов миқдори ва лизингга берувчига тўланиши лозим бўлган коммиссион ҳақиға лизингнинг дастлабки қийматини ташкил этувчи таркибий қисмлар қаби қаралган тақдирда, лизингга берувчи ва лизингга олувчи манфаатларига тенг бўлган тегишли қатъий баҳо белгиланиши лозим.

Лизинг тўловларининг ҳажмини лизинг тўловлари стратегиясидан келиб чиқиб белгилаш дискотланган пул оқимлари усули қўлланилишини назарда тутати. Яъни бўлғуси ижара (лизинг) тўловлари вақтнинг бўлажак даврларида кутилаётган инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади. Дискотланиш коэффициенти «инфляция коэффицентларининг кўрсаткичи» қаби тақдим этилади. Дискотлаш ставкаси Марказий банк томонидан белгиланадиган қайтадан молиялаштириш ставкаси даражасида олинади. Агар лизинг тўловларининг стратегияси белгиланган (вақтнинг муайян пайтида тўланадиган лизингнинг тўлиқ қийматидан улушлар) тақдирда, ушбу услубият вақтнинг ҳар қандай пайтига кўра лизинг тўловлари миқдори ва лизинг қийматининг жамланган қиймат суммасини аниқлаш имкониятини яратади. Топилаётган кўрсаткичлар қуйидагиларга, яъни 1) лизингга берилаётган ускунанинг баланс қийматига; 2) ускунанинг тўлиқ амортизацияланадиган муддатига; 3) лизинг муддатига; 4) қарз учун тўлов ставкаси; 5) лизингга берувчи тўланиши лозим бўлган коммиссион ҳақининг ставкасига; 6) қўшилган қиймат солиғи ставкасига; 7) лизинг берувчи томонидан тақдим этиладиган қўшимча хизматлар ставкасига; 8) инфляция даражасига; 9) лизинг тўловларининг стратегиясига қараб аниқланади. Олинган натижалар лизингга берувчи ва лизингга олувчи учун лизинг тўловларини ҳисоблашнинг оқилона стратегиясини танлаб олиш бўйича масала қўйиш учун услубиятнинг муҳим афзаллиги ҳисобланади. Лизинг тўловлари кўрсаткичлари ва лизингнинг жамланган қиймати суммасини

белгиловчи формулалар танлаб олинган стратегиянинг келиб чиқадиган функцияси каби қаралади. Бунда лизинг тўловлари стратегиясининг турли вариантлари солиштириладиган омил ноаниқ бўлганлиги сабабли услубиятда масалани оқилона ечиш назарда тутилмаган.

Лизингга берувчи фаолияти зарарсизлигини таъминловчи лизинг бўйича ҳисоблаш усули Р. Г. Ольховская томонидан таклиф этилган ва «Гарантинвест» консалтинг фирмаси томонидан қўлланилган. Усул лизинг тўловлари миқдорини лизинг келишувининг барча шартлари унинг миқдорига ўзаро боғлиқтаъсирини ифодаловчи аннуитетлар формуласи асосида аниқлаш негизида тузилган В. Газман чет эллик мутахассислар келтирилган услубиятга салкам ўхшаш бўлган лизинг тўловларини ҳисоблаш услубиятини қўллайдилар деб ёзади. Ушбу услубиятга мувофиқ лизинг тўловларини ҳисоблаш формуласи қуйидаги дастлабки кўринишга эга:

$$S_{\text{ё}} = \tilde{N} \times [\tilde{E} \hat{o} \tilde{n} : \{1 - (1 + \tilde{E} \hat{o} \tilde{n})^{-\hat{O}r}\}] \times \hat{O}r,$$

Бу ерда:

Slт - лизинг тўловларининг суммаси;

T – шартнома муддати;

Lфс – тўловлар даври мобайнида ҳисобланган лизинг фоизининг ставкаси;

r – лизинг тўловларининг даврийлиги (бир йилдаги миқдори);

C – лизинг мол – мулкининг қиймати.

Эҳтимолий қолдиқ қиймат суммаси миқдори бўйича тузатиш киритилган лизинг тўловлари суммасини ҳисоблаш учун дискотланган кўпайтирувчи формула қўлланилади:

$$\hat{O} \tilde{e} \tilde{i} \tilde{e} = 1 : [1 - U \tilde{e} \tilde{i} \tilde{e} \times \{(1 + \tilde{E} \hat{o} \tilde{n})^{-\hat{O}r}\}],$$

Бу ерда:

Tқол – қолдиқ қиймат бўйича тузатиш;

Uқол – қолдиқ қийматнинг улуши.

Агар лизинг келишувида фоиз даврининг бошида ҳисобга олинадиган бўнак тўлови мавжуд бўлган тақдирда, тўлов суммасининг ҳисобига қўшимчи тузатиш киритилади:

$$T_{\text{бт}} = 1 : (1 + L_{\text{фс}}),$$

Бу ерда:

$T_{\text{бт}}$ – бўнак тўлови бўйича тузатиш.

Лизинг келишувига критилган лизинг тўлови суммасининг якуний кўриниши қуйидагига тенг бўлади:

$$S_{\text{ёò}} = \tilde{N} \times [\tilde{E} \hat{o} \tilde{n} : \{1 - (1 + \tilde{E} \hat{o} \tilde{n})^{-\hat{o}r}\}] \times \hat{O}r \times \hat{O} \tilde{e} \tilde{e} \times \hat{O} \acute{a} \hat{o}.$$

Лизингга берувчининг харажатларини ҳисобга олиш ва унинг фаолияти зарарсизлигини таъминловчи лизинг тўловларини ҳисоблаш мақсадида инвестиция ва жорий харажатлардан иборат бўлган харажатлар рўйхати, шунингдек лизинг ашёсини сотиб олиш учун лизингга берувчининг кредитига хизмат кўрсатиш харажатлари шакллантирилади. Инвестиция харажатлари деганда; 1) лизинг ашёсининг қиймати; 2) лизинг ашёсининг божхона муолажалари бўйича харажатлар; 3) савдо агентига тўланиши лозим бўлган комисион ҳақ; 4) лизинг ашёсини ташиш билан боғлиқ харажатлар; 5) лизинг ашёси ишга туширилгунга қадар уни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар; 6) ўрнатиш в монтаж билан боғлиқ харажатлар; 7) ходимларни ўқитиш бўйича харажатлар; 8) бошқа харажатлар тушунилади. Лизинг мол – мулкнинг тўлиқ қиймати барча инвестиция харажатлари ва ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади. Жорий харажатлар деганда лизинг артномасининг амал қилиш даври мобайнида ушбу шартномани ижро этиш билан боғлиқ харажатлар тушунилади.

Ёритилган лизинг бўйича тўловларни ҳисоблаш усули жорий харажатларни қуйидагича гуруҳлашга асосланган: 1) ишлатиш бўйича харажатлар; 2) харажатлар таркибига киритиладиган солиқлар; 3) молиявий натижаларга ўтказиладиган солиқлар.

Лизинг лўловлари ҳажмларини асослашда лизинг шартномасининг бир қатор ўзига хос бўлган кўрсаткичлари, яъни: 1) бўнак тўловининг улуши; 2)

шартнома муддати; 3) лизинг тўловларининг даврийлиги; 4) амортизация ажратмаларининг йиллик меъёри; 5) амортизацияни тезлаштирувчи коэффициент ҳисобга олинади.

Соф фойда – таклиф этилаётган усулнинг ҳал этувчи кўрсаткичидир. ушбу кўрсаткичнинг мусбат бўлиши лизингга берувчи фаолиятининг зарарсизлигини таъминлайди. Қуйидаги тенглик зарарсизлилик усулининг асосий нисбати ҳисобланади:

$S_d - S_f + A - T_{k\pi z}$,

Бу ерда:

S_d – соф даромад;

S_f – лизингга берувчининг соф фойдаси;

A – амортизация ажратмалари;

$T_{k\pi z}$ – қар бўйича тўловлар.

Ҳисоблашлар лизингнинг барча амал қилиш муддати билан бир қаторда алоҳида вақт даврлари бўйича ҳам бажарили мумкин. Ушбу усул лизингга берувчи учун лизингнинг зарарсизлигини асослайди, бироқ ижарачи учун лизингнинг самарадорлиги инобатга олинмайди. Афсуски, лизингга берувчи фаолиятининг зарарсизлигини баён этишда, усул муаллифининг гапи бўйича, шунга ўхшаш услубиятни қўллайдиган чет эллик мутахассисларнинг ишларига изоҳлар келтирилмаган.

Молиявий ренталар усули Л. Прилуцкий томонидан «Лизинг курьер» журналида тақдим этилган (1999 йил, ноябрь – декабрь, 6 - сон). Ушбу нашрда лизинг тўловларини ҳисоблаш учун молиявий ренталар назариясини қўллаш эҳтимоли бўйича муаллифнинг нуқтаи назари келтирилган. Ростини айтганда, бундай ёндашиш Россия амалиёти учун янгилик эмаслиги қайд этиш лозим. В. Газман томонидан тақдим этилган лизингга берувчи фаолиятининг зарарсизлик услуги ҳам анна шундай асосга эга¹⁶.

¹⁶ Газман В.Д. Лизинг: теория, практика, комментарии. – М.: Фонд «Правовая культура», 1997.

Муаллиф Россия учун анъанавий ҳисобланган услубиятнинг модификациялаштирилган бир тури, яъни РФ Иқтисодиёт вазирлиги томонидан 1996 йил 19 апрелда тасдиқланган «Лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича услубий тавсиялари»ни ўз таҳлили учун бошланғич нуқта қилиб танлаб олган. Бу турли услубиятлари қўллаш натижасида олинган ҳисоблашлар натижаларини таққослаш имкониятини яратади. Юқорида қайд этилганидек, РФ Иқтисодиёт вазирлигининг ёндашиш моҳияти лизинг тўловининг миқдори мол – мулк қийматини қоплаш суммаси каби аниқланишидан иборат. Мол – мулк қиймати деганда лизингга берувчи мол – мулкни сотиб олишда ва уни лизингга олувчига етказиб беришда сарф – харажат қилган барча, шу жумладан қўшимча харажатлари ҳам тушинилади. Муаллифнинг услубияти айнан анна шундай ёндашишни назарда тутганлиги муносабати билан, моҳияти бўйича янги услубият унга тенг бўлган услубият билан таққосланиши амалга оширилади.

Иқтисодий назарияда молиявий ренталар усули инвестиция қилишнинг бошланғич суммаси келгуси тўловларнинг жорий қийматига тенглигига асосланган. Жамғармаларнинг жорий қийматини ҳисоблаш учун қўлланиладиган андозавий формула ҳар бир даврнинг охирида бир пул бирлигини инвестиция қилиш натижаларини акс эттиради (бирликнинг амортизацияси):

$$r : [1 - 1 : (1 + r)^n]$$

Бу ерда:

r – вақт даври бўйича бирлик улуши кўринишидаги дискотлашнинг ставкаси (барча вақт даврлари учун бир хил);

n – тўловлар миқдори.

Инвестицияларни бутун даври бўйича келгуси тенг бўлган тўловларнинг ҳар бирининг миқдорини топиш учун олинган коэффициентни инвестициянинг бошлағич суммасига кўпайтириш лозим.

Лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича ўз услубиятини молиявий ренталар назариясига асослаб, муаллиф ўзи томонидан амалда қилинган икки тахминига изоҳ бермайди.

Биринчидан, муаллифнинг фикри бўйича инвестициялашнинг бошланғич суммаси (тегишли равишда, ижара тўловларининг келгуси оқимининг қиймати) лизингга берувчи томонидан мол – мулкни сотиб олиш ва уни лизингга олувчига етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатларга тенг. Муаллиф ўз таҳлили нимага асосланганлигидан келиб чиқиб, ушбу услуб РФ Иқтисодиёт вазирлигининг услубиятидан келиб чиққан Дея фараз қилинади. Бироқ РФ Иқтисодиёт вазирлигининг тавсиялари лизинг тўловлари миқдорини белгилаш учун дискотлаш усулларини қўллашни назарда тутмаган. Шунинг билан бир қаторда, молиявий ренталар назарияси нуқтаи назаридан қандай қиймат капиталлаштирилиши лозим деган савол капиталлаштириш ставкасидан алоҳида кўриб чиқилмайди. Шунинг учун иккинчидан...

Иккинчидан, дискотлаш (капиталлаштириш) ставкаси муаллиф томонидан лизингга берувчига тўланиши лозим бўлган комисион ҳақи ставкасига тенглаштирилади. Инвестицияларни баҳолаш учун дисконтлаш усулларида фойдаланиш вақт бўйича тўловларни бозор ставкаси бўйича капитал қўйилмаларнинг ушбу турига келтиришни назарда тутди. Дискотлаш (капиталлаштириш) ставкасини лизингга берувчига тўланадиган ҳақ ставкасига келтириб, муаллиф асосий, яъни: қандай қили ушбу ставка белгиланиши керак деган саволга жавоб бермайди. Агар сиз РФ Иқтисодиёт вазирлигининг услубиятига мувофиқ ушбу капитал қўйилмаларнинг ставкаси (бозор ставкаси) капиталлаштириладиган қийматда ҳисобга олинганлиги ҳолатига эътиборингизни қаратсангиз, ушбу савол сизга ғайритабиий кўринмайди. Ушбу саволга жавоб бериш жуда ҳам муҳим, чунки келгусида қилинадиган барча ҳисоб – китоблар унга боғлиқдир.

Келгусида фикр юритишлар иқтисодчилар учун мўлжалланган китоблардаги мисолларга ўхшаб кетади. Дарвоқе, муаллиф томонидан давр

бошида амалга оширилган лизинг тўловлари давр охирида амалга оширилган лизинг тўловларидан камроқ деган олдинга сурилган фикр муаллиф томонидан қилинган таҳлилнинг ўзидан келиб чиқиб ҳам тасдиқланмайди. Дискотлаш ставкаси «0» бўлган ҳолатда – лизингга берувчи комиссия ҳақи олмайди (лизинг ставкаси капитал қўйилмаларнинг ушбу тури учун бозор ставкасига тенг) – бунда жорий қиймат келажакдаги қийматга тенг ва вақт давлари бўйича тақсимланиши унга таъсир кўрсатмайди.

ПМО (пул маблағларининг оқими) усули «Лизинг курьер» журналича тақдим этилган (2000 йил, январь – февраль, 1 (7) - сон). Мақола муаллифи – Вероника Штельмах (лизингни ривожлантириш бўйича Халқаро Молиявий Корпорациянинг иқтисодчиси) олдинги сонда Л. Прилуцкийнинг «Лизинг тўловларини ҳисоблашда ёрдам» деган мақоласи билан бошланган лизинг тўловларини ҳисоблаш мавзусини давом эттиради.

Коэффициентлар усулига мувофиқ бўлган бир қаторда, таркибий қисмлар усулига мувофиқ бўлган ҳолда, лизинг компаниялари ўзларининг харажатларини қоплаш учун лизинг тўловларидан тушган пул маблағлари етарли эканлигини аниқлаш учун албатта қўшимча ҳисоб – китобларни амалга оширишлари лозим. Мақола муаллифи авваламбор лизинг компаниясининг пул оқимларига асосланишни таклиф этади. Бунда лизинг келишувининг муайян даврида лизинг компаниясининг харажатлари ва лизинг компанияси томонидан қўшиб бериладиган комиссия ҳақи ҳисобга олинади, холос. Лизинг компаниясининг бошқа, лизинг компаниясининг лизингга таалуқли бўлмаган фаолиятдан олинадиган даромадлари ва харажатлари аввалгидек инобатга олинмайди. Шунинг учун, амалда, ПМО усули ҳам РФ Иқтисодиёт вазирлигининг услубияти ва Л. Прилуцкийнинг услубияти каби асосларга эга.

Бироқ, ПМО (пул маблағларининг оқими) усулининг таркибий қисмлар усули (Иқтисодиёт вазирлигининг усули)дан фарқлари мавжуд. Ниҳоят кредит бўйича фоизлар кредитлаш даври бўйича унинг ўртача қисми бўйича эмас, балки ссуда қарзининг қолдиғи бўйича ҳисобланиши лозимлигини эсга

олган одам топилди. ПМО услубиятининг муаллифи лизинг тўловининг асосий таркибий қисми деб битимни амалга ошириш учун олинган банк кредит бўйича тўловларни олади (фоизлар билан бир каторда, қарзнинг асосий суммасини ҳам) – кредит молиялаштиришнинг суммаси лизингга бериладиган мол – мулкнинг қийматига тенг деб фараз қилинади. Бу сизга маълум бўлган кредитни қоплаш жадвали (асосий қарз қисмини қоплайдиган тўловлар ва қопланмаган қисми бўйича фоизлардан иборат бўлган тенг миқдордаги тўловлар). Бундай жадвални ҳисоблаш учун формулани тақдим этамиз:

$$r = \left[1 - 1 : (1 + r)^n \right]$$

Бу ерда:

r – вақт даври бўйича бирлик улуши кўринишидаги кредит ставкаси (вақтнинг барча даврлари учун бир хил);

n – тўловлар миқдори.

Кредит молиялаштиришнинг бутун даври бўйича келгуси тенг бўлган тўловларнинг ҳар бирининг миқдорини топиш учун олинган коэффициентни кредит молиялаштиришнинг бошланғич суммасига кўпайтириш лозим. (асосий қарз қисмини қоплайдиган тўловлар ва қопланмаган қисми бўйича фоизлар). Кредитнинг қопланмаган қисмига фоиз ҳисобланг ва унинг пуллик ифодасини ҳар бир давр бўйича тўлиқ тўловнинг миқдоридан чегилинг, шундай қилиб вақтнинг ҳар бир даврида асосий қарз қопланишининг суммасини аниқланг.

Кейинчалик вақтнинг ҳар бир даври бўйича тенг бўлган кредит бўйича тўловлар суммасига лизингга берувчининг пул ифодасидаги маржани ва мол – мулк солиғини қўшиш тавсия қилинади – бу «таркибий қисм»даги каби лизингга берувчи харажатларнинг оддий калькуляциясидир. Банк кредитини қоплаш жадвали Россия учун хос эмаслиги бунинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Келгусида ПМО усулининг муаллифи уни «таркибий қисм» усули билан таққослайди. Амалда, фоизларни ҳисоблаш усулидан ташқари, ПМО

узулини РФ Иқтисодиёт вазирлигининг услубияти билан таққослаш – шунга ўхшаш усул билан таққослашдир. Лизинг тўловларининг миқдори ва уларнинг вақт даврлари бўйича қайта тақсимланишидаги фарқларнинг сабаби ПМО усули асосланган кредитни қоплашда аннуитет жадвалини қўллаш ҳисобланади. Ҳаётий вазиятларнинг қайси бир аниқ пайтларида лизинг тўловларининг қандай жадвали яхши эканлиги тўғрисида узок музокара юритиш мумкин, лекин бу бошқа масала туркумига киради. Масалан, лизинг тўлови таркибидаги мол – мулкни қоплаш суммаси давр бўйича амортизация ажратмаларидан ошқ бўлганлиги сабабли лизинг компаниясининг ортиқча фойдасини ПМО усулининг камчилиги деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, асосий воситалар уларнинг қолдиқ қийматидан пастроқ баҳода сотилган тақдирда вужудга келадиган зарур лизинг компаниясининг солиққа тортиладиган базасини камайтирмайди.

Дарвоқе, муаллифнинг ўзи ҳам ПМО усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги саволга аниқ жавоб бермайди. ПМО усули юзасидан қуйидагиларни қайд этиш лозим деб ҳисоблаймиз:

Усулнинг ўзига хос бўлганлиги шундан иборатки, лизинг компанияси кредит тўловлари бўйича қийинчиликларга дучор бўлмайди ва бунда кўпроқ солиқларни тўлайди, чунки лизинг тўловлари Ушбу харажатларни тўлиқ қоплайди ва ката миқдордаги даромадни намоён этади. Шунинг учун, ПМО усули муаллифининг ўзи қайд этганидек, ушбу усулни қўллашга жуда ҳам эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим.

Агар ижарага олувчи барқарор молиявий ҳолатга эга бўлган муваффақиятли фаолият кўрсатувчи корхона бўлган тақдирда ПМО усули унинг учун ҳам фойдали эмас. Бундай «ижарачи» учун инвестиция кредитидан ўлароқ ПМОусулига мувофиқ қимматбаҳороқ ҳисобланган ижара молиялаштирилиши содда қилиб айтганда керак ҳам эмас. Агар лизингга олувчи кичик ёки эндигина ташкил топган корхона бўлган тақдирда, у фақат банкнинг анъанавий инвестиция кредитидан фарқли ҳолда, кўпроқ қимматли

ҳисобланган лизинг компаниясининг ПМО усулига мувофиқ ташкил этилган ижара молиялаштирилишига таяниши лозим.

В.А. Горемыкин¹⁷ китобида тақдим этилган лизинг тўловлари миқдорини белгилаш усуллари лизинг тўловлари ҳисоблашнинг Россия услубиятларига назарий асослар беришга уринишдан бошланади. Лизинг тўловлари «Лизинг келишувларининг иқтисодий механизми»нинг қисми каби муаллифлар томонидан лизинг тўловлари лизинг муносабатлари амалга ошириладиган турли «таянч ва асбоблар»нинг иқтисодий шаклларида бири тариқасида тақдим этилади. Келгусидаги – ўзига хос бўлган назарий тузилмалар лизинг тўловлари миқдорини, уларнинг таркибини, турларини ва шакллари асослашга тегишлидир.

Назарий қисмдан кейин, лизинг тўловларини ҳисоблашнинг ватан услубиятларининг ўзига хос бўлган қоришмаси қуйидагиларни, яъни лизинг тўловининг умумий суммасини ташкил этадиган: амортизация ажратмаларини ҳисоблашдан; кредит захиралари учун тўловларни ҳисоблашдан; қўшимча (сервис) хизматлари учун тўловни ҳисоблашдан; комисион тўловлар ва қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашдан иборат. Кейинчалик бўнак тўловлари ва қолдиқ қийматини ҳисобга олиш учун иккита тузатиш коэффициенти киритилади ва лизинг тўловлари жадвалларини тузиш учун бир неча мисоллар келтирилади. Битимни муддатдан олдин ёпиш суммасини ҳисоблаш Е. Чекмареванинг «Лизинг бизнеси» китобида тақдим этилган услубиятни аниқ ҳолда такрорлайди. Лизинг компанияси харажатларининг калькуляциясига, яъни: тузатишлар коэффициентларини қўллаган ҳолда лизинг тўловларининг ҳисобига; мол – мулк қийматини ва лизинг фоиз тўловини баб – баравар қоплаш йўли билан лизинг тўловларини ҳисоблашга; сотиб олиш ҳуқуқи билан «тезкор лизинг» бўйича лизинг тўловларини ҳисоблашга; тўлиқ қопланадиган ва ўсиб боровчи тўловларга асосланган «молиявий лизинг» бўйича лизинг тўловларини ҳисоблашга асосланган бир неча вариантлар таклиф этилади.

¹⁷ Горемыкин В.А. Основы технологии лизинговых операций. – М.: «Инфра - М», 2000.

Умуман олганда, китобда таклиф этилган усулларнинг барчаси олдин ёзилган ва муаллифнинг фикри бўйича китоблар ўқув қўлланмалари бўлиб қолиши мумкин. Бироқ, лизингнинг чет эллик назарияси тамойили бошқа асосга эга ва бинобарин, лизингни таҳлил қилишнинг асоси ҳам бошқача асосланган. Бундан ташқари, ватаннингхўжалик амалиёти китобда такдим этилган лизинг тўловлари миқдорини аниқлашда ёндашиш қўллаб бўлинмаслигини тасдиқлайди. Лекин ҳаммадан ҳам бошқаси, яъни: иқтисодий мутахассислик бўйича олийгоҳларда таҳсил олаётган талабалар учун Халқаро иқтисодий алоқалар институти томонидан муаллифи беш юз варақдан иборат бўлган рисоласида фақатгина бир маротаба лизинг бўйича чет эллик манбага асосланган китобни таклиф этганлиги таажублантиради, холос.

Шундай қилиб, лизингга берувчи харажатларнинг калькуляцияси асосида лизингга лизинг тўловлари миқдорини ҳисоблаш усуллари орқали баҳо бериш асоссиз деб ҳисоблаш мумкин. Юзада ётган ва биринчи кўринишда оддий деб ҳисобланган нарса, ҳақиқанда нотўғри бўлиши мумкинлиги ҳамма учун оддий бўлган ҳақиқатни тасдиқлайди. Харажатларни қўшиш – бу шундай тушунарли ва содда туюлади, бироқ иқтисодчининг нуқтаи назари бўйича – бу нотўғри. Бунинг нотўғрилиги шундан иборатки, лизинг берувчининг харажатлари оддий калькуляциялашда ҳисоб учун фақат унинг манфаатлари инобатга олинади, ижарачининг манфаатлари эса инобатга олинмайди. Кўпчилик ҳолатларда оддий оқилона фикрлаш бўлғуси ижарачиларни анъанавий инвестиция кредитининг лизинг тўловларининг миқдори лизинг қийматининг бозордаги нарх – навони белгиланиши эмас, балки фақат лизингга берувчининг битимни ташкил этиш ва лизингга берувчининг маржаси билан белгиланганлиги муносабати билан кўпроқ қимматли бўлган лизингдан воз кечишга мажбур этди. Лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича барча такдим этилган Россия услубиятларидан келиб чиқадиган ушбу ҳолатни услубиятнинг ғайритабиий номланиши билан ҳам, молиявий ренталарнинг


назариясида ҳам яшириш мумкин эмас. Лизинг компанияларининг ходимлари, ўзларининг тан олишлар бўйича, лизинг нима деганлигига кўп вақт ажратишлари ҳеч кимни таажублантирмайди. Буни билишни хоҳлайсизми? Чунки ушбу қисмда тақдим этилган услубиятларда барпо этилган тушунтиришлар лизинг деган тушунчадан анчагина узоқроқда. Ва агар кимдир лизинг фойдасизлигининг ҳақиқий сабабини тўлиқ англаган бўлмасдан фақат бир нарсга қандайдир бошқача деб гумон қилса, энди танлаб олиш имкониятига эга бўлади. Лизингни таҳлил қилиш тамойили бошқача асос бир қатор бошқа ватан ишланмаларида қўлланилган.

4.3. Лизинг тўловлари турларини таъминлашни маркетинг хизматлари орқали муноамаллаштириш йўллари.

Лизинг тўловларининг қўлланилаётган ҳисоблаш усулига қараб куйидагиларни ажратадилар:

- лизингга бериладиган ускуна қийматидан амортизация ажратмаларидан, таркибида лизинг шаклида кредит учун фоиз ва шунингдек, ҳар бир даврнинг охирида критиладиган битим бўйича қўшимча тақдим этилган хизматлар учун тўловлар кирадиган лизингга берувчига тўланиши лозим бўлган комисион ҳақдан иборат бўлган постнумерандо тўловлари;
- пронумерандо тўловлари постнумерандо тўловларига ўхшаш таркибий қисмларга эга, лекин ҳар бир даврнинг бошида киритилади;
- келишув имзоланган пайтда мол – мулкни лизингга олувчи даставвал лизингга берувчига белгиланган миқдорда бўнак (депозит) тақдим этган ҳолатларда, бундан кейин эса, ускуна ишлатилиш учун қабул қилинганлиги тўғрисида далолатнома имзолангандан кейин, лизинг тўловларининг умумий суммасини (бўнак чегирилади) мунтазам бадаллар орқали тўлаб борганда кузатилади;

- ҳисоб – китоб келишувида қандайдир асосларга кўра қандайдир белгиланган фоизга асосланган аниқ бўлмаган тўловлар. Ўзаро келишув бўйича лизингга олинган ускунада ишлаб чиқарилган маҳсулот сотувининг ҳажми, сотувдан олинган фойданинг суммаси ёки лизинг шартномасининг амал қилиш муддатида ўзгартирилиши мумкин бўлган бошқа параметрлар асос қилиб олиниши мумкин.
(16 – чизмага қаралсин)



16 – чизма. Лизинг тўловлари

Даврийлик бўйича тўловларни қуйидагича:

- лизинг килишувига илова қилинган, келишув тарафлари томонидан келишилган жадвал бўйича тўланадиган даврий (ҳар йилги, ҳар чоракдаги, ҳар ойдаги) тўловлар;
- агар келишувда лизингга берувчига бўнак тўланиши назарда тутилган бўлса, бир вақтда тўланиши қўланиладиган тўловлар;

- агар лизинг келишувида бўнак тўлови назарда татилган тақдирда, у даврий тўловлар билан мураккаблаштирилган ҳолда қўлланилишини ажратадилар.

Лизингга олувчининг молиявий ҳолати ва тўлов қобилиятини инобатга олиб, келишувда лизинг тўловларининг турли усуллари белгиланиши мумкин ва уларга мувофиқ қуйидаги тўловларни ажратиш мумкин;

- тенг улушлар билан;
- ошиб борадиган миқдорлар билан. Бу асосан лизингни бошланғич босқичида фойдаланувчи томонидан лизинг тўловини камроқ улушлар билан киритиш, кейинчалик эса, ускуна ўзлаштирилиб бориши ва унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот суръати ўсиб боришига қараб Ушбу улашларни ошириб бориш қулайроқ ҳисобланган барқарор молиявий ҳолатга эга бўлмаган лизингга олувчилар томонидан қўлланилади;
- камайиб борадиган миқдорлар билан (тезлаштирилган тўловлар). Барқарор молиявий ҳолатга эга бўлган лизингга олувчилар томонидан қўлланилади, бунда фойдаланувчи лизингнинг бошланиш даврида лизингга берувчига ўз қарзининг асосий қисмини киритишни афзалроқ кўради.

Лизинг келишуви бўйича тўловлар амортизация ажратмалари суммасидаги лизинг объектининг қийматидан, мажбурий захиралар жамғармасини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг фойдаланилган ресурслар учун тўловдан, шунингдек банкнинг бошқа кредит операциялари бўйича рентабеллилик ва даромадлиликнинг ўртача даражасидан келиб чиқиб таркиб топган. Масалан, табиий офатлар, эҳтиёткорсизлик, ишлаб чиқарган заводнинг айби билан маҳсулотнинг носозлиги ёки тўлиқ бузилиши балан боғлиқ эҳтимолий суғурталанадиган ҳолатидан лизинг объектининг суғурталаш лизингга берувчи томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматлар сифатида кўрилиши мумкин. Одатда, суғурта бадалининг йиллик миқдори ускуна қийматининг 1 – 2% ини ташкил этади.

Лизинг тўловларини ҳисоблашда, шунингдек лизинг операцияларини амалга оширишда лизингга берувчига солиқ имтиёзлари тақдим этилишини, яъни: фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилиши, шунингдек лизинг объекти ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб киритилаётган товарлар юзасидан божхона божлари ва солиқлардан қисман озод қилиниши ҳам инобатга олиниши лозим.

Фойдаланилаётган ускуна бўйича амортизация ускунанинг баланс қийматидан, уни хизмат кўрсатиш муддатидан ва амортизациянинг белгиланган меъёрларидан келиб чиқиб оддий усул билан ва тўлиқ қоплаш учун йиллик амортизация ажратмалари икки маротабадан кўп бўлмаган миқдорда оширилган жадаллаштирилган амортизация усули билан ҳисобланиши мумкин. Бундан ташқари, кичик корхоналар жадаллаштирилган амортизация усули билан бир қаторда, машина ва ускуналарни биринчи йилда ишлатилиши мобайнида ишлаш муддати уч йилдан ортиқ бўлган асосий фондлар дастлабки қийматининг 20%гача бўлган миқдорини қўшимча равишда амортизация ажратмалари каби ҳисобдан чиқаришлари мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Лизинг берувчи лизинг хизматлари самарадорлигини дискотлаш усули билан келтирилган баҳо мезони бўйича баҳолаб бориш туфайли миллий валютанинг юқори суръатдаги девальвация шароитида лизинг капиталини сақлашни кафолатлайди. Бу эса ўз навбатида инфляция таваккалчилигини камайтиради, лизингнинг қонуний – ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш бўйича давлат томонидан киритилаётган қатор имтиёзларни асослайди ва тўғрилигини исботлайди. Молиявий хизматларда келтирилган баҳо мезони бўйича қишлоқ хўжалиги техникалари самарадорлигини баҳолаш лизинг берувчини инфляция таваккалчилигини кредитор зиммасига юклаб, бошқа манбалардан арзон ресурсларни излашдан ва ўз ресурсларининг қадрсизланишидан сақлайди. Баҳолаш натижасида лизинг берувчи инфляция таваккалчилигини ҳисобга олган ҳолда қўйилган лизинг капиталининг фоиз ставкасини белгилайди ва лизинг бозорида лизингнинг молиявий функцияси самарадорлигини аниқлайди.

Шунингдек такидлаб ўтиш лозимки бозор муносабатларига мос иқтисодий ва молиявий муносабатларни бўлиши лизинг механизмларидан кенг фойдаланишга имконият беради. Лизинг ижаранинг ўзига ҳо сбир услуби бўлиб, бунда биринчи томон (лизинг берувчи) иккинчи томон (лизинг олувчи) топшириғига асосан, учинчи томондан (сотувчидан) мулк (лизинг объекти) харид қилади ва уни иккинчи томонга лизинг шартномаси асосида маълум бир муддатга мулк тўловини амалга ошириш шартлари билан беради.

Лизинг муносабатларининг лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида ўзаро манфаатли ҳамда адолатли равишда амалга оширилиши кўп жиҳатдан лизинг шартномаси ва бу асосда ҳисоб юритиш сиёсати, яъни бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилишига боғлиқ. Жумладан, 21 – сонли БХМАга асосан 2003 йил 1 январдан кенг жорий қилиниши кузатилаётган счётлар режасида кўпгина масалалар бўйича ютуқ ва камчиликлар мавжуд. Ушба счётлар режаси ҳали тўла – тўқис амалиётга жорий қилинмаган бўлса-да, улар узок

синовдан ўтказилиб, камчиликлар бартараф этилганидан сўнг амалиётга кенг жорий қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларга бир йилдан кўп бўлган муддатларга лизинг олувчига кўчадиган ва кўчмас мол-мулкларнинг вақтинчалик фойдаланиб туриш учун берилишини кўзда тутувчи лизинг шартномаси (ёки лизинг берувчи ва лизинг олувчининг қўшимча келишуви) объектлари киради. Шартнома муддати тугаши билан объект ижарачи мулкига, ижарачи жами шартномада келишилган сотиб олиш баҳосини (агар бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса) кирим қилиш шarti билан ўтиши (сотиб олиниши) ҳам мумкин.

Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар лизинг берувчи билан лизинг олувчи ўртасида келишилган ҳолда 0310 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётида ҳисобга олинади.

Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши 0299 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счётида ҳисобга олинади. Лизингга олинган объектларга нисбатан эскиришни ҳисоблаш усуллари хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган ўз асосий воситаларига эскиришни ҳисоблаш услубиётига мувофиқ келиши лозим. Амортизация ажратмалари «Асосий воситалар» номли 5 –сон БХМАга мувофиқ ҳисоблаб ёзилиши керак. Лизинг олувчининг лизинг шартномаси муддати ниҳоясига етиши билан активга бўлган эгалик ҳуқуқини олишга ишонч бўлмаган ҳолларда эса актив муддатидан энг ками бўйича ё лизинг шартномаси муддати мобайнида ёки бўлмаса активнинг хизмат қилиш муддати мобайнида уларнинг қайси бири қисқалигидан келиб чиққан ҳолда (5 –сон БХМА, 29-банд) тўлиқ амортизация қилинган бўлиши лозим.

Корхонага лизинг шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар 0310 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг дебет ива 6810 – «Тўланадиган лизинг» ва 7630 – «Тўланадиган лизинг-узоқ муддатли қисми» счётларининг кредити бўйича кирим қилинади.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалардан фойдаланганлик учун лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган тўловларнинг тўланиши 6810 – «Тўланадиган лизинг» счётининг дебет ива пул маблағларини ҳисобга олиб борувчи счётларнинг кредитига оид ёзувлар асосида акс эттирилади. Лизинг шартномаси бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар суммаси;

- лизинг олувчида 9610 – «Фоиз кўринишидаги харажатлар» счёти дебет ива 6810 «Тўланадиган лизинг» счёти кредити бўйича;

- лизинг берувчида – 4810 – «Молиявий лизинг бўйича олинган лозим бўлган жорий тўловлар» счёти дебети ва 9530 – «Фоиз кўринишидаги даромад» счётининг кредити бўйича ўтказилади.

Ижарага олинган асосий воситалар объектларининг лизинг олувчи мулкига лизинг шартномаси (ёки қўшимча лизинг берувчи билан лизинг олувчи ўртасида тузилган қўшимча келишувлар) бўйича ўтиши чоғида ҳисобда асосий воситаларни ҳисобга олиш тегишли счётлари дебет ива асосий воситаларнинг турлари бўйича 0310 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Айни вақтда 0299 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши» счётида ҳисобга олинган бу объектга оид эскириш суммаси унга оид асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиб борувчи 0211-0290-счётларга ўтказилади.

Агар лизинг шартномаси ниҳоясига етиши билан асосий воситалар объектлари лизинг берувчига қайтарилса, у ҳолда ҳисобда 0299 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши» счёти дебети ва 0310 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Агар ижарага олинган асосий воситалар объекти лизинг берувчига лизинг шартномаси тугагунига қадар қайтарилса, у ҳолда ҳисобда 0310 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти кредити ва 0299 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счётининг дебети бўйича (ҳисобланган эскириш суммасига) ва 6810 – «Тўланадиган лизинг», 7630 –

«Тўланадиган лизинг узок муддатли қисми» счётлар дебети бўйича объектдан фойдаланганлик учун ижара берувчига тўланмаган суммаларга ёзувлар амалга оширилади. 0310 – «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти бўйича тахлилий ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентар объектлари бўйича юритилади.

Демак, лизинг олувчилар учун бухгалтерия ҳисобини юритишни такомиллаштириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Лизинг битимларининг асоси кредит операцияларидир, деган хулосага келиш мумкин. Сабаби шундаки, мулк эгаси ундан фойдаланувчига ўзига хос хизмат кўрсатади. У мулкни тўлиқ қийматда сотиб олади ва лизингга олувчининг даврий бадаллари ҳисобидан бу қийматни қоплайди. Шунинг учун мазкур муносабатларнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, лизингга банк ссудасига муқобил равишда сотиб олинадиган машина ва ускуналарни кредитлашнинг бир шакли деб қаралади. Шунингдек, лизинг компаниялари товарларни ишлаб чиқарувчилардан сотиб олишда банк кредитларидан кенг кўламда фойдаланмоқдалар. Бунда лизинг компанияси банк билан кредит шартномаси тузади. Масалан, IBM трансмиллий компанияси «Сити Банк» ва «Чейз Манхэттен Банк» билан тузилган кредит шартномалари туфайли ўз маҳсулотларининг $\frac{1}{4}$ қисмини лизинг шаклида реализация қилади. Бундан ташқари, 70 – йиллар бошида йирик банклар ўзларининг лизинг бўлинмалари ёки компанияларини ташкил қила бошладилар. Масалан, жаҳонга машҳур «Интернейшнл Харвестр» корпорациясининг 10 фоиздан ошиқ тракторлари «Сити Банк» лизинг компаниялари орқали сотилмоқда.

Хулоса қилиб айтсак, лизинг ижара ва кредит муносабатларининг хусусиятлари бирлашиб кетади.

«Ўзбек Лизинг Интернейшнл» АЖ ва бошқа лизинг компанияларининг тузилиши республикамизда лизинг муносабатларини шакллантиришдаги биринчи йирик қадам бўлса ҳам, аммо бу унинг кенг ривожланиши учун етарли эмас. Лизинг операцияларини амалга оширадиган институтлар ва

лизинг хизматидан фойдаланувчи хўжалик субъектлари сонини ошириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарида, айниқса, янги ташкил этилган деҳқон хўжаликларида асосий фондлар етишмовчилиги муҳим муаммо бўлиб қолмоқда.

Аммо лизинг фирмаси катта ҳажмда кредит ресурсларидан фойдаланса, у шу манбага боғлиқ бўлиб қолади. Бундай шароитда лизинг фирмаси фаолиятига у олиши мумкин бўлган банк кредитлари ҳажми, ссуда фоизининг тебраниши ва пул-кредит сиёсати ўрнатадиган бошқа омиллар таъсир этади.

Лизинг операцияларини молиявий жиҳатдан бақувват, вақтинчалик бўш пулларга эга бўлган ёки уларга тез эриша оладиган хўжалик субъектлари амалга ошириши мумкин. Ҳозирги пайтда бундай иқтисодий шароит республикамиз банкларида мавжуд. Жаҳон тажрибаси ҳам лизинг операцияларини банклар фаолиятига киритиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида инвестиция жараёнларини янада фаоллаштириш учун сезиларли молиявий ресурслар мавжуд. Ҳар бир туман ўз филиалига эга бўлган «Пахта» ва «Ўзсаноатқурилиш» банкида лизинг операцияларини ривожлантириши мақсадга мувофиқдир. Улар лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўзларининг таркибида алоҳида махсус бўлим очишлари кифоя. Тижорат банклари учун лизинг операцияларининг жозибадорлиги унинг реал моддий таъминланганлиги билан боғлиқдир. Банкларнинг лизинг тадбиркорлиги билан шуғулланиши уларнинг операциялари сонини кўпайтиради, мижозларга таъсир этиш доираларини кенгайтиради ва янги даромад манбаига эга бўлишига олиб келади.

Лизинг операциялари хатар даражаси юқори бўлган банк операциялари сирасига киради. Оператив лизингда банк хатари кўпаяди. Лизинг шартномаси муддати тугагандан сўнг объектив талаб бўлмаслиги унинг қолдиқ қиймати қопланишини муаммо қилиб қўяди.

Инфляция шароитида узоқ муддатли банк операциялари хатарлидир. Шунинг учун республикамизда узоқ муддатга асосланган лизингни ривожлантириш муаммо бўлиб қолмоқда. Лизинг операцияларининг даромадлилик даражаси берилган банк ссудалари даромадлилигидан юқори бўлса, банклар уни амалга оширадилар.

Тадбиркорлар лизинг қиймати ссудага тенг ёки ундан паст бўлганда ундан фойдаланадилар. Лизингдан фойдаланиш солиқ имтиёзлари амал қилганда самарали бўлади. Юқорида биз лизинг инвестиция қилишнинг бир усули, деб таъкидладик. Демак, лизинг операциясини амалга оширадиган субъектларга ҳам инвестиция қилишга бериладиган имтиёзлар тизимини бериш лозим.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ эканлигини ва унда фаолият кўрсатаётган хўжаликлар оғир молиявий аҳволдалигини ҳисобга олиб, лизингга олинган объектлар қиймати тўлиқ тўлангунга қадар фойда солиғидан бутунлай озод қилиниши лозим ва асосий воситаларнинг актив қисмига нисбатан жадаллашган амортизация қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бу тадбирларни амалга ошириш лизинг муносабатларини ривожлантириб, қишлоқ хўжалигида инвестиция жараёнини фаоллаштиради.

Юқорида айтилган тоифаларни амалиёт корхоналари томонидан эътиборга олиншини таъминлаш катта самара келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29. августдаги 257-I-сонли қарори билан 1997 йил 1 мартдан кучга киритилган.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни. 1999 йил 14 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонуни. 1991 йил 19 ноябр.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. 1990 йил 31 октябр.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 30 август.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995 – 269 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсаҳасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997 – 326 б.
9. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. Т.:// Халқ сўзи, 2002 йил 15 феврал.
10. Каримов И.А. Одамларнинг ташвиш ва орзу – интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин.// Туркистон, 2002 йил 20 июл, № 88 (14579).
11. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2003 йил 18 феврал, № 40.
12. Каримов И. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой воли нашего народа. Узбекистан. НМИУ. 2004.

13. Каримов И.А. «Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлида изчил бориш – асосий вазифамиз». // Халқ сўзи 2004. 10 феврал.
14. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий банкротлик тўғрисида – Т.: Ўзбекистон, 2005 – 526 б.
15. Каримов И. А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устивор вазифа. // Халқ сўзи газетаси. 2006 йил 8 декабр.
16. «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги ПФ – 3122 – сонли Фармони.
17. «Ўзбекистон Республикасини БМТ Халқаро институтининг Халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни (unidroit) унификациялаш бўйича Конвенциясига қўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги 84 – II- сонли қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Т.: 2008 йил.
19. Ўзбекистон Республикаси, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни // Халқ сўзи, 2000. 14 январ.
20. «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 199 – сонли қарори.
21. «Лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида Низом». Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 74 – сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 июнда 1373 – сон билан руйхатга олинган.
22. Газибеков Д. Г., Сабилов О.Ш. Причины медленного развития лизинговых отношений в условиях перехода Узбекистана к рыночным отношениям: Материалы международной научно-

- практической конференции. – Ташкент: Изд-во «Молия» Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан, 2000.
23. Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации. – М: «Ось-89», 1996.
24. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т: Молия, 2000.
25. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т: Молия, 2002.
26. Ангелиди М. С, Грачева А.В. Анализ инвестиционных проектов: Учебное пособие –Т: ТФИ, 2000.
27. Газман В.Д. Рынок лизинговых услуг. –М: Правовая культура, 1999.
28. Гаремыкин В.А. Лизинг. Практическое учебно – справочное пособие. – М: ИНФРА –М, 1997.
29. Гозибеков Д.Г., Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Финансовое обеспечение инвестиции в экономику Узбекистана. –Т., 1995.
30. Гозибеков Д.Г., Собиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. –Т: Молия, 2001.
31. Ли А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. Дарслик – Т.: 2004 – 398 б.
32. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003 йил. 248 б.
33. Баймурадов Т.М. Суғурта фаолиятида рисклар трансфери. Монография. – Т.: иқтисод – молия, 2005. 283 бет.
34. Зайлиддинов С., Дадабоев Д. Молиявий лизинг. Ўқ. Қўлланма – Т., 2003. -144 бет.
35. Лещенко М.И. Основы лизинга. Учеб. Пос. – М: Финансы и статистика, 2000.
36. Интернет сайтлари:
[http: // www. Frtib/ Gov/](http://www.Frtib/Gov/)
[http: // www. Worldbank. org / icsid](http://www.Worldbank.org/icsid)
[http: // www. ici. org/](http://www.ici.org/)
[http: // www. aimr. Org](http://www.aimr.Org)

<http://www.nasbic/Org>

<http://www.hondurasinfo.hn/>

<http://www.farmbill.farmbill.unl.edu/>

<http://www.eagleinvsus.com/>

<http://www.Apexvc.Com>